



Б. ДАВИДБОВ

КЎТАРИШ-
ТАШИШ
МАШИНА-
ЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШ


“ЎЗБЕКИСТОН”

621.7
Д-13.

Б. Н. ДАВИДБОВ

КЎТАРИШ-ТАШИШ МАШИНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий техника ўқув юртлари талабалари учун
ўқув қўланмаси сифатида тавсия этган*



ТОШКЕНТ • ЎЗБЕКИСТОН • 2001

Тақризчилар:

техника фанлари доктори, проф.: А. Д. Жураев,
техника фанлари доктори, проф. Х. Т. Туранов,
ТДТУ «Машина деталлари ва кутариш-ташиш
машиналари» кафедраси

Мухаррирлар: М. Шарипов, С. Мирзааҳмедова

Қўлланмада юк кўтариш-ташиш машиналарини ҳисоблаш ва лойиҳалаш масалалари баён қилинган. Кўприкли, минорали кранларнинг лентали, пластинкали, винтли турларининг ва саноатда энг кўп қўлланиладиган бошқа конвейер ва элеваторларнинг ҳисоби келтирилган.

Қўлланма олий техника ўқув юртлари талабалари учун мулжалланган бўлиб, ундан муҳандис-техник ходимлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Д-2702000000—46 2001
М 351(04) 2001

ISBN 5-640-01789-9

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2001 йил.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистоннинг истиқлол йўлидан олға шахдам қадам босиши кўп жиҳатдан илм-фаннинг ривожига, унда меҳнат қилаётган заҳматкаш олимлар, муҳандис кадрлар малакасига, улар томонидан яратилаётган ва келажакда яратилиши лозим бўлган янги турдаги машина-ускуна ва технологик қурилмаларнинг сифати, ишончилиги ҳамда самарадорлигига боғлиқ. Бу улкан вазифани амалга ошириш учун, аввало, фан-техникага оид илмий ва махсус адабиётларни давлат тилида етарли даражада нашр этиш лозим.

Кўтариш-ташиш машиналарини ўрганиш, уларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш соҳасида давлат тилида ёзилган махсус адабиётларнинг деярли йўқлиги бу соҳага ихтисослашган миллий кадрлар тайёрлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу ўқув қўлланмасини нашр этиш юқорида тилга олинган муаммони ижобий ҳал этишга маълум даражада ҳисса қўшади.

Кўтариш-ташиш машиналари халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларида кенг қўлланилади, уларнинг иш унумдорлиги ва техник-иқтисодий кўрсаткичларни, шунингдек машиналар мустаҳкамлиги, ишончилиги ҳамда ишлаш муддатини оширишга доир ҳисоблаш босқичларида ҳисоблаш-лойиҳалашнинг янги усуллари қўллаш юқоридаги асосий кўрсаткичларни юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Талабалар кўтариш-ташиш машиналари бўйича курс лойиҳаси бўйича олдинги курсларда олган билимларини умумлаштириб, машина лойиҳасини яхлитлигича тайёрлайдилар. Улар курс лойиҳасини бажариш давомида иш шароитини таҳлил этадилар, механизмларнинг кинематик схемаларини тузадилар; машина ва унинг қисмлари хомаки чизмасини туғри тайёрлаш босқичларини ўрнатиштирадилар, шунингдек машина қисмларига таъсир этаётган юкланиш, машина иш унумдорлиги, электр мотор қувватини аниқлайдилар, кран металл конструкцияларини ҳисоблаш усулини ўрганадилар.

Ўқув қўлланмасидаги ҳисобларда янги ўлчов бирликларидан фойдаланишга эътибор берилган. Баъзи ифодалар соддалаштири-

Тақризчилар:

техника фанлари доктори. проф.: **А. Д. Жўраев**,
техника фанлари доктори. проф. **Х. Т. Туранов**,
ТДТУ «Машина деталлари ва қўтариш-ташиш
машиналари» кафедраси

Муҳаррирлар: М. Шарипов, С. Мирзааҳмедова

Қўлланмада юк қўтариш-ташиш машиналарини ҳисоблаш ва лойиҳалаш масалалари баён қилинган. Кўприкли, минорали кранларнинг лентали, пластинкали, винтли турларининг ва саноатда энг кўп қўлланиладиган бошқа конвейер ва элеваторларнинг ҳисоби келтирилган.

Қўлланма олий техника ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан муҳандис-техник ходимлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Д 2702000000—46 2001
М 351(04) 2001

ISBN 5-640-01789-9

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриети, 2001 йил.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистоннинг истиқлол йўлидан олға шаҳдам қадам босиши кўп жиҳатдан илм-фаннинг ривожига, унда меҳнат қилаётган заҳматкаш олимлар, муҳандис кадрлар малакасига, улар томонидан яратилаётган ва келажакда яратилиши лозим бўлган янги турдаги машина-ускуна ва технологик қурилмаларнинг сифати, ишончлилиги ҳамда самарадорлигига боғлиқ. Бу улкан вазифани амалга ошириш учун, аввало, фан-техникага оид илмий ва махсус адабиётларни давлат тилида старли даражада нашр этиш лозим.

Кўтариш-ташиш машиналарини ўрганиш, уларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш соҳасида давлат тилида ёзилган махсус адабиётларнинг деярли йўқлиги бу соҳага ихтисослашган миллий кадрлар тайёрлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу ўқув қўлланмасини нашр этиш юқорида тилга олинган муаммони ижобий ҳал этишга маълум даражада ҳисса қўшади.

Кўтариш-ташиш машиналари халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларида кенг қўлланилади, уларнинг иш унумдорлиги ва техник-иқтисодий кўрсаткичларни, шунингдек машиналар мустаҳкамлиги, ишончлилиги ҳамда ишлаш муддатини оширишга доир ҳисоблаш босқичларида ҳисоблаш-лойиҳалашнинг янги усуллари қўллаш юқоридаги асосий кўрсаткичларни юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Талабалар кўтариш-ташиш машиналари бўйича курс лойиҳаси бўйича олдинги курсларда олган билимларини умумлаштириб, машина лойиҳасини яхлитлигича тайёрлайдилар. Улар курс лойиҳасини бажариш давомида иш шароитини таҳлил этадилар, механизмларнинг кинематик схемаларини тузадилар; машина ва унинг қисмлари хомаки чизмасини тўғри тайёрлаш босқичларини ўзлаштирадилар, шунингдек машина қисмларига таъсир этаётган юкланиш, машина иш унумдорлиги, электр мотор қувватини аниқлайдилар, кран металл конструкцияларини ҳисоблаш усулини ўрганадилар.

Ўқув қўлланмасидаги ҳисобларда янги ўлчов бирликларидан фойдаланишга эътибор берилган. Баъзи ифодалар соддалаштири-

либ, айрим ўринларда ҳисоблашнинг содда усуллари қўлланилган.

Кранларнинг асосий қисмлари учун Давлат стандарти бўйича маълумот ва миқдорлар келтирилган. Қўлланмани ёзишда Бауман номи Москва олий техника университети профессори М. П. Александров тавсияларидан фойдаланилди. Мазкур қўлёзмани кўриб чиқиб, фойдали маслаҳатлар берганликлари учун Тошкент давлат техника университети профессори А. Қопланов ва доцент Н. Ғофуровга, қўлёзмани тайёрлашга яқиндан ёрдам кўрсатганлиги учун т.ф.н. М. М. Абдуллаевга муаллиф ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

ЮК КЎТАРИШ МАШИНАЛАРИ

1 606. ЮК КЎТАРИШ МАШИНАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ АСОСЛАРИ

1.1. Иш режими

Даврий ишлайдиган машиналарда турли механизмлар иш шароитининг ўзгаришини ифодалаш учун иш режими деган тушунча киритилган.

Юк кўтариш машиналари иш режимини аниқлаш учун бир неча омиллар ҳисобга олинади: яъни, механизмларни йил бўйи ишлатиш коэффициенти, механизмларнинг кун давомида ишлатиш коэффициенти, механизми моторининг нисбий уланиш давомийлиги.

Механизмлар асбоб-ускуналарининг иш режимини аниқлаш учун юқоридаги омиллардан ташқари, ташқи муҳит ҳароратининг таъсири, шунингдек механизмни бир соат давомида юргизишлар сонини ҳисобга олиш керак.

Давлат техника назорати қоидаларига биноан юк кўтариш машиналарида қуйидаги иш режимлари белгиланган: дастаки юритмали машиналар учун (Д); машина юритмалари учун енгил — (Е); ўрта (У); оғир (О) ва ўта оғир (УО.)

Ҳар бир механизмнинг иш режими асосий юк кўтариш механизми учун белгиланган бўлади. Кран металл-конструкцияларини ҳисоблашда ҳам шу иш режимларига риоя қилинади.

Дастаки юритмали кранлар кўп танаффуслар билан ишлайди ва ҳаракатланиш тезлиги кичиклиги билан ажралиб туради. Одатда, бундай иш режими ёрдамчи юк кўтариш механизмларига хос бўлади.

Енгил режим (Е) да кран кўп танаффуслар билан, камдан-кам номинал юклар билан ишлайди, ҳаракатланиш тезлиги кичик, бир соатда электр моторни ишга тушириш сони камлиги ва уланиш давомийлигининг кичиклиги билан характерланади. Бундай режим таъмирлаш-механика цехларида ишлайдиган кўприк кранлар ва

электростанцияларнинг машина залларида ишлайдиган кранларнинг механизмларига хос.

Ўрта (Ў) режим турли массали юklar билан ишлаш, ўртача ҳаракатланиш тезлиги ва моторнинг ўртача уланиш давомийлиги билан характерланади. Бу режим, ўрта серияли ишлаб чиқаришнинг механика-йиғув цехларида ва таъмирлаш-механика цехларида ишлайдиган кўприк кранларига хосдир.

Оғир режим (О) — доимий юklar билан ишлаш (номинал қийматга яқин массали), катта ҳаракатланиш тезлиги, бир соатда электр моторни ишга тушириш сонининг катталиги ва юқори уланиш давомийлиги билан характерланади. Бу режим йирик серияли ишлаб чиқаришнинг механика-йиғув цехларида ва таъмирлаш-механика цехларида ишлайдиган кўприк кранларга хос.

Ўта оғир режим (ЎО) — доимий юklar билан ишлаш (номинал қийматга яқин массали) катта ҳаракатланиш тезлиги, бир соатда электр моторни ишга тушириш сонининг катталиги ва юқори уланиш давомийлиги билан характерланади. Бу режим йирик серияли ишлаб чиқаришнинг технологик цехлари ва омборларида ишлайдиган кўприк кранларнинг барча механизмларига хосдир.

Электр асбоб-ускуналар ва юк кўтариш машиналари механизмларининг иш режими қуйидаги курсаткичлар билан ифодаланади (1.1-жадвал):

1. Юк кўтарувчанлиги бўйича крандан фойдаланиш коэффициенти; кўтариш механизми учун:

$$R_{\text{кр}} = \frac{Q_{\text{кр}}}{Q_{\text{ном}}}, \quad (1.1)$$

буриш ва ҳаракатлантириш механизмлари учун:

$$R_{\text{юк}} = \frac{Q_{\text{кр}} + G_{\text{м}}}{Q_{\text{ном}} + G_{\text{м}}}, \quad (1.2)$$

бунда $Q_{\text{кр}}$ — кўтарилаётган юк ва юк илгич мосламаларининг ўртача массаси; $Q_{\text{ном}}$ — номинал юк кўтарувчанлик; $G_{\text{м}}$ — механизмда кучирилаётган юкнинг массаси, т (кран ёки аравача массаси билан бирга).

Йил давомида механизмдан фойдаланиш коэффициенти:

Юк кутариш машиналари механизмларининг иш режимлари

Иш режими	Крандан фойдаланиш коэффициенти			УД, %	Ташқи муҳит ҳарорати, °C
	юк бўйича $R_{\text{бўйича}}$	йиллик $R_{\text{йиллик}}$	суткалик $R_{\text{суткалик}}$		
Енгил (Е)	1,0	—	—	—	
	0,75	—	—	—	
	0,50	0,25	0,33	15	25
	0,25	0,50	0,67	15	
	0,10	1,0	1,0	25	
Ўрта (Ў)	1,0	1,0	0,67	15	
	0,75	0,50	0,33	25	
	0,50	0,50	0,67	25	25
	0,25	1,0	1,0	40	
	0,10	1,0	1,0	60	
Оғир (О)	1,0	1,0	0,67	25	
	1,0	1,0	0,33	40	
	0,75	0,75	0,67	40	25
	0,50	1,0	1,0	40	
	0,25	1,0	1,0	60	
Ўта оғир (ЎО)	1,0	1,0	1,0	40	45
	0,75	1,0	1,0	60	25
	0,50	1,0	1,0	60	45
	0,25	1,0	1,0	60	45
	0,10	1,0	1,0	60	45

$$R_{\text{й}} = \frac{\text{бир йилда ишлаган кунлар сони}}{365} \quad (1.3)$$

Сутка давомида механизмдан фойдаланиш коэффициенти:

$$R_{\text{сут}} = \frac{\text{суткада ишлаган соатлар сони}}{24} \quad (1.4)$$

Бир соат давомида механизмдан фойдаланиш коэффициенти:

$$R_{\text{соат}} = \frac{\text{1 соатда ишлаган минутлар сони}}{60} \quad (1.5)$$

Механизм моторининг нисбий уланиш давомийлиги қуйидагича аниқланади:

$$\text{УД} = \frac{T_{\text{иш}}}{T_{\text{ц}}} \cdot 100\%, \quad (1.6)$$

бунда $T_{\text{иш}}$ — ишчи циклининг давомийлиги; $T_{\text{ц}}$ — битта тўлиқ циклнинг давомийлиги:

$$T_{\text{ц}} = \Sigma t_1 + \Sigma t_2 + \Sigma t_3 + \Sigma t_4, \quad (1.7)$$

бунда Σt_1 — моторни ишга тушириш учун кетган вақтлар йиғиндиси; Σt_2 — барқарор тезликда ҳаракатланиш вақтининг йиғиндиси; Σt_3 — тўхтатишлар учун кетган вақтлар йиғиндиси; Σt_4 — орадаги танаффуслар йиғиндиси.

УД нинг қиймати ҳисобга олинганда уланишлар орасидаги вақт электр асбоб-ускуналар учун 10 минут ва механизмлар учун эса бир соатдан ошмаслиги керак.

Механизмларнинг иш режимига қараб, юк кўтариш машиналари қисм ва деталлари (асосан мотор ва тормози) нинг мустаҳкамлиги ҳисобланади, механизм элементларига таъсир этувчи кучлар топилади ва шу кучларнинг металл конструкцияларга таъсири аниқланади. Асосий нормативларга қараб, механизм қисмлари ва айрим деталларнинг хизмат муддати, мустаҳкамлик чегараси, тормозланиш чегараси қабул қилинади.

Юк кўтариш машиналари асосий қисмларининг хизмат муддатлари 1.2-жадвалда келтирилган.

1.2-жадвал

Юк кўтариш машиналари асосий қисмларининг хизмат муддатлари

Иш режими	Хизмат муддати, йил			Хизмат муддати, Т, минг соат		
	думалаш подшип- никлари	тишли узатма- лар	валлар	думалаш подшип- никлари	тишли узатма- лар	валлар
Енгил	10	15	25	1,0	1,5	2,5
Ўрта	5	10	15	3,5	7,0	10,0
Оғир	3	8	10	5,0	13,0	16,0
Ўта оғир	3	5	10	10,0	16,0	32,0

Юк кўтариш машинаси қисмлари чидамлилигини ҳисоблашда унинг соатлардаги хизмат муддати T аниқланади:

$$T_{\text{ум}} = 365 \cdot R_{\text{як}} \cdot 24 R_{\text{сут}} R_{\text{соат}} \frac{\text{УД}\%}{100} h, \text{ соат} \quad (1.8)$$

Иш режими гуруҳларининг туркуми

Фойдаланиш синфи	Юклаш синфи учун механизмларнинг иш режими гуруҳи			
	B_1	B_2	B_3	B_4
A_0	1	1	1	2
A_1	1	1	2	3
A_2	1	2	2	4
A_3	2	3	4	5
A_4	3	4	5	6
A_5	4	5	6	6
A_6	5	6	6	6

Фойдаланиш синфи бўйича механизмлар туркуми

Фойдаланиш синфи	Умумий иш вақти, соат
A_0	800
A_1	1600
A_2	3200
A_3	6300
A_4	12500
A_5	25000
A_6	50000

Юклаш синфи бўйича механизмлар туркуми

Юклаш синфи	Юклаш коэффициенти, K	Юклаш синфи тафсилоти
B_1	0,125 гача	Номиналдан анча кичик ва камдан-кам ҳолларда номинал юкланишда ишлаш
B_2	0,125 дан юқори 0,25	Урта ва номинал юкланишда ишлаш
B_3	0,25 юқори 0,50 гача	Кўпинча номинал ва унга яқин юкланишда ишлаш
B_4	0,50 дан юқори 1,00 гача	Доимий номинал ва унга яқин юкланишда ишлаш

1.2. Юк кўтариш машиналарининг ҳисобий юкланишлари

Кранга таъсир этувчи юкланишларни ҳисоблашда унинг икки ҳолати — краннинг ишчи ва салт ҳолатлари кўрилади. Краннинг ишчи ҳолати икки ҳолат: биринчи иш ҳолатидаги ўртача юкланишлар, иккинчи иш ҳолатидаги энг катта юкланишлар бўйича ҳисобланади.

Биринчи иш ҳолатидаги нормал юкланишлар (А ҳол). Нормал иш шароити яратиб берилган кран иш ҳолатида турибди ва унга номинал юкдан ҳосил бўлаётган юкланишлар таъсир қилади.

Механизмлар учун ҳисобий юкланишларга қуйидагилар киради.

1. Кран металл конструкциясининг ўз массаси.

2. Юкнинг номинал массаси ва юк осиш қурилмасининг (илгак осмаси, илгак тиргаги, юкли магнит ва бошқалар) массаси.

3. Шамол юкланиши.

4. Кран қия текисликда турганда унинг массасидан ҳосил бўладиган қўшимча юкланиш

Бу ҳолда механизм деталлари ва металл конструкциялари мустаҳкамлиги (пўлат учун) оқувчанлик чегарасидаги кучланиш, чидамлилиқ чегарасидаги кучланиш бўйича ҳисобланади. Мустаҳкамлик чегарасидаги кучланиш бўйича чўян деталлар мустаҳкамлиги аниқланади.

Иккинчи иш ҳолатидаги энг катта юкланишлар (Б ҳол). Кран иш ҳолатида турибди ва унга номинал юкдан ҳосил бўладиган юкланишлар, энг катта қўшимча юкланишлар, шунингдек тасодифий юкланишлар ҳам таъсир этиши мумкин. Иш ҳолатидаги энг катта юкланишларга қуйидагилар киради:

1. Кран металл конструкциясининг ўз массаси

2. Юкнинг номинал массаси ва илгак осмасининг массаси.

3. Шамол юкланишининг чегаравий қиймати Давлат стандарти — 1452—77 («Краны подъемные. Нагрузка ветровая») бўйича олинади.

4. Шошилинч суратда тўхтатиш ва ишга туширишда, шунингдек, электр моторларни электр тармоғига улаш ёки ундан узишда ҳосил бўладиган динамик юкланишлар.

Кран металл конструкцияси ва механизмлари пўлатдан тайёрланган қисмларининг оқувчанлик чегарасидаги кучланиш бўйича мустаҳкамлик даражаси ҳисобланади, бунда

етарли даражадаги мустаҳкамлик бўйича эҳтиёт коэффициенти таъминлаш шarti текширилади. Чундан тайёрланган қисмлар эса вақтли қаршилиқ кўрсатиш чегарасидаги кучланиш бўйича уларнинг мустаҳкамлиги аниқланади.

Салт ҳолатдаги энг катта юкланишлар (В ҳол). Кран очик ҳавода салт ҳолатда турибди, унинг ҳамма механизмлари кўзғалмас ҳолда. Бунда кранга куйидаги асосий юкланишлар таъсир қилади: кран қисмларининг ўз массаси; кран салт ҳолатда турганда таъсир қиладиган шамол қаршилиги ва қияликдан ҳосил бўладиган қўшимча юкланиш.

«В» ҳолда стрела кулочини ўзгартириш механизмига, шамолда беҳосдан юриб кетишдан сақловчи ҳимоя воситаларига, тўхтатувчи қурилмаларга таъсир этувчи юкланишлар эътиборга олинади.

Бундай қурилманинг қисмлари ва металл конструкция қисмлари оқувчанлик чегарасидаги кучланиш бўйича мустаҳкамлик даражаси ҳисобланади ва етарли даражадаги мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти таъминлаш шarti текширилади.

Кранларни йиғиб ўрнатишда, шунингдек бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда юқоридаги юкланишлардан ташқари, ўрнатиш ва ташиш юкланишлари ҳам ҳосил бўлади. Кранларни лойиҳалашда бу омил ҳам назарда тутилиши керак.

1.6-жадвал

Кранларнинг тахминий массаси

Кран тури	Краннинг юк кутарувчанлиги, Q тонна	Кран массаси, тонна	Ҳақиқий массадан четга чиқиш эҳтимоли, %
Буриладиган минорали кран:			±10
а) кутарувчи стрела		$0,31QR\sqrt{H/Q}$	±10
б) тўсин стрелали		$0,335QR\sqrt{H/Q}$	±10
Кўприкли	5 ... 50	0,96 Q + 0,84L (бунга аравача массаси 0,4 ҳам киради)	±5
Пештоқсиз, чорпояли		$0,25L\sqrt{Q \cdot H}$	±15

Базавий цикллар сони N_c нинг қиймати

Ҳисоблаш тури	Қисмлар номи	№
Эгилиш ёки бурилиш бўйича	Валлар	$4 \cdot 10^6$
	Ғилдирак тишлари	$4 \cdot 10^6$
	Сиртига айланувчи қисмлар	
	тиғизлик билан ўрнатилган вал	10^7
Тегишдаги эзилиш кучланиши бўйича	Вал сирти пухталанган	$5 \cdot 10^6$
	Ғилдирак тишлари	10^7

Деталларнинг чидамлилиқ даражасини ҳисоблаш эквивалент юкланиш бўйича бажарилади. Бу юкланиш механизмининг вақт бўйича ҳақиқий иш режимини ҳисобга олган ҳолда юкланиш графигига мувофиқ аниқланади. Қисмларнинг хизмат муддати 1.2-жадвалда келтирилган.

Эквивалент юкланиш қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$Q = Q_{\max} \cdot K_Q \cdot K_N \cdot K_M = K_d \cdot Q_{\max} \quad (1.9)$$

бунда $Q_{\max}$ — энг катта юкланиш; K_d — динамик чидамлилиқ коэффициент; K_Q — юкланишнинг вақт бўйича ўзгаришчанлигини ҳисобга олувчи коэффициент:


$$K_Q = \sqrt{\sum_{i=1}^t \left(\frac{Q_i}{Q_{\max}} \right)^m \frac{N_i}{N_x}} \quad (1.10)$$

бунда m — чарчаш эгри чизиги (Велер эгри чизиги) тенгламасининг даража кўрсаткичи

Агар тегишдаги эзилиш кучланиши бўйича мустаҳкамлик даражаси ҳисобланса, $m=3$ ва эгилиш бўйича мустаҳкамлик даражаси ҳисобланса $m=9$ олинади. Қисмларнинг тегишдаги эзилиш кучланиши бўйича мустаҳкамлик даражасини ҳисоблашда $K_Q=0,65$, эгилиш даражасини ҳисоблашда $K_Q=0,8$ бўлади.

$Q_{\max}$ — энг катта ҳисобий юкланиш, Q_i ва N_i — юкланиш ва унинг таъсир этиш циклари сони; юкланиш графиги бўйича олинади (1.1-расм).

N_x — механизм қисмларини бурашдаги кучланиш бўйича ҳисобий ишлаш муддатидаги юкланиш циклари сони йиғиндиси:



1.1-расм. Механизмларнинг юкланиш графиги: а—кўтариш механизминики; б—кранни ҳаракатлантириш механизминики; в—аравачани ҳаракатлантириш механизминики; е—енгил; у—ўрта, о—оғир режимлар.

$$N_x = 60 \cdot T_{ум} \cdot P_x$$

бунда P_x — механизм қисмларининг минутига айланишлар сони: кўтариш механизми учун $P_x = 0,9 P_{ном}$ ва ҳаракатлантириш механизмлари учун $P_x = P_{ном} \sqrt{0,01 \cdot Уд\%}$ (бунда $P_{ном}$ — барқарор ҳаракатдаги айланиш сони); $T_{ум}$ — ме-

ханизмнинг машина вақти йиғиндиси (1.8-ифода ёрдамида аниқланади). K_n — ишлаш муддати коэффициенти:

$$K_n = \sqrt{\frac{N_e}{N_0}} \quad (1.11)$$

бунда N_0 — базавий цикллар сони (1.7-жадвалга қараб аниқланади), K_m — машғулот коэффициенти:

$$K_m = \frac{1}{a}, \quad (1.12)$$

бунда a — материалга ва энг катта юкланишга боғлиқ бўлган миқдор, тажрибада аниқланади, агар қисқа муддатли, энг катта юкланиш бўлмаса $a=1$, энг катта қисқа муддатли динамик юкланишларда $a=(1,35...0,5) \cdot \lg \frac{N_e}{N_m}$ бўлади.

1.3. Шамол юкланиши

Давлат стандарти 1451—77 буйича юкланиш икки турга бўлинади: краннинг салт ҳолатидаги ва иш ҳолатидаги шамол юкланиши. Кран ишсиз ҳолатда бўлганда унга таъсир этадиган шамол юкланиши металл конструкциялари, буриш механизмлари, кран ва аравача ҳаракати, стрела қулочини ўзгартириш механизми, ўқ ва валлар, юриш ғилдираклари шамол пайтида кранни юриб кетишидан сақловчи ҳимоя воситалари ва краннинг хусусий турғунлигини ҳисоблашда назарда тутилиши керак.

Краннинг салт ҳолатида унга таъсир этадиган шамол юкланишининг чегаравий қиймати қабул қилинади ва краннинг ҳамма механизмлари шу нагрузкага мослаб ҳисобланиши керак.

Кран иш ҳолатида бўлганда унга таъсир этадиган шамол юкланиши металл конструкциялар, тормозлар, механизмларни ҳисоблашда, электр мотор қувватини аниқлашда, краннинг хусусий ва юк кўтаришдаги турғунликларини ҳисоблашда, назарга олиниши даркор. Бунда ҳисоб учун шамол юкланишининг чегаравий қиймати асос сифатида қабул қилинади.

Шамол тезлиги статик ва динамик ташкил этувчилардан иборат.

Шамол юкланишининг барқарор статик ташкил этувчиси кранни ҳисоблашдаги ҳамма ҳоллар учун эътиборга олинади.

Шамол юкланишининг динамик ташкил этувчиси ўқтин-ўқтин таъсир этади, у металл конструкциясининг мустаҳкамлик даражасини ҳисоблашда ва кран ағдарилиб кетмаслиги учун унинг турғунлигини текширишдагина ҳисобга олинади.

Шамол юкланишининг статик ташкил этувчиси. Конструкция қисмининг ёки маҳаллий шароитда маълум баландликдаги юкнинг ҳисобий юзасига тақсимланган шамол юкланиши қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$P = q R C \Pi, \quad (1.13)$$

бунда q — шамолнинг динамик босими (1.9 ва 1.10-жадваллардан олинади); R — баландлик бўйича динамик босимнинг ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент (унинг қиймати 1.8-жадвалдан олинади); c — аэродинамик кучлар коэффициенти ($c=12$ деб қабул қилинади); Π — ўта юкланиш коэффициенти кран конструкциясининг чегаравий ҳолат усули бўйича ҳисобланганда $\Pi=1,0 \dots 1,1$ бўлади.

1.8-жадвал

R — коэффициентнинг қиймати

Ер юзидан баландлик, м	10	20	40	60	100	200	350 ва ундан юқори
R	1,00	1,25	1,55	1,75	2,10	2,60	3,10

Шамолнинг динамик босими қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$q = \frac{\gamma V^2}{2}, \quad (1.14)$$

бунда γ — ҳаво зичлиги ($\gamma=1,225$ кг/м³), V — ер юзига параллел йўналган шамол тезлиги, м/с

Кран конструкцияси қисмига ёки юкка таъсир этадиган шамол юкланиши қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$F = P \cdot A, \quad (1.15)$$

бунда A — конструкция элементининг ёки юкнинг ҳисобий юзаси. Агар юза доиравий бўлса, $A=ld$; d — таёқча диаметри; l — таёқча узунлиги.

Агар таёқча прокатли ёки қўшма профилли бўлса, ҳисобий юза қуйидагича аниқланади:

$$A = h \cdot l, \quad (1.16)$$

бунда h ва l таёқчанинг ҳисобий ўлчамлари

1.9-жадвал

v ва q нинг қийматлари

Шамол юкланиши кўрсаткичлари	Собиқ СССР районлари						
	I	II	III	IV	V	VI	VII
Шамол тезлиги, м/с	21	24	27	30	33	37	40
Динамик босим, МПа	$27 \cdot 10^{-5}$	$35 \cdot 10^{-5}$	$45 \cdot 10^{-5}$	$55 \cdot 10^{-5}$	$70 \cdot 10^{-5}$	$85 \cdot 10^{-5}$	$10 \cdot 10^{-5}$

1.10-жадвал

Шамол тезлиги ва динамик босим

Кранларнинг тури	Шамол тезлиги, м/с	Динамик босим, МПа
Қурилиш, монтаж кранлари, донали темир бетон буюмлари полигонлари учун, шунингдек умумий ишларга мўлжалланган стрелали ўзиюрар кранлар	14	$12,5 \cdot 10^{-5}$
Дентиз ва дарё портларида ўрнатиладиган ҳамма турдаги кранлар	20	$25 \cdot 10^{-5}$
Танаффуссиз иш бажариладиган жойларга ўрнатиладиган кранлар	28	$50 \cdot 10^{-5}$

Краннинг иш ҳолати учун ер юзасидан 10 м баландликдаги шамолнинг динамик босими q ва шамол тезлиги кран вазифасини кўзда тутган ҳолда 1.10-жадвалдан олинади.

1.4. Рухсат этилган кучланишлар

Юк кўтарувчи машиналарда рухсат этилган кучланиш дифференциал усулда, яъни мустаҳкамлик эҳтиёт коэффиценти ва чегаравий мустаҳкамликка боғлиқ ҳолда аниқланади. Чегаравий кучланишнинг қиймати материалнинг турига (пластик ёки мўрт) ва таъсир этаётган кучларнинг хусусиятига кўра қабул қилинади. Мустаҳкамлик эҳтиёт коэффицентининг қиймати эса материалнинг ишончлилик даражасига, ҳисобланаётган деталнинг муҳимлиги ва механизмнинг иш режимига боғлиқ.

Умумий ҳолда рухсат этилган кучланиш қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\sigma = \frac{\sigma_{\text{чг}}}{n}, \quad (1.17)$$

бунда $\sigma_{\text{чг}}$ — чегаравий кучланиш МПа; n — мустаҳкамлик эҳтиёт коэффиценти (1.11-жадвалдан олинади).

1.11-жадвал

• n нинг қиймати

Пулат хом ашёлар тури	Механизмлар, деталлар учун мустаҳкамлик эҳтиёт коэффиценти	
	кўтариш	ҳаракатлантириш
Жуваланган ва тобланган	1,6	1,4
Куймалар	1,8	1,6

Чегаравий кучланиш сифатида қуйидагилар қабул қилинади: чидамлилиikka ҳисоблашда чидамлилик чегараси $\sigma_{\text{ч}}$, яъни ассиметрия цикли коэффиценти η , кучланишнинг қисм юзаси бўйича нотеkis тарқалиш коэффиценти — K_z (юза ҳолатига боғлиқ бўлади), қисмларнинг ўлчамлари ва уларга термик ишлов бериш ҳисобга олинади. Мустаҳкамлик даражасини ҳисоблашда — мўрт материаллар учун (масалан, чўян) вақтли қаршилик кўрсатиш чегарасидаги кучланиш $\sigma_{\text{в}}$, яъни юкланишнинг хусусияти ҳисобга олинади. Пластик материаллар учун (пулат, алюминий қотишмалари) оқувчанлик чегараси σ_0 , яъни қисмларнинг ўлчамлари, термик ишлов бериш ва юкланиш хусусияти ҳисобга олинади.



Пулатлар учун чидамлилик чегараси қуйидаги тахминий боғланишлар бўйича аниқланиши мумкин: эгилишда (симметрик цикл билан) $\sigma=0,22 \sigma_{\text{в}}$

Пластик материалдан ишланган қисмларни эгилиш ва буралишга чидамлилигини ҳисоблашда толиқиш чегарасидаги кучланиш ҳисобга олинади. Одатда, буни эгилишдаги $\sigma_{\text{м}}$ ва буралишдаги $\sigma_{\text{об}}$ оқувчанлик чегаралари билан чўзилишдаги оқувчанлик чегараси $\sigma_{\text{н}}$ бўйича таққосланади. Уларни қуйидагича қабул қилиш мумкин: углеродли пулатдан тайёрланган доиравий ёки тўғри тўртбурчак кесимли қисмлар учун $\sigma_{\text{н}}=1,2 \cdot \sigma_0$; углеродли пулатдан тайёрланган турли кесимдаги қисмлар учун (легирилган пулатдан тайёрланган қисмлардан ташқари) $\sigma_{\text{н}}=1,0 \cdot \sigma_0$ легирилган ва углеродли пулатдан тайёрланган доиравий кесимли қисмлар учун $\sigma_{\text{об}}=0,6 \cdot \sigma_0$.

Чидамлилик даражасини ҳисоблаш эквивалент юкланиш ёрдамида ёки эквивалент юкланиш цикллари сони бўйича аниқланадиган эквивалент вақтни ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Эквивалент вақтни аниқлашда одатда, механизмнинг вақт бўйича юкланиш графигидан фойдаланилади. Бу ҳолдаги ҳисобий юкланиш учун давомли таъсир этувчи энг катта юкланиш қабул қилинади. Энг қисқа вақт ичида таъсир этувчи (энг катта) юкланиш чидамлилик даражасини ҳисоблашда инобатга олинмайди, у ҳисобий юкланиш сифатида мустақамликка ҳисоблашда қабул қилинади.

Рухсат этилган кучланиш $[\sigma_{\text{экв}}]$ эквивалент цикллари сони ёрдамида аниқланади:

$$[\sigma_{\text{экв}}] = [\sigma] \sqrt{\frac{N_0}{N_{\text{экв}}}}, \quad (1.18)$$

бунда $[\sigma]$ узоқ давомли ишлаш учун рухсат этилган чидамлилик чегарасидаги кучланиш, N_0 — базавий цикллари сони, $N_{\text{экв}}$ — эквивалент юкланиш цикллари сони:

$$N_{\text{экв}} = 60 \sum \left(\frac{M_i}{M} \right)^m n_i \cdot t_i, \quad (1.19)$$

бунда M_i — оғирлиги Q , бўлган юкка мос келадиган момент; M — давомли таъсир этувчи кучга мос келадиган

момент: m — чидамлилиқ эгри чизиги тенгламасининг даража кўрсаткичи; n_1 — юқоридаги M_1 моментга мос келадиган айланишлар сони, мин⁻¹; t_1 — механизмнинг M_1 момент билан умумий ҳаракатланиш вақти, соат.

Эгилиш кучланиши юкка ва унинг моментига тўғри пропорционал, тегишишдаги эзилиш кучланиши (Герцифодаси бўйича) эса юк ёки моментнинг квадрат илдизидан чиқарилган қийматга пропорционалдир. Шунинг учун эгилишга ҳисоблашда m нинг қиймати (тегишишдаги эзилиш кучланиши бўйича мустаҳкамликка ҳисоблашда $\frac{m}{2}$) деб қабул қилиниши керак, яъни:

$$N_{\text{экз}} = 60 \sum \left(\frac{M_i}{M} \right)^{\frac{m}{2}} n_i \cdot t_i, \quad (1.20)$$


Эгилишга ҳисоблашда m нинг қиймати қуйидагича қабул қилинади: нормаллаштирилган ва яхшиланган пўлатдан тайёрланган қисмлар учун $m=6$; тобланган пўлатдан тайёрланган қисмлар учун эса $m=9$, тегишдаги эзилиш кучланиши бўйича мустаҳкамлик даражаси ҳисобланадиган қисмлар учун $m=3$.

1.5. Электрюртма

Бундай юритмалар тежамкорлиги, ҳаракатни иш бажарувчи органларга мураккаб узатиш системаларисиз бевосита узатиш мумкинлиги, ҳаракатнинг йўналишини ўзгартириш (реверсивлаш) қулайлиги, ишга доим шай туриши, масофадан бошқариш ва автоматлаштириш имконининг кенглиги, ишга туширишнинг оддийлиги, бошқаришнинг қулайлиги, қисқа вақтли ўта юкланишда ишлаш мумкинлиги каби афзалликлари туфайли барча қўзғалмас кранларда кенг қўлланилади.

Электрюртмали машиналарнинг камчилиги электр энергияни ташқи энергия манбаидан олиши (автоном эмаслиги)дир.

Электрюртмалар электр энергиясини механик энергияга айлантиради ва кран механизмларини ишга туширади.



1.2-расм. Асинхрон электр моторларнинг механик хоссалари.

Кўтариш-ташиш машиналарида 110, 220, 440 ва 500 В кучланишда ишлайдиган ДП турдаги ўзгармас ток моторлари ва 220, 330 ва 550 В кучланишда ишлайдиган МТК ва МТКВ турдаги қисқа туташтирилган роторли уч фазали ва МТ, МТВ белгили фаза роторли асинхрон электр моторлар ишлатилади. Бир кўприкли кран, электр тал, кўтаргич, шунингдек юк ташувчи бошқа машиналарда қисқа туташтирилган роторли 4А-С маркали ва юргизиш моменти катта 4АР маркали асинхрон электр моторлар қўлланилади.

Ўзгармас ток электр моторларининг юк кўтариш машиналарида ишлатилиши анча қулай бўлиб, улар қуйидаги афзалликлари билан ўзгарувчан ток электр моторларидан фарқ қилади: тезликни тез ростлаш имконини беради, кўтарилаётган юкнинг массаси номинал қийматдан кичик бўлганда тезликни ошириш мумкин, юқори юкланишгача чидамли ва бир соатда ишга тушириш такрорлиги ниҳоятда юқори, аммо тежамлилиги уч фазали асинхрон электр моторларга нисбатан паст. Ўзгармас ток моторлари асосан металлургия саноатида қўлланиладиган кранларда, уч фазали асинхрон моторлар эса барча юк кўтарувчи ва юк ташувчи машиналарда ишлатилади. Мотор моментининг ўзгариши тезлик даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлганда механик хусусияти абсолют қаттиқ, қаттиқ ва юмшоқ турга бўлинади. Агар момент ўзгар-

ганда тезлик ўзгармас бўлса, бу механик хусусият абсолют қаттиқ ҳисобланади (1.2-расм, 1-хусусият) момент ҳар қанча ўзгарганда ҳам тезлик унча ўзгармаса, бундай механик хусусият қаттиқ дейилади (1.2-расм, 2-хусусият). Агар момент ўзгарганда тезлик ҳам анча ўзгарса, бундай механик хусусият юмшоқ дейилади (1.2-расм, 3-хусусият).

Механик хусусиятнинг қаттиқлик даражаси қуйидаги коэффициент билан белгиланади:

$$\beta = \frac{dM}{d\Omega}.$$

Катта моторларнинг механик хусусиятлари тўғри чиқиқли бўлмайди, шунинг учун уларнинг қаттиқлиги турли юргизиш моментларида доимий қолмайди (масалан, 1.2-расм, 4-хусусият).


Моторлар сунъий ва табиий механик хусусиятли бўлади. Агарда мотор қўшимча қаршиликларсиз, номинал кучланишга тенг кучланиш билан электр манбаидан ишга туширилса, унинг бундай хусусияти табиий бўлади. Агар электр токининг кучланиши ёки такрорлиги номинал қийматга тенг бўлмаса ёки схемага қўшимча қаршиликлар қўшилса, бу механик хусусият табиийдан фарқ қилади. Бундай хусусият моторни юргизиш, шунингдек тургун ҳаракат ва тормозлаш режимларида турли тезликлар олиш, яъни тезликларни ростлаш учун қўлланилади. Кран юритмаларида фойдаланиладиган моторлар асосан уч режимда ишлайди:

1) қисқа муддатли, узоқ давом этадиган ўзгармас доимий юкланишлар 10,30,60 ва 90 мин;

2) уланиш давомийлиги (УД) нисбатан қисқа муддатли такрор (15,25,40 ва 60%), яъни цикл давомийлиги 10 минутдан ошмайдиган;

4) УД қиймати қисқа муддатли такрор ва қисман ишга тушириб тўхатиладиган (ишга туширишлар сони соатига 30,60,120 ва 240 марта).

Роторнинг тузилишига кўра асинхрон моторлар қисқа туташтирилган роторли ва фаза роторли турга бўлинади. Уларнинг механик хусусиятлари 1.3-расмда кўрсатилган.




1.3-расм. Механизмнинг фаза роторли электр моторнинг тезланиш схемаси

II 6 o 6. ЮК КЎТАРИШ МАШИНАЛАРИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ХИСОБЛАШ НАМУНАСИ

Юк кўтариш механизмлари юкни кўтариш ва тушириш вазифасини бажаради. Улар электр мотор, муфта, тормоз, редуктор, барабан, полиспаст ва илгак осмасидан иборат.


2.1-расмда электр юритмали кўтариш механизмнинг схемаси кўрсатилган. Унда электр мотор вали редукторнинг кириш валига одатда МУВП (МН 2090—64) турдаги эластик втулка кийгизилган бармоқли ёки МЗ, МЗП турдаги тишли муфтalar орқали бириктирилади. Барабан ва электр мотор ажралмайдиган кинематик жуфт орқали боғланган кўтариш механизмларида редукторга бириктирилган ярим муфтalarнинг бири тормоз шкиви сифатида ишлатилади. Агар муфта эластик бўлса (МУВП, пружинали ва ҳ.), унда Давлат техника назорати талабига биноан, тормоз шкиви сифатида редуктор валида жойлашган ярим муфтalarни ишлатиш рухсат этилади. Шу билан бирга тормозланганда эластик муфта элементлари юк моменти ҳаракатидан ажралади, бу эса унинг ишлаш муддатини оширади.



2.1-расм. Электр юритмали кўтариш механизмининг схемаси: 1—электр мотор; 2—барабан; 3—мувозанатловчи блок; 4—полтиспаст; 5—илгак осмаси; 6—редуктор; 7—муфта

2.1. Кўприкли кранларни ҳисоблаш намунаси. Кўприкли кранлар энг кўп тарқалган бўлиб, улар юкларни кўтариш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш учун қўлланади. Бундай кранлар цехларда ва очиқ эстакадаларда ўрнатилади.

Кўприкли кранлар умумий ишларга мўлжалланган ва махсус турга бўлинади. Умумий ишлар учун мўлжаллан-



2.3-расм. Кўприкли кран аравачаси.

материалининг мустаҳкамлик чегарасидаги кучланиши бўйича III.1-иловада берилган.

Узувчи куч аниқлангандан сўнг III.1.1-иловадан ДАСТ 2688—69 ЧУ—Х $6 \times 19 = 114$ белгили $a_{AP} = 14,0$ мм, чўзувчи кучи 118000 н/мм²: мустаҳкамлик чегараси 1960 н/мм² бўлган пулат симли олти ўрамли арқон танланади (2.4-расм).


Барабан ва блокнинг энг кичик рухсат этилган диаметри куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$D_6 \geq d_{арқ} \cdot e = 14 \cdot 25 = 350 \text{ мм},$$

бунда D_6 — ариқчанинг туби бўйича барабаннинг диаметри, мм, $d_{арқ}$ — арқон диаметри, мм, e — юк кўтарувчи кран тури ва унинг иш режимига боғлиқ бўладиган коэффициенти III.4.3-иловада келтирилган.

III.4.2-иловада БК-400 барабан кўрсаткичлари берилган. Мувозанатлантирувчи блоklar учун: $D_M = (0,6—0,8)$, $D_6 \approx 280$ мм. Барабан диаметри D_6 ариқчанинг туби бўйича ўлчанади. Барабанга ўраладиган арқон узунлиги;

$$l = H \cdot a_n = 16 \cdot 2 = 32 \text{ м},$$



2.4.-расм. Полиспаст схемаси: а) якка полиспаст;
б) қуш полиспаст

бунда H — юкнинг кўтарилиши, баландлиги, м:
барабандаги ишчи ариқчалар сони:

$$Z_{\text{иш}} = \frac{l}{\pi(D_0 + d_{\text{ЛР}})} = \frac{32}{3,14(94 - 0,0024)} = 25,37 \approx 26.$$

Барабандаги тулиқ ариқчалар сони:

$$Z = Z_{\text{иш}} + Z_{\text{к}} = 26 + 2 = 28,$$

бунда $Z_{\text{к}}$ — қушимча ариқчалар сони ($Z_{\text{к}} = 1,5 \div 2$).

Барабаннинг ишчи ариқчали қисми узунлиги;
якка полиспастли ҳол учун:

$$L_0 = Z \cdot t_{\text{кр}} = 28 \cdot 16 = 448 \text{ м},$$

бунда $t_{\text{кр}}$ — ариқчалар қадами:

$$t_{\text{к}} = d_{\text{кр}} + (2 \div 3) = 14 + 2 = 16.$$

Қуш полиспастли ҳолда барабаннинг ариқчали қисми
узунлиги икки барабар ортади:

$$L_0 = 2 \cdot z_{\text{иш}} \cdot t_{\text{кр}} = 2 \cdot 28 \cdot 16 = 896 \text{ мм}.$$

Бу ҳолда барабаннинг бир томони — ўнг ва иккинчи
томони чапақай қилиб тайёрланади.

Эслатма: барабаннинг умумий узунлиги қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади. Якка полиспастли ҳол учун (2.4 а-расм):

$$L = L'_0 + L_1 + 2L_2.$$

Қуш полиспастли ҳол учун (2.4 б-расм):

$$L = L'_0 + 2(L_1 + L_2) + L_3 = 896 + 2(64 + 8) + 160 = 1200 \text{ мм},$$

бунда L_1 — арқонни барабанга маҳкамлаш жойидаги барабан узунлиги:

$$L_1 = 4 \cdot t_b = 4 \cdot 16 = 64 \text{ мм},$$

L_2 — гардиш узунлиги: $L_2 = (0,5 \cdot 1,0 \cdot t_b) = 0,5 \cdot 16 = 8 \text{ мм},$

L_3 — барабаннинг ариқча очилмаган урта қисмининг узунлиги, тахминан $L_3 = 160 \text{ мм}$ деб қабул қилинган.

$$L_4 = L_0 + L_1 + L_2 = 448 + 64 + 8 = 520 \text{ мм}.$$

Барабани мустаҳкамлик бўйича ҳисоблаш. Куйма барабан деворининг қалинлиги қуймачилик технологияси талабларини эътиборга олган ҳолда қуйидаги боғланиш ёрдамида аниқланади:

$$\delta = 0,02 \cdot D_b + (6 \div 10) = 0,02 \cdot 400 + 8 = 16,0 \text{ мм}.$$

Барабан девори эзилиш ва буралиш кучланиши бўйича синалади.


Эзилиш кучланиши:

$$\sigma_{zz} = \frac{S_{\max}}{\delta \cdot t_{AP}} = \frac{20020,4}{16 \cdot 16} = 78,2 \text{ Н/мм}^2,$$

бунда $[\delta_m]$ — барабан материали учун эзилишдаги рухсат этилган кучланиш, чуян барабан учун:

$$[\sigma_{zz}] = \frac{\sigma_s}{K} = \frac{700,0}{4,25} = 164,7 \text{ Н/мм}^2$$

Агар $L \leq 4 \cdot D_b$ тенгсизлик бажарилса, барабани эгилиш ва буралиш кучланишга ҳисоблаш шарт эмас. Биз келтир-



2.5- расм. Барабан деворининг ҳисобий схемаси:
а) эзилишга, б) эгилиш ва буралишга.

ган мисолда тенгсизлик бажарилмайди. Эгилиш кучлани-
шини ҳисоблаймиз:

$$\sigma_{\text{ж}} = \frac{M_{\text{ж}}}{W_{\text{ж}}} = \frac{1041 \cdot 10^4}{8,5 \cdot 10^{-5}} = 12,28 \text{ Н/мм}^2 \leq [\sigma_{\text{ж}}] \text{ Н/мм}^2,$$

бунда $M_{\text{ж}}$ — эгувчи момент (2.5 б-расм)

$$M_{\text{ж}} = S_{\text{пмх}} (L_0 + L_1 + L_2) = 20020,4(448 + 64 + 8) = 1041,0 \cdot 10^4 \text{ Н·мм},$$

$W_{\text{ж}}$ — барабан кўндаланг кесимининг экваториал қар-
шилиқ momenti:

$$W_{\text{ж}} = 0,1 \frac{D_1^4 - D_2^4}{D_1} = 0,1 \frac{400^4 - 386^4}{400} = 8,5 \cdot 10^5 \text{ мм}^3.$$

Буралиш кучланиши қуйидаги ифода ёрдамида аниқла-
нади:


$$\tau = \frac{M_{\text{бур}}}{W_{\text{бур}}} = \frac{800816}{17 \cdot 10^3} = 10,47 \text{ Н / мм}^2,$$

бунда $W_{\text{бур}}$ — барабан кўндаланг кесимининг буралиш бўйича қаршилик моменти:

$$W_{\text{бур}} = 2 \cdot W_{\text{эк}} = 2 \cdot 8,5 \cdot 10^3 = 17 \cdot 10^3 \text{ мм}$$

$M_{\text{бур}}$ — буровчи момент:

$$M_{\text{бур}} = 2S_{\text{мах}} \cdot 0,5 D_6 = 2 \cdot 200204 \cdot 0,5 \cdot 0,4 = 8008,16.$$



2.6- расм. Арқонни барабанга маҳкамлаш схемаси.

Арқон учларини барабанга маҳкамлаш. Арқон маҳкамланган жойда ҳосил бўладиган ҳисобий таранглик (2.6-расм):

$$S_{\text{хис}} = \frac{S_{\text{мах}}}{e^{f_1 \alpha}} = \frac{20020,4}{2,72^{0,13 \cdot 14,4}} = \frac{20020,4}{3,51} = 5703,81$$

бунда f — барабан ва арқонларни тегишувчи сиртларидаги ишқаланиш коэффициенти:

$$f = 0,1 \div 0,16,$$

α — барабандаги ўрамларнинг қамраш бурчаги:

$$\alpha = 4 \cdot \pi$$

Болтларга таъсир этувчи умумий чўзувчи куч:

$$P = \frac{2 \cdot S_{\text{хис}}}{(f + f_1)(e^{f_1 \alpha} + 1)} = \frac{2 \cdot 5703,81}{(0,15 + 0,23)(2,72)} = 8416,92 \text{ н},$$

бунда f_1 — арқон ва қистиргич тегишувчи сиртлари орасидаги келтирилган ишқаланиш коэффициенти, арқон қисилгандаги бурчак $2\beta = 80^\circ$.

$$f_1 = \frac{f}{\sin \beta} = \frac{0,15}{\sin 40^\circ} = 0,233,$$

α_1 — арқон бир ариқчадан иккинчи ариқчага ўтаётганда барабанны қамраш бурчаги.

Болт танасидаги умумий кучланиш:

$$\sigma_k = \frac{1,3nP}{\frac{\pi d_1^2}{4}} + \frac{nPl}{0,1 \cdot z d_1^3} =$$

$$= \frac{1,3 \cdot 1,8 \cdot 8416,92}{\frac{\pi \cdot 18,75^2}{4}} + \frac{8416,92 \cdot 26}{2,01 \cdot 18,75^3} = 298,78 \text{ Н / мм}^2,$$

бунда n — арқонни барабанга маҳкамлашдаги мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти $n \geq 1,5$ деб қабул қилинади.

$z = 2$ — болтлар сони

l — барабан ариқчасининг тубидан қистиргичнинг устки сиртигача бўлган оралиқ.

P_x — эгилувчи болтлар кучи:


$$P_x = P f_1 = 8418,92 \cdot 0,233 = 1961,14 \text{ Н}$$

Ст 3 турли пўлатдан тайёрланган М 22 болт танасининг диаметри: $d_1 = 18,755 \text{ мм}$.


Оқувчанлик чегарасидаги кучланиш $\sigma_{ок} = 220 \text{ Н/мм}^2$ бўлганда рухсат этилган кучланиш:

$$[\sigma_r] = \frac{0,8 \cdot \sigma_{ок}}{1,5} = \frac{0,8 \cdot 220}{1,5} = 117,3 \text{ Н / мм}^2.$$

Барабан ўқини ҳисоблаш. Енгил, ўрта ва оғир режимда ишлайдиган барабанлар камида СЧ—15 белгили чўяндан,



2.7- расм. Кўтариш механизмининг барабан узели



2.8- расм. Барабан ўқининг ҳисобий схемаси.

35 Л ва 55 Л турли пўлатдан қуйма усулда ва ВМСт 3 сп турли листли пўлатдан пайванд усулида тайёрланади. Ўта оғир режимда ишлайдиган барабанлар пўлатдан ясалади (2.7-расм).

Қўш полиспаст қабул қилинганда барабанга ўралувчи арқоннинг таранглигидан барабан ўқига таъсир этувчи умумий куч қуйидагига тенг:

$$R = 2 \cdot S_{\max} = 2 \cdot 20020,4 = 40040,8 \text{ Н.}$$

2.8- расмдаги А нуқтага таъсир этувчи R_A кучи:

$$R_A = R \frac{l_2}{l_1 + l_2} = 40040,8 \frac{580}{740 + 580} = 17593,68 \text{ Н,}$$

В нуқтага таъсир этувчи R_B кучи:

$$R_B = R - R_A = 40040,8 - 17593,68 = 22447,12 \text{ Н.}$$

Барабаннинг Д губчагидаги юкланиш (тенг таъсир этувчи бу юкланиш губчак ўртасига қўйилган деб фараз қиламиз):

$$R_D = R \frac{l_1}{l} = 40040,8 \frac{580}{1000} = 23223,66 \text{ Н,}$$

С губчакда

$$R_C = R - R_B = 40040,8 - 23223,66 = 16817,14 \text{ Н.}$$

Эгувчи моментлар:

D нуқтада (барабаннинг чап губчаги ўртаси):

$$M_x = R_A \cdot l_4 = 17593,68 \cdot 200 = 3518736 \text{ Н} \cdot \text{мм},$$

C нуқтада (барабаннинг ўнг губчак ўртаси):

$$M_x = (l_2 - l_3) \cdot R_B = 116 \cdot 22447,12 = 2603865,9 \text{ Н} \cdot \text{мм},$$

Эгиловчи момент белгилангандан сўнг ўқнинг *D* нуқтадаги диаметри қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$d = \sqrt{\frac{M_x}{0,1[\sigma_x]}} = \sqrt{\frac{3518736}{0,1 \cdot 92,86}} = 72,36 \text{ мм}.$$

бунда: $[\sigma_x]$ ўқ материали учун эгилишдаги рухсат этилган кучланиш: барабан ўқи мустаҳкамлик чегараси: $\sigma_m = 610 \text{ Н/мм}^2$, оқувчанлик чегараси $\sigma_1 = 260 \text{ Н/мм}^2$ бўлган Ст 45 белгили пўлатдан тайёрланади.

Унда

$$[\sigma_x] = \frac{\sigma_1}{[n] K'_0} = \frac{260}{1,42} = 71,42 \text{ МПа},$$

$[n]$ — рухсат этилган мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти. Унинг қиймати 3.2.1-жадвалдан олинади, K'_0 — коэффициентнинг қиймати 2.2- жадвалда келтирилган. Барабан ўқи икки қаторли роликли ва шарикли думалаш подшипникларига ўрнатилади.

2.1-жадвал

Кран механизмларининг ҳисоблашдаги мустаҳкамлик бўйича рухсат этилган эҳтиёт коэффициенти $[n]$

Иш режими	Юкланиш хусусияти	Юк кўтариш ва илтак қулоқчини ўзгартириш механизмлари		Ҳаракатлантириш ва буриш механизмлари	
		прокат ва болғалаш	қуйма	прокат ва болғалаш	қуйма
Енгил	ишчи чегаравий	1,4	1,7	1,3	1,6
		1,3	1,6	1,2	1,4
Ўрта	ишчи чегаравий	1,6	1,9	1,5	1,7
		1,3	1,6	1,2	1,4
Оғир	ишчи чегаравий	1,7	2,0	1,6	1,9
		1,3	1,6	1,2	1,4
Ўта оғир	ишчи чегаравий	1,9	2,2	1,7	2,0
		1,3	1,6	1,2	1,4

K_0 коэффициентининг ҳисобий қийматлари (тахминий ҳисоблар учун)

Қисмлар тури	коэффициент K_0	
Ишлов берилган текис пўлат қисмлар	1,3	1,6
Шунинг ўзи, ишлов берилмаган юзати	1,6	2,0
Вал, уқ, шапфа ва валларнинг резбали қисмларида	2,5	3,0
Пона ўрнатилган жойда	2,0	2,8
Тишти ғилдирак тишлари нормалланган ёки яхшиланган		
($HB < 250$)	1,4	1,5
Ҳажимий чиниқтирилган ва яхшиланган		
($HB > 250$)	1,6	1,7
Юза қатламли чиниқтирилган ($HR C 40-50$)	1,2	1,3

Илгак осмасини ҳисоблаш. (2.9-расм). Берилган номинал юк кўтарувчанлиги 8 т ва ўрта иш режими бўйича (ДАСТ 6627—74) III.3.1-иловадан бир шохли илгак танлаймиз. Илгак паст углеродли 20 ва 20 Г пўлатдан болғалаб тайёрланган. Илгак думининг резбали қисми танаси диаметри $d_m = 46,587$ мм. Илгакнинг 1—1 ва 2—2 кесими мустаҳкамлик бўйича ҳисобланади. Илгакнинг 1—1 қисми чўзилишга текширилади (3- расм, а), у ҳолда чўзилиш кучланиши қуйидагича бўлади:

$$\sigma_x = \frac{4Qq}{\pi d_m^2} = \frac{4 \cdot 8000 \cdot 9,81}{3,14 \cdot 46,58^2} = 46,054 \text{ МПа} \leq [\sigma_x],$$

бунда


$[\sigma_x]$ — 20 белгили пўлат учун рухсат этилган кучланиш:

$$[\sigma_x] = 60 \div 70 \text{ МПа}$$


Илгакнинг 2—2 эгри чизиқли қисми эгри ғўла учун мулжалланган ифода бўйича эгилишга текширилади:

$$\sigma_x = \frac{Qq2l}{v \cdot F \cdot D} = \frac{8000 \cdot 9,81 \cdot 2 \cdot 41,32}{0,125 \cdot 3870 \cdot 0,95} = 14112,52 \text{ н / мм}^2 \leq [\sigma_x],$$

бунда F — илгакнинг В—В кесими юзаси:



2.9- расм. Илгак осмалари: а) нормал; б) қисқартирилган. 1—илгак; 2—тиргак; 3—осма; 4—ўқ; 5—блок.



2.10- расм. Илгак танасининг ҳисобий кесими.

$$F = \frac{b_1 + b_2}{2} h_0 = \frac{20 + 70}{2} \cdot 86 = 3870 \text{ мм}^2,$$

D — илгак жағи ички сиртининг диаметри, мм;

l_2 — оғирлик маркази C дан S нуқтагача бўлган масофа (2.10-расм);

v — кесим шаклига боғлиқ бўлган коэффициент;

l_1 — оғирлик маркази M дан K нуқтасигача бўлган оралиқ:

$$l_1 = h_0 - l_2 = 86 - 41,32 = 44,68 \text{ мм},$$


r — куч қўйилган нуқтадан кесимнинг оғирлик марказигача бўлган масофа:

$$r = \frac{D}{2} + l_2 = \frac{70}{2} + 41,32 = 88,82 \text{ мм}.$$

$$\begin{aligned} v &= \frac{2 \cdot r}{(B_1 + B_2) h_0} \left\{ \left[b_1 + \frac{b_2 - b_1}{h_0} (r - l_1) \right] \ln \frac{r + l_1}{r - l_2} - (b_2 - b_1) \right\} - 1 = \\ &= \frac{2 \cdot 88,82}{(20 + 70) \cdot 86} \left\{ \left[20 + \frac{70 - 20}{86} (88,82 - 41,32) \right] \ln \frac{88,82 + 44,98}{88,82 - 41,32} - \right. \\ &\quad \left. - (70 - 20) \right\} - 1 = 0,126, \end{aligned}$$

$[\sigma_{\text{н}}]$ — 20 белгили пўлат учун рухсат этилган кучла-ниш;

$$[\sigma_{\text{н}}] = 120 \text{ н/мм}^2.$$



2.11- расм. Тиргакнинг ҳисобий схемаси.

Илгак тиргаги ҳисоби. Тиргак марказий кесимидаги эгувчи момент (2.11-расм):

$$M_{\pi} = \frac{Q \cdot q \cdot b}{4} = \frac{8000 \cdot 9,81 \cdot 200}{4} = 3924 \cdot 10^3 \text{ Нмм.}$$

Рухсат этилган кучланиш қиймати қуйидаги шарт орқали олдиндан аниқланади:

$$[\sigma_{\pi}] = \frac{\sigma_{\tau}}{[n]} = \frac{420}{2,5} = 168 \text{ МПа.}$$

Кесимнинг қаршилиқ моменти:

$$W = \frac{M_{\text{тг}}}{[\sigma_{\text{тг}}]} = \frac{3924 \cdot 10^3}{168} = 23357,14 \text{ мм}^3.$$

Тиргак баландлиги:

$$h = \sqrt{\frac{B \cdot W}{b_1 - d_2}} = \sqrt{\frac{693428,57}{110 - 63}} = 54,625 \text{ мм},$$

бунда

$$b_1 = D + (10 \div 20) = 95 + 15 = 110 \text{ мм}.$$

D — тиргакка ўрнатиладиган илгак подшипнигининг ташқи диаметри $D = 95$ мм:

$$d_2 = d_1 + (2 \div 5) = 60 + 3 = 63 \text{ мм}.$$

Илгак гайкаси ҳисоби. Илгак гайкаси баландлиги қуйидагича қабул қилинади:

$$H_1 = 1,2 \cdot d_2 = 1,2 \cdot 63 = 75,6 \text{ мм}.$$

Гайканинг ташқи диаметри

$$D_1 = 1,8 \cdot d_2 = 1,8 \cdot 63 = 113,4 \text{ мм}.$$

Тиргакли подшипник. $d_1 = 60$ мм бўлган илгак бўйини учун III.13-иловадан (ДАСТ 7242—81) 80213 турдаги ички диаметри $d = 65$ мм; ташқи ҳалқанинг ташқи диаметри $D = 120$ мм; ҳалқасининг кенглиги $B = 23$ мм бўлган бир қаторли енгил серияли тиргакли подшипник танлаймиз.

Электр моторни ҳисоблаш ва редуктор танлаш. Номинал юк кўтарилганда кўтариш механизмини электр мотори қуввати қуйидагича аниқланади:

$$N = \frac{Q \cdot q \cdot v_{\text{мк}}}{1000 \cdot 60 \cdot \eta_{\text{м}}} = \frac{8000 \cdot 9,81 \cdot 8}{1000 \cdot 60 \cdot 0,85} = 12,3 \text{ кВт},$$

бунда $\eta_{\text{м}}$ — механизмнинг Ф.И.К. (2.3-жадвалдан олинди).

Кран механизмларининг ФИК « η_m »

Механизмлар	Узатма тури	таъиндаги ФИК « η_m »	
		думалаш	сирпаниш
Кўтариш механизми	цилиндрик тишли червякли	0,8...0,85 0,65...0,7	0,75...0,8 0,65...0,7
Кран ва арава-чанинг ҳаракатлантириш механизми	цилиндрик тишли червякли	0,8...0,9 0,65...0,75	0,75...0,85 0,05...0,75
Буриш механизми	цилиндрик тишли червякли	0,75...0,85 0,5...0,75	0,7...0,8 0,5...0,75
Пулат симли арқон барабанлари учун		0,96...0,98	0,94...0,96

III.5.4-иловада ўрта иш режими учун МТФ 312—8 белгили электр моторни танлаймиз. Унинг техник кўрсаткичлари қуйидагича: $N=13$ кВт., айланиш сони (такрорлиги) $n_{\text{мот}}=695$ I/мин, роторининг инерция моменти $J_p=0,387$ кг·м², ҳажмий ўлчамлари III.5.5-иловада келтирилган.

Редукторнинг узатишлар сони:

$$U_p = \frac{n_{\text{мот}}}{n_6} = \frac{695}{15,28} = 45,48,$$

бунда n_6 — барабаннинг айланиш такрорлиги:

$$n_6 = \frac{60 \cdot v \cdot a_n}{\pi \cdot D_6} = \frac{60 \cdot 0,16 \cdot 2}{3,14 \cdot 0,4} = 12,73 \text{ мин}^{-1}.$$

Танланаётган редукторни узатиш сони ҳисобда чиққандан 10% га фарқланиши (катта ёки кичик бўлиши) мумкин. III.6.3-иловадан ўрта иш режими учун узатишлар сони — $U_p=56$, қуввати — 13,4 квт. бўлган ЦЗУ — 200 белгили икки поғонали цилиндрик тишли филдиракли редукторни танлаймиз. Қабул қилинган редуктор тез айланувчи валининг айланишлар сони 750 мин⁻¹.

Барабаннинг амалдаги айланишлар сони қуйидагича аниқланади:

$$n'_6 = \frac{n_{\text{мот}}}{U_p} = \frac{695}{56} = 12,41 \text{ мин}^{-1}.$$

Юкнинг амалдаги кўтарилиш тезлиги:

$$v'_{\text{к\ddot{u}т}} = \frac{\pi \cdot D_{\text{б}} \cdot n_{\text{б}}}{60 \cdot a_{\text{п}}} = \frac{3,14 \cdot 0,4 \cdot 12,41}{60 \cdot 2} = 0,17 \text{ м/с.}$$

Редуктор узатаётган чегаравий буровчи момент:

$$M_{\text{чег}} = K_{\text{гр}} \cdot M_{\text{рез}} = K \cdot 9550 \cdot \frac{N_{\text{рез}}}{n_{\text{мот}}} = \\ = 1,6 \cdot 9550 \cdot \frac{13,14}{695} = 288,89 \text{ Н} \cdot \text{м.}$$

бунда: N — редуктор қувватининг жадвалий қиймати,
 $K_{\text{гр}}$ — юргизиш моменти каррали қиймати (2.4-жадвалдан олинади).

2.4-жадвал

$K_{\text{гр}}$ қиймати

Иш режими	Е	Ў	О	ЎО
Кўр	1,25	1,6	2,0	2,5

Бириктирувчи муфталарни ҳисоблаш. Муфта, вал каби қисмларнинг учларини бир-бирларига улаш, шунингдек уларнинг биридан иккинчисига буровчи моментни узатиш учун ишлатилади. Юк кўтарувчи машиналарда асосан тишли ва эластик втулка кийгизилган бармоқли муфтalar ишлатилади. Улар ҳисобий момент бўйича танланади:

$$M_{\text{х}} = M_{\text{ст}} \cdot K_1 \cdot K_2 = 450,73 \cdot 1,3 \cdot 1,2 = 703,13 \text{ Н} \cdot \text{м},$$

бунда K_1 ; K_2 — муфта ўрнатилган жойда механизмнинг иш режими ва муҳимлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент (2.5-жадвалдан олинади). Юргизиш даврида мотор валидаги статик буровчи момент:

$$M_{\text{ст}} = \frac{S_{\text{max}} \cdot m \cdot D_{\text{б}}}{2 \cdot U_{\text{р}} \cdot \eta_{\text{б}} \cdot \eta_{\text{кор}}} = \frac{20020,4 \cdot 2 \cdot 0,4}{2,56 \cdot 0,9 \cdot 0,4} = 397,23 \text{ Нм},$$

бунда $\eta_{\text{б}}$ — барабаннинг ФИК, $\eta_{\text{кор}}$ — барабан юритмасининг ФИК.

III.9.1-иловадан ҳисобий моментга мос келадиган $D_{\text{м}} = 200$ мм, $J_{\text{м}} = 0,125$ кг·м² ва буровчи моменти $M_{\text{б}} = 500$

мм бўлган эластик втулка — бармоқли муфта тури (ДАСТ 21424—75)ни қабул қиламиз.

2.5-жадвал

K_1 ва K_2 қиймати

Механизмлар	K_1	K_2 коэффициенти			
		енгил	ўрта	оғир	ўрта оғир
Юк кўтариш	1,3				
Шуни ўзи, эритилган металллар ташишганда	1,5	1,0	1,1	1,2	1,2
Илгак кулочини ўзгартириш	1,4				
Ҳаракатлантириш ва буриш	1,2				

2.6-жадвал

Блок профилининг ўлчамлари (2.12-расм).

Арқон диаметри, мм	A	B	C		
11,5.....14,0	31	32	20	8	12
14,0.....18,0	40	34	28	10	14
18,0.....23,0	50	42	35	12,5	16
23,0.....28,3	59	49	42	15,2	18
28,3.....35	70	50	45	19,5	20

Юргизиш даврида электр моторнинг ўртача моменти:

$$M_{\text{юр.ўр}} = \frac{M_{\text{ко.мак}} + M_{\text{ко.мин}}}{2} = 1,6 \cdot M_{\text{н}} = 1,6 \cdot 9550 \frac{N_{\text{мкп}}}{n_{\text{мкп}}} = 1,6 \cdot 9550 \times \\ \times \frac{13}{695} = 285,81 \text{ Н} \cdot \text{м} \cdot M_{\text{юр.ўр}} = 285,81 < 288,89$$

бўлганлиги учун редуктор двигателнинг ўта юкланишига бардош бера олади.

Юкни кўтариш учун керакли статик момент куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$M_{\text{ст.күт}} = \frac{S_{\text{max}} \cdot \gamma \cdot m \cdot D_b}{2 \cdot U_p \cdot \eta_m} =$$

$$= \frac{20020,4 \cdot 2 \cdot 0,4}{2,56 \cdot 0,85} = 168,23 \text{ Нм}$$

Юкни тушириш учун керакли статик момент:


$$M_{\text{ст.т}} = \frac{S_{\text{max}} \cdot \gamma \cdot m \cdot D_b \cdot \eta_m}{2 \cdot U_p} =$$

$$= \frac{19620 \cdot 2 \cdot 0,4 \cdot 0,85}{2,56} = 119,12 \text{ Нм},$$

бунда

$$S_{\text{max.т}} = \frac{Q \cdot q \cdot \eta_m}{2 \cdot a_n \cdot \eta_{\text{II}}} = \frac{8000 \cdot 9,81 \cdot 0,98}{2 \cdot 2 \cdot 0,98} =$$

$$= 19620 \text{ Н}$$



$P_{ин}$ — юкли аравача юргизилганда ва тўхтатилганда ҳосил бўладиган инерция кучи. Четки тўсинлар одатда



2.27- расм. Четки тўсиннинг кўндаланг кесими.

қутисимон кесимли бўлади (2.27-расм). Уларнинг баландлиги худди асосий балканинг таянч олдидаги кесимидек олинади: $H - H_1 = 1000$ мм. Юқори ва остки горизонтал листларининг эни бундай кесим учун қуйидагича:

$$J_x = \sum J_{x1} = \frac{B \delta_{уст}^3}{12} + B \delta_{уст} \cdot \left(h_{уст} - \frac{\delta_{уст}}{2} \right)^2 + \frac{B \delta_{ост}^3}{12} + B \delta_{ост} -$$

$$- \left(h_{ост} - \frac{\delta_{ост}}{2} \right)^2 + \frac{\delta_{деб} h_{деб}^3}{12} + \delta_{деб} \cdot h_{деб} \left(h_{ост} - \delta_{ост} - \frac{h}{2} \right)^2 =$$

$$= \frac{500 \cdot 8^3}{12} + 500 \cdot 8 \left(1000 - \frac{8}{2} \right)^2 + \frac{500 \cdot 6^3}{12} + 500 \cdot 6 - \left(1000 - \frac{6}{2} \right)^2 +$$

$$+ \frac{6 \cdot 1000^3}{12} + 6 \cdot 1000 \left(500 - 6 - \frac{986}{2} \right)^2 = 3,8676 \cdot 10^9 \text{ мм}^4.$$

$$J_y = \sum J_{y1} = \frac{H^3 \delta_{уст}}{12} + \frac{H^3 \delta_{ост}}{12} + \frac{h_{деб} \delta_{деб}^3}{12} + h_{деб} \cdot \delta_{деб} \left(\frac{B_0 - \delta_{деб}}{2} \right)^2 =$$

$$= \frac{1000^3 \cdot 8}{12} + \frac{1000^3 \cdot 6}{12} + \frac{1000 \cdot 6^3}{12} + 1000 \cdot 6 \left(\frac{490 - 6}{2} \right)^2 = 1462388 \cdot 10^3 \text{ мм}^4$$

$$W_x = \frac{2J_x}{h} = \frac{2 \cdot 1462388 \cdot 10^3}{1000} = 2924776 \text{ мм}^2$$


$$W_y = \frac{2J_y}{B} = \frac{2 \cdot 1462388 \cdot 10^3}{500} = 5849552 \text{ мм}^2$$

$$S_0 = S_{0,уст} + S_{0,ост} + S_{0,деб} = 3984000 + 900 + 11689900 =$$

$$= 15674800 \text{ мм}^3$$

Юқоридаги счимларда асосий тўсин учун ишлатилган ифодалардан фойдаланилди.

Вертикал ва горизонтал моментлардан ҳосил бўладиган нормал кучланишлар:



2.28- расм. Юкли аравачанинг чап четки ҳолатидаги кўприкли кран асосий тўсинининг схемаси.

$$\sigma_1^B = \frac{M_1^B}{W_x} = \frac{110167450}{2924776} = 37,66 \text{ Н/мм}^2$$

$$\sigma_2^T = \frac{M_2^T}{W_y} = \frac{31773600}{5849552} = 5,43 \text{ Н/мм}^2$$

Четки тўсиннинг хавфли кесимидаги нормал кучланишлар йиғиндиси:

$$\sigma = \sigma_1^B + \sigma_2^T = 12,6 + 5,43 = 18,03 \text{ Н/мм}^2$$

Четки тўсин хавфли кесимидаги (X-X ўқи атрофида) уринма кучланиш (2.28- расм):

$$\tau = \frac{A_n \cdot S_n}{J_x \cdot \delta_{\text{дв}}} = \frac{41609,78 \cdot 15674800}{24369000000 \cdot 6} = 12,44 \text{ Н/мм}^2$$

бу ерда:

$$A_x = (Q + G_{\text{кр}}) \cdot g \frac{x_1}{2L} + \frac{G_y \cdot g}{2} = (8000 + 3200) \cdot 9,81 \frac{1,1}{2 \cdot 23,3} + \frac{8000 \cdot 9,81}{2} = 41609,78 \text{ Н.}$$

Хавфли кесимнинг мустаҳкамлик шarti:

$$\sigma = \sqrt{G_1^2 + 3\tau^2} = \sqrt{18,03^2 + 3 \cdot 12,44^2} = 28,15 < |\sigma| < 160 \text{ Н/мм}^2$$

2.2. Бир кўприкли кранни ҳисоблаш намунаси

Берилган. Юк кўтарувчанлиги $Q=2,0$ т; оралиғи $L=6$ м; юк кўтариш баландлиги $H=6$ м; электр талнинг массаси $G_1=290$ кг; кран тўсини массаси, электр тални ҳам қўшиб ҳисоблаганда $G_k=2780$ кг.

2.29- расмда бир кўприкли кран кўрсатилган. Пайванд конструкцияли кўприк 1 икки четки балка 6 устига ўрнатилган. Пастки қисмида дастаки таль (Давлат стандарти 6899-75) 7 осилиб, у тўсин кўприк бўйлаб ҳаракат қилади. Кранни ҳаракатлантириш механизми 2 нинг трансмиссион вали 3 га қаттиқ маҳкамланган тишли филдирак 4 орқали ҳаракат пастдан амалга оширилади. Трансмиссион валнинг четки қисмига шестерня ўрнатилган бўлиб, у ҳаракатни тишли филдирак орқали юрувчи филдирак 5 га узатади.


Электр талларни ҳисоблаш. Цехлар ичида ва цехлараро юкларни ташиш, узлуксиз ва автоматик линияга, станокларга хизмат қилиш учун таллар қўлланилади.


Электр талларнинг (2.30- расм) юк кўтарувчанлиги 0,25 дан 15 т гача, кўтариш тезлиги 5...25 м/мин гача, кўтариш баландлиги 35 м гача бўлади. Уларнинг якка рельс йўл бўйича ҳаракатлантириш тезлиги йўл узунлиги ва таль вазифасига боғлиқ.

Электр таль қобиқ ичида жойлашган барабан 4 дан иборат бўлиб, ундаги полиспаст 5 га осмаси 6 осилган. Таль электр моторли 2 юритма билан таъминланган, ҳаракатлантириш механизми қобиқ 1 га бириктирилган ва монорельс 7 бўйлаб ҳаракатланади. Барабан ўз ичида жойлашган электр мотордан ҳаракат олади. Моторлар бошқарувчи пулт 3 орқали ишга туширилади.

Электр тални ҳаракатлантириш учун алоҳида электр мотори ва редуктори бўлган механизмли аравачага осилади (2.31-расм, а,б).

Агар талларнинг ҳаракатланиш тезлиги 32 м/мин дан кичик бўлса, улар пастдан туриб ва тезлиги 32 м/мин ва





2.30- расм. Электр таль.

ундан катта бўлса, бошқарувчи кабинада туриб бошқарилади.

Берилган: юк кўтарувчанлиги $Q=2,0$ т., кўтариш баландлиги $H=6,0$ м; талнинг ҳаракатлантириш тезлиги $V_{\text{ҳар}}=0,4$ м/с; юкнинг кўтарилиш тезлиги $V_{\text{юк}}=0,2$ м/с; иш режими — ўрта.

1. Электр талнинг кўтариш механизмини ҳисоблаш. Кўтариш механизмининг кинематик схемаси 2.30- расмда кўрсатилган. Юк кўтарувчанлиги $Q=2,0$ т бўлган электр тал учун полиспаст карралиги $a_n=2$ деб олинади.


Арқон тармоғидаги энг катта таранглик кучи қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$S_{\text{max}} = \frac{Q \cdot g}{a_n \cdot m \cdot \eta_n} = \frac{2000 \cdot 9,81}{2 \cdot 1 \cdot 0,98} = 10010,20 \text{ Н},$$

бунда $m=1$ — барабанга кетаётган арқонлар сони, $\eta_n=0,98$ — полиспастнинг ФИК.

Пўлат симли арқонларни ҳисоблаш Давлат техника назорати қондасига биноан ҳисобий узувчи куч бўйича амалга оширилади.

$$S_{\text{сг}} = S_{\text{max}} \cdot n = 10010,20 \cdot 5,5 = 55056,12 \text{ Н},$$



2.31- расм. Электр талнинг кинематик схемалари: а— юк кутариш механизми; б— ҳаракатлантириш механизми.

буна $n=5,5$ — мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти. Унинг қиймати III.4.1-илова ёрдамида ўрта иш режими бўйича аниқланади.

Узвчи куч аниқлангандан сунг III.11-иловадан Давлат стандарти 2688—80 ЧУ—Х $6 \times 19 \times 1 = 114$ белгили $d_{AP} = 9,9$ мм; узвчи кучи 58550 Н; симнинг мустаҳкамлик чегараси 1960 Н/мм² бўлган олти ўрамли пулат симли арқон танланади.

Барабан ва блокнинг энг кичик рухсат этилган диаметри:

$$D_6 \geq d_{AP} \cdot l = 9,9 \cdot 22 = 217,8 \text{ мм},$$

буна $l=22$ — юк кўтарувчи қурилма тури, унинг тузлиши ва иш режимига боғлиқ бўладиган коэффициент.

III.4.2-иловадан БК-260 турли барабан қабул қилинади. Арқоннинг фойдали узунлиги:

$$l = H \cdot a_n = 6 \cdot 2 = 12 \text{ м}.$$

Барабандаги ишчи арқоннинг ўрамлари сони:

$$Z_{\text{иш}} = \frac{l}{\pi(D_6 + d_{AP})} = \frac{12}{3,14(0,26 + 0,0099)} = 14,2 \approx 14.$$

Барабандаги арқоннинг тўлиқ ўрамлар сони:

$$Z = Z_{\text{иш}} + Z_3 = 14 + 2 = 16,$$

буна Z_3 — эҳтиёт ўрамлар сони ($Z_3 = 1,5 \div 2,0$).

Барабандаги ариқчали қисмнинг узунлиги:

$$L_0 = Z \cdot t_{AP} = 16 \cdot 11,9 = 190,4 \text{ мм},$$

буна t_{AP} — ариқча қадами: $t_{AP} = d_{AP} + (2 \div 3) = 9,9 + 2 = 11,9$ мм.

Барабаннинг узунлиги:

$$L_3 = L_1 + 2L_2 + L_0 = 47,6 + 2 + 5,95 + 190,4 = 249,9 \text{ мм},$$

буна L_1 арқонни барабанга маҳкамлаш жойидаги барабан узунлиги:

$$L_1 = 4 \cdot t_{AP} = 4 \cdot 11,9 = 47,6 \text{ мм},$$

L_2 — барабаннинг гардиши кенглиги:

$$L_2 = 0,5 \cdot 1,0 \cdot t_{AP} = 0,5 \cdot 1,0 \cdot 11,9 = 5,95 \text{ мм}.$$

Барабан девори қалинлиги қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\delta = 0,02 \cdot D_b + (6 \div 10) = 0,02 \cdot 260 + 6 = 11,2 \text{ мм.}$$

Номинал юк кўтарганда кўтариш механизми мотори қуввати қуйидагича аниқланади:

$$N = \frac{Q \cdot g \cdot v_{\text{рек}}}{1000 \eta_m} = \frac{2000 \cdot 9,81 \cdot 0,15}{1000 \cdot 0,85} = 3,46 \text{ кВт.}$$

бунда $\eta_m = 0,85$ — механизмнинг ФИК (3.26-жадвалдан олинади). III.5.1-иловадан ўрта иш режими учун қуввати $N_{\text{мот}} = 4,0$ кВт; $n_{\text{мот}} = 950 \text{ мин}^{-1}$; роторнинг инерция моменти $J_p = 0,02 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$; $\frac{M_{\text{мин}}}{M_{\text{ном}}} = 1,6$; $\frac{M_{\text{макс}}}{M_{\text{ном}}} = 2,2$ бўлган. 4A112M-

В6У3 турли асинхрон электр моторни танлаймиз. Унинг ҳажмий ўлчамлари III,5.3-иловада келтирилган.

Юкни кўтариш учун керакли статик буровчи момент:

$$M_{\text{ст}} = \frac{S'_{\text{макс}} \cdot D_b \cdot m}{2 \cdot \eta_m} = \frac{10010,2 \cdot 0,261}{2 \cdot 0,98} = 1327,88 \text{ Нм.}$$

Барабаннинг айланиш сони:

$$n_6 = \frac{60 \cdot V_{\text{рек}} \cdot a_n}{\pi D_b} = \frac{60 \cdot 0,152}{3,14 \cdot 0,26} = 22,04 \text{ мин}^{-1}$$

Редукторнинг узатишлар сони:

$$U_p = \frac{n_{\text{мот}}}{n_6} = \frac{950}{22,04} = 43,10.$$


Таль редуктори икки поғонали.

Биринчи поғона узатишлар сони:

$$U_1 = \frac{Z_2}{Z_1} = \frac{156}{17} = 9,17.$$

Иккинчи поғона узатишлар сони:

$$U_2 = \frac{Z_4}{Z_3} = \frac{62}{13} = 4,76.$$



2.32- расм. Электр таль колодкали тормозининг схемаси (а); кулачокдаги куч (б).

Амалий узатишлар сони:

$$U'_p = U_1 \cdot U_2 = 9,17 \cdot 4,76 = 43,65.$$

Юкнинг амалий кўтариш тезлиги:

$$v'_{\text{юк}} = \frac{\pi D_0 \cdot n_0}{a_n} = \frac{3,14 \cdot 0,26 \cdot 22,04}{2,60} = 8,94 \text{ м/мин} = 0,15 \text{ м/с}.$$

Тормозни ҳисоблаш ва танлаш. Тормознинг ҳисобий схемаси 2.32-расмда кўрсатилган. Тормозловчи момент қуйидагича аниқланади:

$$M_T = 1,2 \cdot M_n = 1,2 \cdot 61,41 = 73,69 \text{ Нм},$$

бунда M_n — номинал тормозловчи момент:

$$M_n = \frac{M_{op}}{U_2 \eta_{\text{тиш}}} = \frac{286,18}{4,76 \cdot 0,98} = 61,41 \text{ Нм}.$$

Тормоз уланганда пружинани кериш учун керакли куч:

$$P = \frac{M_1}{f D \eta} \cdot \frac{h_1^2 - \mu^2 b^2}{h_1(h_1 + h_2 + h_3)} = \frac{73,69}{0,42 \cdot 0,17 \cdot 0,9} \cdot \frac{0,105^2 - 0,42^2 \cdot 0,0016^2}{0,105(0,105 + 0,12 + 0,025)} = 481,6 \text{ Н.}$$

f — колодка билан шкив орасидаги ишқаланиш коэффициенти. Унинг қиймати 3.7-жадвалдан $f=0,42$ тенг олинади. Бунда $\eta_p=0,95$ — рычаглар таянчларида ишқаланишга сарфланган кучни ҳисобга олувчи коэффициент. Тормоз шкиви валини эгувчи куч:

$$\Delta S = B \frac{2M_1}{D h_1} \sqrt{(1 + \mu^2)} = 0,1 \frac{2 \cdot 73,69}{0,17 \cdot 0,105} \sqrt{1 + 0,42^2} = 971,3 \text{ Н.}$$

Тормоз узилганда тормоз рычагининг иш текислигидаги кулачокнинг босим кучи:

$$N = P \frac{h_1 + h_2 + h_3}{h_1 + h_2} = 481,6 \frac{0,105 + 0,12 + 0,025}{0,105 + 0,12} = 535,11 \text{ Н.}$$

Тормоз узилганда кулачок ўқидаги момент, кулачок ва рычагнинг иш текислиги орасидаги ишқаланиш ҳисобга олиниши керак:

$$M = N \cdot a + \mu_1 \cdot N \cdot C = P \frac{h_1 + h_2 + h_3}{h_1 + h_2} (Q + \mu_1 c) \frac{1}{\eta} = 481,6 \cdot \frac{0,105 + 0,12 + 0,025}{0,105 + 0,12} \cdot (0,02 + 0,05 \cdot 0,01) \frac{1}{0,95} = 11,5 \text{ Нм,}$$


бу ерда $\mu=0,15$ — кулачок иш текислиги орасидаги ишқаланиш коэффициенти; C — кулачок жойлашган оралик; $C=6 \div 10$ мм; $a=16 \div 20$ мм. Бу ҳолда электромагнит штогидаги керакли тортувчи куч:

$$P_u = \frac{M}{l} + \frac{G \cdot g}{2} = \frac{11,5}{0,24} + \frac{0,04 \cdot 9,81}{2} = 48,1 \text{ Н.}$$

бу ерда $G=0,04$ кг — электромагнит штоги билан боғланган кўтарувчи қисмининг массаси.

Колодкалар ажратилганда электромагнит ўзагининг йўли: $\epsilon=0,1$ мм ва ростланадиган қисми орасидаги рухсат этилган оралик $S=0,5$ мм бўлганда:

$$h = (\epsilon + S) \frac{h_1 + h_2}{h_1} \cdot \frac{2l}{a} = (0,1 + 0,5) \frac{105 + 120}{105} \cdot \frac{2 \cdot 240}{20} = 30,85 \text{ мм}$$



2.33- расм. Юк тиргакли тормоз: 1— вал, шестерня; 2— шкив гилдирак; 3— бармоқ; 4— тиргак; 5— таянчли диск; 6— хроповикли гилдирак.

Қоплагичдаги энг катта босим:

$$P = \frac{N \cdot 360}{\alpha \pi D B} = \frac{535 \cdot 360}{70 \cdot 3,14 \cdot 170 \cdot 32} = 0,16 \text{ МПа} < [p],$$

бунда $B=320$ мм қоплагич эни. Ушбу шкив энидан $5 \div 10$ мм кам олинади. $[p]$ — рухсат этилган босим: $[p]=0,6$ МПа олинади. $\alpha=70^\circ$ — шкив колодкасининг қамраш бурчаги.

Юк тиргакли тормозни ҳисоблаш (2.33- расм). Тормоз валидаги уч кирувчи резъбанинг кўтарилиш бурчаги:

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{z \cdot t}{\pi d_{yp}} = \frac{3 \cdot 8}{3,14 \cdot 44} = 0,17, \quad \alpha = 10^\circ,$$

бунда $z=3$ — резъбанинг киримлари сони, $t=8$ — резъбанинг қадами, d_{yp} — резъбанинг ўртача диаметри. Тормозланиш даврида ҳосил бўладиган ҳамда тормоз фриクション ҳалқаларини сиқувчи ўқ бўйлаб йўналган кў:

$$N = \frac{M_{op}}{\pi r g(\alpha + \rho) + f R_{yp}} = \frac{286,18}{0,022 \cdot \operatorname{tg} 13^\circ + 0,12 \cdot 0,1} = 16756,15 \text{ Н}$$

бунда $r=22$ мм — винт резьбасининг ўртача радиуси, $\rho=2$ — винт резьбасининг ишқаланиш бурчаги: $f=0,12$ — жўваланган лентани пўлат бўйича ишқаланиш коэффициент. R_{yp} — ишқаланиш юзасининг ўртача радиуси:

$$R_{yp} = \frac{D_1 + D_n}{4} = \frac{240 + 160}{4} = 100 \text{ мм.}$$

$$D_1 = 240 \text{ мм; } D_n = 160.$$

Юкли тормознинг тормозловчи моменти:

$$M_t = f N R_{yp} \cdot \Pi = 0,12 \cdot 16756,15 \cdot 0,1 \cdot 2 = 402,14 \text{ Нм}$$

Тормозловчи момент қуйидаги шартни қондириши керак:

$$M_t \geq M_{op} \cdot K_t = 286,12 \cdot 1,2 = 343,4 \text{ Нм}$$

Ҳаракатлантириш механизмларини ҳисоблаш. Гилдиракнинг қийшайиши мумкинлиги ва қиррали гардишнинг ишқаланишини ҳисобга олмаган ҳолда туғри тармоқдаги қаршилиқ кучи:

$$\begin{aligned} W &= \left[\frac{Q_{юк} + G_{тал}}{D_1} (2\mu + fd)(Q_{юк} + G_{тал}) \alpha \right] g = \\ &= \left[\frac{2000 + 290}{120} (2 \cdot 0,4 + 0,0230) + (2000 + 290) \cdot 0,001 \right] 9,81 = \\ &= 149,7 \text{ Н,} \end{aligned}$$

бу ерда $G_{тал}$ — электрталь массаси, кг; $Q_{юк}$ — юк массаси. $\mu = 0,4$ мм; $f = 0,02$; α — йўлнинг рухсат этилган қиялиги, $\alpha = 0,001$.

Юриш гилдираклари ўзига қабул қиладиган кучлар йиғиндиси:

$$Q_{ум} = Q_{юк} + G_{тал} = 2000 + 290 = 2290 \text{ кг}$$

Электр моторнинг керакли қуввати:

$$N = \frac{W \cdot v_{хар}}{1000 \eta_m} = \frac{149,7 \cdot 0,4}{1000 \cdot 0,9} = 0,1 \text{ кВт}$$

бунда $v_{хар}$ — ҳаракатлантириш тезлиги, м/с.

$\eta_m = 0,9$ — ҳаракатлантириш механизмнинг ФИК;

III.5.1-иловадан қуввати $N_{\text{мот}} = 0,37$ кВт: айланишлар сони: $P_{\text{мот}} = 1365 \text{ мин}^{-1}$; $\frac{M_{\text{юр}}}{M_{\text{и}}} = 2,0$; $\frac{M_{\text{мин}}}{M_{\text{и}}} = 1,2$; $\frac{M_{\text{мах}}}{M_{\text{и}}} = 2,2$; $J = 1,37 \cdot 10^{-3}$ бўлган 4АА63В4АУЗ турли моторни танлай-миз.

Юриш гилдиракларнинг айланишлар сони:

$$n_i = \frac{60 V_{\text{хар}}}{\pi \cdot D_i} = \frac{60 \cdot 0,4}{3,14 \cdot 0,12} = 63,36 \text{ мин}^{-1}$$

Редукторнинг узатишлар сони:

$$U_p = \frac{n_{\text{мот}}}{n_i} = \frac{1365}{63,66} = 21,36$$

Ҳақиқий узатишлар сони:

$$U_p' = U_1 \cdot U_2 = \frac{z_2}{z_1} \cdot \frac{z_4}{z_3} = \frac{26}{6} \cdot \frac{60}{11} = 23,43$$

Ҳаракатлантиришдаги ҳақиқий тезлик:

$$v'_{\text{хар}} = v_{\text{хар}} \frac{U_{\text{ум}}}{U_{\text{ум}}} = 0,4 \frac{23,43}{21,38} = 0,43 \text{ м/с.}$$

Электр моторнинг номинал моменти:

$$M_{\text{и}} = 9550 \frac{N_{\text{мот}}}{n_{\text{мот}}} = 9550 \frac{0,37}{1365} = 2,58 \text{ Нм.}$$

Юк билан ишлаганда статик қаршилик кучининг электр мотор валидаги моменти:

$$M_{\text{к}} = \frac{W \cdot D_i}{2 \cdot U_p \cdot \eta_{\text{и}}} = \frac{647,46 \cdot 0,12}{2 \cdot 23,43 \cdot 0,85} = 1,93 \text{ Нм.}$$

Электр моторни ишга тушириш моменти:

$$M_{\text{иш.т}} = 1,4 \cdot M_{\text{и}} = 1,4 \cdot 2,58 = 3,61 \text{ Нм.}$$

Электр манбаидаги кучланиш номинал қийматидан 85% гача камайганда кран асбоб-ускуналарини ишончли иш-лашга ҳисобланади ва ўртача юргизиш моменти қуйидаги боғланиш бўйича аниқланади:

$$M_{\text{ур.юр}} = 0,85^2 M_n K_{\text{ур}} = 0,85^2 \cdot 2,58 \cdot 2,1 = 3,91 \text{ Нм.}$$

$K_{\text{ур}}$ — ўртача юргизиш моментининг номинал буровчи нисбатини ифодаловчи коэффициент:

$$K_{\text{ур}} = \frac{1}{2} (K_{\text{юр}} + K_{\text{мх}}) = \frac{1}{2} (2 + 2,2) = 2,1$$

$K_{\text{юр}}$, $K_{\text{м}}$ — энг кичик ва энг катта юргизиш моментларининг номинал буровчи моментга нисбатан коэффициентлари. Юргизиш вақти:

$$t_{\text{юр}} = \frac{1}{M_{\text{ур.юр}} - M_n} \left(\frac{0,12 J_p P_{\text{мот}}}{9,55} + \frac{G_{\text{тал}} \cdot D_r \cdot n_{\text{мот}}}{38,2 \cdot U_p^2 \cdot \eta_m} \right) =$$

$$= \frac{1}{3,91 - 1,95} \left(\frac{1,2 \cdot 0,0013 \cdot 1365}{9,55} + \frac{290 \cdot 0,12 \cdot 1365}{38,2 \cdot 23,43^2 \cdot 0,85} \right) = 1,33.$$

Амалий илашиш эҳтиёт коэффициенти:

$$K_{\text{ил}} = \frac{M_1}{W + G_{\text{тал}} \cdot \delta \left(\frac{f_1}{1,31} - \frac{n_{\text{ум}} \cdot n_{\text{ст}}}{n_{\text{ум}}} f \frac{d_r}{D_r} \right)} =$$

$$= \frac{11232,4 \cdot 0,12}{143,9 + 290 \cdot 9,81 \left(\frac{0,45}{9,81} - \frac{4 \cdot 2 \cdot 0,02 \cdot 0,030}{4} \right)} = 5,04 > 1,2,$$

бу ерда f_1 гилдирак билан рельс орасидаги илашиш коэффициенти, $f_1 = 0,12$; A — юкли электр талнинг иккита юритмали гилдиракдаги босим кучи:

$$A = \frac{(Q_{\text{кат}} + G_{\text{тал}}) \cdot \delta}{2} = \frac{(2000 + 290) \cdot 9,81}{2} = 11232,4 \text{ Н.}$$

$n_{\text{ум}}$ — умумий гилдираклар сони, $n_{\text{ст}}$ — етакчи гилдираклар сони, d_r — гилдирак ўқининг диаметри, a — юкли ҳаракатлантириш механизмининг юргизишдаги ўртача тезланиши:

$$a = \frac{V'_{\text{ур}}}{t_{\text{юр}}} = \frac{0,44}{1,33} = 0,33 \text{ м/с.}$$

Колодкали ва лентали тормозлардаги рухсат этилган босим [P], МПа

Ишқаланувчи юзалар материали	Кoeffи- циент	Тормозлар	
		Тўхтатувчи	туширувчи
Пўлат ёки чўян-чўян бўйича	0,15	1,5	1,0
Пўлат-пўлат бўйича		0,4	0,2
Газламали тормозли лента- чўян бўйича	0,32	0,6	0,3
Жуваланган ва прессланган фрикцион материал-пўлат ёки чўян бўйича	0,42	0,6	0,3
Қиздириб қопланган материал (каучукда) чўян ва пўлат бўйича	0,32	0,8	0,4

Краннинг ҳаракатлантириш механизмининг ҳисоблаш. Краннинг ҳаракатлантириш механизмлари кинематик схемалари 2.18-расмда кўрсатилган.

Берилган: 1. Юк кўтарувчанлик $Q=2$ т; краннинг ҳаракатлантириш тезлиги $v_{\text{кр}} = 30$ м/мин; иш режими — ўрта.

Краннинг ҳаракатлантириш қаршилигини ҳисоблаш. Юкли аравачаларнинг ҳаракатлантириш қаршиликлари йиғиндиси ВНИИПТМаш бўйича қуйидагича аниқланади:

$$W_{\text{ум}} = W_{\text{иш}} + W_{\text{кр}} + W_{\text{иш}} = 762 + 46,9 = 809 \text{ Н.}$$

Юриш ғилдираги гардишининг рельс бўйича ишқаланиш қаршилиги:

$$W_{\text{иш}} = (Q + G_{\text{кр}})g \left(\frac{2\mu + d'}{D_r} \right) K_1 =$$

$$= (2000 + 2780) \cdot 9,81 \left(\frac{2 \cdot 0,0005 + 0,02 \cdot 0,08}{0,4} \right) 1,5 = 762 \text{ Н,}$$

бу ерда D_r — юриш ғилдираги диаметри (2.11-жадвалдан олинади), $G_{\text{кр}}$ — кран массаси, кг; d — цапфа диаметри:

$$d = (0,2 \div 0,25) D_r = 0,2 \cdot 400 = 80 \text{ мм.}$$

Рельс сиртининг қиялигидан ҳосил бўладиган ҳаракат қаршилиги:

$$W_{\text{қия}} = (Q + G_{\text{кр}}) \cdot g \alpha = (2000 + 2780) \cdot 9,81 \cdot 0,01 = 46,9 \text{ Н.}$$

Электр мотор ва редукторни ҳисоблаш ва танлаш. Электр мотор қуввати қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$N_{\text{мотор}} = \frac{W \cdot V_{\text{хар}}}{1000 \cdot \eta_{\text{м}} \cdot 60} = \frac{809,30}{1000 \cdot 0,85 \cdot 60} = 0,48 \text{ кВт.}$$

III.5.1-иловадан қуввати $N_{\text{мотор}} = 0,55 \text{ кВт}$, айланишлар частотаси $n_{\text{мотор}} = 900 \text{ мин}^{-1}$, роторнинг айланма инерция моменти ($J_{\text{р}} = 0,00202 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$ бўлган 4A71B6У3 белгили моторни танлаймиз.

Кранни ҳаракатлантириш механизмининг узатишлар сони:

$$U_{\text{мех}} = \frac{n_{\text{мотор}}}{n_{\text{т}}} = \frac{900}{23,9} = 38,$$

бу ерда $n_{\text{т}}$ — юриш ғилдирагининг айланишлар сони, мин^{-1} .

$$n_{\text{т}} = \frac{V_{\text{хар}}}{\pi D_{\text{т}}} = \frac{30}{3,14 \cdot 0,4} = 23,9 \text{ мин}^{-1}.$$

III.6.16- иловада узатишлар сони 41.34 бўлган Ц2-250 белгили редукторни танлаймиз.

Краннинг ҳақиқий ҳаракатлантириш тезлиги:

$$v'_{\text{хар}} = v_{\text{хар}} \cdot \frac{U_{\text{мех}}}{U_{\text{р}}} = \frac{30 \cdot 38}{41,34} = 27,58 \text{ м/мин.}$$

Кранни юргизишдаги энг катта тезланиш: ($W_{\text{ш}} = 0$ бўлганда)

$$\begin{aligned} a_{\text{max}} &= \left[\frac{n_{\text{сш}}}{n_{\text{ум}}} \left(\frac{\varphi}{K_{\varphi}} + \frac{f d_{\text{т}}}{D_{\text{ю.т}}} \right) - (2\mu + f d_{\text{т}}) \frac{K_2}{D_{\text{т}}} \right] \cdot g = \\ &= \left[\frac{2}{4} \left(\frac{0,15}{1,2} + \frac{0,02 \cdot 0,08}{0,4} \right) - (2 \cdot 0,0005 + 0,02 \cdot 0,08) \frac{2,5}{0,4} \right] 9,81 = \\ &= 0,47 \text{ м/с}^2. \end{aligned}$$

Рухсат этилган юргизиш вақти:

$$t_{\text{пух}} = \frac{V_{\text{хар}}}{60 a_{\text{max}}} = \frac{27,58}{60 \cdot 0,47} = 0,9 \text{ с}$$

Краннинг ҳаракатлантириш механизми юксиз ҳаракатланганда уни амалий юргизиш вақти:

$$t_{\text{юр}} = \left(\frac{1}{M_{\text{кр}} - M_{\text{к}}} \left(\frac{\gamma J_{\text{ум}} P_{\text{мот}}}{9,55} + \frac{G_{\text{кр}} D_1^2 P_{\text{мот}}}{38,2 U_{\text{ум}}^2 \eta_{\text{ум}}} \right) \right) =$$

$$= \frac{1}{9,34 - 5,9} \cdot \left(\frac{1,2 \cdot 0,0208 \cdot 900}{9,55} + \frac{2780 \cdot 0,4^2 \cdot 900}{38,2 \cdot 41,34^2 \cdot 0,85} \right) = 2,8 \text{ с},$$

бу ерда $J_{\text{ум}}$ — электр мотор ва муфтанинг инерция моментлари:

$$J_{\text{ум}} = J_{\text{р}} + J_{\text{м}} = 0,0203 + 0,0175 = 0,0378 \text{ кг} \cdot \text{м}^2,$$

$J_{\text{м}}$ — мотор валига маҳкамланган муфтанинг инерция моменти; $M_{\text{кр.ур}}$ — моторнинг ўртача юргизиш моменти.

$$M_{\text{кр}} = 1,6 \cdot H_{\text{ном}} = 1,6 \cdot 5,84 = 9,34 \text{ Нм}.$$

Электр моторнинг номинал моменти:

$$M_{\text{м}} = 9550 \frac{N_{\text{мот}}}{P_{\text{мот}}} = 9550 \frac{0,55}{900} = 5,84 \text{ Н} \cdot \text{м}.$$

$M_{\text{к}}$ — электр мотор валидаги момент (юксиз):


$$M_{\text{к}} = \frac{W'_{\text{хар}} \cdot D_1}{2 U_{\text{р}} \cdot \eta_{\text{м}}} = \frac{443 \cdot 0,4}{2 \cdot 41,34 \cdot 0,85} = 2,52 \text{ Нм},$$

бу ерда $W'_{\text{хар}}$ — юксиз краннинг таянчлардаги ҳаракатлантириш қаршилиги:

$$W'_{\text{хар}} = G_{\text{кр}} \cdot g \left(\frac{2\mu + f/d}{D_1} \right) K_2 = 2780 \cdot 9,81 \left(\frac{2,0 \cdot 0,0005 + 0,02 \cdot 0,08}{0,4} \right) 2,5 =$$

$$= 443 \text{ Н}.$$

A ва B таянчлардаги юриш ғилдиракларининг юкланиши (2.34-расм):



2.34- расм. Кўприкдаги юриш гилдиракларининг ҳисобий юкламасининг схемаси.

$$A = \frac{G_T \cdot \frac{1}{2} + G_{кр} \cdot 1,05 + G_{каб} \cdot 1,2}{L} = \frac{1,301 \frac{1}{2} + 0,29 \cdot 1,05 + 0,36 \cdot 1,2}{6} = 0,772 \text{ т},$$

$$B = \frac{G_T \cdot \frac{1}{2} + G_{каб} (L - 1,05) + G_{кр} (L - 1)}{L} =$$

$$= \frac{1,301 \frac{1}{2} + 0,29(6 - 1,05) + 0,36(6 - 1)}{6} = 1,188 \text{ т}.$$

Юксиз кранни юргизишдаги амалий тезланиш:

$$a'_{кр} = \frac{V'_{кр}}{t'_{кр}} = \frac{27,58}{60 \cdot 2,8} = 0,16 \text{ м/с}^2.$$

Кранни ҳаракатлантириш механизмини ҳисоблаганда ила-
шиш эҳтиёт коэффиценти краннинг юксиз ишчи ҳола-
ти учун текширилади:

$$K_{ил} = \frac{G_{каб} \cdot f_1}{\frac{W_{кр}}{g} + (G_{кр} \cdot g) \left(\frac{1}{9,81} - \frac{\pi_{ум} - \pi_{ст}}{\pi_{ум}} \right) f \frac{d_f}{D_y}} =$$

$$= \frac{13636 \cdot 0,2}{\frac{441}{9,81} + (2780 \cdot 9,81) \left(\frac{0,16}{9,81} - \frac{4-2}{4} \right) \cdot 0,02 \cdot \frac{80}{400}} = 6,2 > 1,2,$$

бу ерда $G_{кр}$ — краннинг тахминий массаси; $\sigma_{ил}$ — кранни
етакловчи гилдиракларга тақсимланган оғирлиги.

$$G_{каб} = \frac{\pi_{ст}}{\pi_f} G_{кр} \cdot g = \frac{2}{4} 2780 \cdot 9,81 = 13636 \text{ Н}.$$

Тормоз моментини ҳисоблаш ва танлаш. Кранни тўхта-
тиш учун талаб қилинадиган тормоз моменти:

$$M_T = M_{кр}^{ум} - M'_{ст} = 13,7 - 0,29 = 12,41 \text{ Нм},$$

бу ерда $M_{\text{хар}}^{\text{ин}}$ — кран массаси инерция кучларининг электр мотор валига келтирилган моменти:

$$M_{\text{хар}}^{\text{ин}} = M_{\text{аыл}}^{\text{ин}} + M_{\text{мл}}^{\text{ин}} + M_{\text{ш}} + M_{\text{кр}} = \frac{\gamma J_{\text{ум}} \Pi_{\text{мотор}}}{9,85 t_r} + \frac{G_{\text{кр}} D_t^2 \Pi_{\text{мотор}} \eta_{\text{м}}}{38,2 \cdot U_{\text{ум}}^2 t_r} =$$

$$= \frac{1,2 \cdot 0,0387 \cdot 900 \cdot 0,85}{9,35 \cdot 0,63} + \frac{2780 \cdot 0,4^2 \cdot 900 \cdot 0,85}{38,2 \cdot 41,34^2 \cdot 0,65} = 13,7 \text{ Н} \cdot \text{м}.$$

$M_{\text{ст}}'$ 2.55- ифодадан аниқланади, яъни

$$M_{\text{ст}}' = \frac{G_{\text{кр}} g (2\mu + fd) D_t \eta}{2 U_p} =$$

$$= \frac{2780 \cdot 9,81 (2 \cdot 0,0005 + 0,02 \cdot 0,08) \cdot 0,4 \cdot 0,85}{2 \cdot 41,34} = 0,29 \text{ Н} \cdot \text{м}.$$

бу ерда t_r — тўхтатиш муддати, с:

$$t_r = \frac{V_{\text{хар}}'}{a_{\text{max}}} = \frac{27,58}{0,70660} = 0,65 \text{ с},$$

a_{max} — тўхтатишдаги энг катта секинланиш.

$$a_{\text{max}} = \left[\frac{n_{\text{ст}}}{n_{\text{ум}}} \left(\frac{\varphi}{K\varphi} + \frac{fd}{D_z} \right) + \frac{2\mu + fd_z}{D_z} \right] g = \left[\frac{2}{4} \cdot \left(\frac{0,15}{1,2} + \frac{0,02 \cdot 0,08}{0,4} \right) + \right.$$

$$\left. + \frac{2 \cdot 0,0005 + 0,02 \cdot 0,08}{0,4} \right] 9,81 = 0,706 \text{ м} / \text{с}^2.$$

III.7.1- иловадан тормоз моменти $M_r = 20 \text{ Н} \cdot \text{м}$. тормоз шкивининг диаметри $D_{\text{ш}} = 100$, тормоз колодкасининг эни $B = 70 \text{ мм}$ бўлган ТКТ-100 турдаги тормозни танлаймиз.

Юриш гилдирагини ҳисоблаш. Цилиндрик икки гардишли гилдиракнинг материали сифатида 65 Г белгили пўлатни қабул қилиб оламиз. Думалаш юзасининг эни — 100 мм. Шундай гилдираклар учун қавариқ каллагини $R_1 = 400 \text{ мм}$ га КР — 70 рельс танланади. Юриш гилдиракларига таъсир этувчи энг катта юкланиш:

$$P_{\max} = \frac{B \cdot g}{2} = \frac{11889,81}{2} = 5827,14 \text{ Н.}$$

Нуқтавий тегишишдаги фойдали кучланиш қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\sigma_x = m \sqrt{\frac{P_x E_{\max}^2}{R^2}} \leq [\sigma_x], \text{ МПа,}$$

$m = \frac{R_1}{R_2}$ — нисбатга боғлиқ бўлган коэффициент, шу билан бирга R_2 — остида гилдиракнинг энг катта радиуси, R_1 — рельснинг энг катта радиуси. Унинг қиймати 2.21-жадвалдан олинади:

$$\frac{R_2}{R_1} = \frac{200}{400} = 0,5$$

Гилдиракка тушадиган ҳисобий юкланиш:

$$P_x = R_1 \gamma \frac{B_{\max}}{2} g = 1,2 \cdot 0,86 \frac{1188}{2} \cdot 9,81 = 6013,60 \text{ Н,}$$

бу ифодадаги юкланишнинг даврийлигини ҳисобга олувчи коэффициент,

$\frac{Q}{\sigma_x} = \frac{2000}{2780} = 0,72$ бўлса, $\gamma = 0,86$ қилиб олинади: R_1 — механизмнинг иш шароитини ҳисобга олувчи коэффициент, ўрта иш шароити учун $R_1 = 1,2$; $E_{\max}$ — келтирилган эластиклик модули, $E_{\max} = 21 \cdot 10^4 \text{ Н/мм}^2$.

2.22-жадвал

м қиймати

$\frac{R_1}{R_2}$	1,0	0,9	0,8	0,7	0,6	0,5	0,4	0,3	0,1	0,05
m	0,39	0,40	0,42	0,44	0,47	0,49	0,57	0,60	0,98	1,28

У ҳолда нуқтавий тегишишдаги фойдали кучланиш:

$$\sigma_z = 0,493 \sqrt{\frac{4495,02(2,1 \cdot 10^5)^2}{400^3}} = 118,3 \text{ МПа} < [\sigma_z]$$

ТРАНСМИССИОН ВАЛЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Тез айланувчи трансмиссион валларнинг мустаҳкамлик даражасини ҳисоблашда, таянчлараро рухсат этилган масофа аниқланади, рухсат этилган буралиш бурчаги ва критик айланиш сонга текширилади.

Мотор валидаги ҳисобий момент:

$$M_{\text{юр}} = 2,1 M_n = 2,1 \cdot 5,84 = 12,26 \text{ Нм}$$

Четки тўсинда ҳар хил юкланиш ҳисобга олинганда тез айланувчи вал учун ҳисобий юргизиш моменти:

$$M_{\text{тис}} = g \left(\frac{B}{G_k + Q} \right) M_{\text{юр}} = 9,81 \left(\frac{1188}{360 + 2000} \right) \cdot 9,34 = 46,12 \text{ Нм},$$

Мустаҳкамлик шarti бўйича вал диаметри қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$d \geq \sqrt[3]{\frac{M_{\text{тис}}}{0,2[\tau]}} = \sqrt[3]{\frac{4600}{0,2 \cdot 55}} = 34,6 = 36 \text{ мм},$$

бу ерда $[\tau]$ — буралишдаги рухсат этилган кучланиш, Н/мм²:

$$[\tau] = 0,6[\tau_x] = 0,6 \cdot 75 = 45 \text{ Н/мм}^2$$

$[\tau_x]$ — рухсат этилган эгилиш кучланиши 2.23-жадвалдан 45 турдаги углеродли пўлатлар, яъни III режим юклама учун $[\tau_x] = 75 \text{ Н/мм}^2$ га тенг деб олинади.

Вал ва ўқларнинг эгилишига рухсат этилган кучланиш

Кўрсаткич	Углеродли пўлат				Легируланган пўлат	
	400	500,0	600	700	8000	1000
Мустаҳкамлик чегараси, Н/мм ²						
Рухсат этилган кучланиш, Н/мм ²						
I режим доимий кучланиш (қиймати ва белгиси бўйича)	130	170	200	230	270	330
II режим ўзгарувчи юкланиш (қиймати бўйича нолдан максимумгача ўзгаради, аммо белгиси бўйича ўзгармайди)	70	75	95	110	150	150
III режим симметрик юкланиш (қиймати ва белгиси бўйича M дан M гача ўзгаради)	40	45	55	65	75	90

БИР КЎПРИКЛИ КРАННИНГ МЕТАЛЛОКОНСТРУКЦИЯСИНИ ҲИСОБЛАШ

Ҳаракат қўштакларининг ҳисоби. Биринчи навбатда кран-балка ҳисобини электр таль ҳаракатланадиган қўштакларда вертикал юкланишлар натижасида ҳосил бўладиган кучланишларни текширишдан бошлаймиз. Ҳаракатланувчи юклар таъсирида юзага келадиган умумий акс таъсир кучи:


$$V_{\text{ум}} = (G_{\text{тал}} + K_d Q)g = (290 + 1,3 \cdot 2000) 9,81 = 28350,9 \text{ Н},$$

бу ерда K_d — динамик коэффициент. Ўрта иш шароити учун $K_d = 1,3$.

Электр таль аравачасига таъсир этувчи ҳаракатдаги ҳисобий юкланишлар:

$$P_1 = \frac{2}{3} V_{\text{ум}} = \frac{2}{3} 28350,9 = 18900,6 \text{ Н},$$

$$P_2 = \frac{1}{3} V_{\text{ум}} = \frac{1}{3} 28350,9 = 9450,3 \text{ Н}.$$



2.35- расм. Ҳаракат қўштаврига вертикал юкланиш таъсири схемаси.

Электртал тўрт нуқтада ҳаракат қўштаврига таянади, деб қабул қиламиз. Бу ҳолда ҳамма вертикал юкланишларнинг таъсири натижасида ҳосил бўладиган эгувчи момент, ҳаракат қўштаврнинг чап таянчидан l масофадаги кесимига таъсир қилади (2.35-расм):

$$l = \frac{L_K}{2} - \frac{Q}{2} = \frac{6}{2} - \frac{0,124}{2} = 2,938 \text{ Н},$$

бу ерда a , V_{ym} ва P_1 юкланишларнинг таъсир чизиқлари орасидаги масофа:

$$a = \frac{P_2 \cdot b}{V_{ym}} = \frac{9450,3 \cdot 0,372}{28350,9} = 0,124 \text{ м},$$

$b = 0,372$ — электр талнинг таянчлари орасидаги оралик.


Ферма иккита бир-бирига параллел жойлашган белбоғлардан иборат бўлиб, унинг пасткиси ҳаракат қўштаври, юқориги белбоғ эса кашаклар орқали бириктирилган бурчакликдан иборат (2.36-расм). Ферманинг баландлигини $B=500$ мм қилиб белгилаймиз.

Талаб қилинаётган ҳаракат кесими инерция моменти ни қуйидаги ифода ёрдамида топиш мумкин.

$$J_x = \frac{(Q + G_{ym}) L_x^3}{48 E_f} = \frac{(20 + 2,9) \cdot 10^3 \cdot 6000^3}{48 \cdot 2,1 \cdot 10^5 \cdot 15} = 3271 \cdot 10^4 \text{ мм}^4,$$

бу ерда f қўштаврнинг рухсат этилган салқилиги:

$$[f] = 0,0025 \quad L_x = 0,0025 \cdot 6000 = 15 \text{ мм}.$$



2.36-расм. Оралиқ ўртасига қўйилган горизонтал инерцион юклиниш таъсири остида турган горизонтал форма схемаси.

Бунга асосланиб, инерция моментлари: $J_x = 3460 \cdot 10^4 \text{ м}^4$; $J_y = 198 \cdot 10^4 \text{ м}^4$; кесим юзаси $F = 3480 \text{ м}^2$ 1 метр узунликдаги массаси $g_{1\text{м}} = 27,3 \text{ кг/м}$ бўлган 24 тартиб сонли қўштаври танлаймиз. Пастки тоқча остига ўлчамлари 105×6 бўлган тўшама пайвандланади (2.37-расм).

Кесим юзаси:

$$F = F_{\text{кушт}} + F_{\text{туш}} = 3486 + 630 = 4110 \text{ мм}^2.$$

Қўштавр остидан Х-Х ўқиғача бўлган масофа:

$$h_1 = \frac{F_{\text{кушт}} \left(\frac{h}{2} + h_3 \right) + F_{\text{туш}} \cdot \frac{h_3}{2}}{F} = \frac{3460 \left(\frac{240}{2} + 6 \right) + 630 \cdot \frac{6}{2}}{4110} = 107 \text{ мм},$$


$X_0 - X_0$ ўқидан оғирлик марка-зигача бўлган масофа:

$$C = \left(\frac{h}{2} + h_3 \right) - h_1 = \left(\frac{240}{2} + 6 \right) - 107 = 19 \text{ мм}.$$

Х-Х ўқиға нисбатан кесимнинг инерция momenti:

$$\begin{aligned} J_x &= J_{x_{\text{кушт}}} + J_{x_{\text{туш}}} = \\ &= J_{x_0 \text{ кушт}} + F_{\text{кушт}} \cdot C^2 + F_{\text{туш}} \cdot r^2 = \\ &= 3460 \cdot 10^4 + 34,8 \cdot 10^2 \cdot 19^2 + \\ &+ 63 \cdot 10^2 \cdot 104^2 = 103,99 \cdot 10^6 \text{ мм}^4, \end{aligned}$$

бу ерда: $r = h_1 - \frac{h_3}{2} = 107 - \frac{6}{2} = 104 \text{ мм}.$



2.37-расм. Ҳаракат қўштаври-нинг ҳисобий схемаси.

Кесимнинг Х-Х ўқига нисбатан қаршлик моментлари:

$$W_{x,уст} = \frac{J_x}{h_1} = \frac{103,99 \cdot 10^9}{107} = 971869,15 \text{ мм}^3,$$

$$W_{x,ост} = \frac{J_x}{h_2} = \frac{103,99 \cdot 10^6}{139} = 748129,49 \text{ мм}^3.$$

Кесимнинг Y-Y ўқига нисбатан инерция моменти:

$$J_y = J_{y,куш} + J_{y,туш} = 198 \cdot 10^4 \frac{6 \cdot 105^3}{12} = 255,9 \cdot 10^4 \text{ мм}^4.$$

Кесимнинг Y-Y ўқига нисбатан қаршлик моментлари:

$$W_{y,уст} = \frac{J_y}{0,5h_1} = \frac{255,9 \cdot 10^4}{0,5 \cdot 115} = 44,5 \cdot 10^3 \text{ мм}^3,$$

$$W_{y,ост} = \frac{J_y}{0,5h_2} = \frac{255,9 \cdot 10^4}{0,5 \cdot 105} = 48,7 \cdot 10^3 \text{ мм}^3.$$

Пастки белбоғ учун керакли кўрсаткичлар аниқлаб олинди. Энди юқориги белбоғни тенг тоқчали №6 тартиб сонли, бир метр узунликдаги массаси $q_{1м}=3,77 \text{ кг/м}$ бўлган $50 \times 50 \times 5$ ўлчамли бурчакликдан, кашакларни эса №5 тартиб сонли $40 \times 40 \times 5$ ўлчамли бурчакликдан қабул қиламиз. Буни 1 метр узунликдаги массаси $q_{1м}=2,42 \text{ кг/м}$.

Юқориги белбоғнинг умумий оғирлиги:

$$G_{бел} = (L_k \cdot q_{1м})g = (6 \cdot 3,77) \cdot 9,81 = 221,9 \text{ Н}.$$

Устки ва пастки белбоғни бириктириб турган кашаклар 12 та, биттасининг узунлиги $L = \sqrt{500^2 - 500^2} = 707,1 \text{ мм}$ бўлса, уларнинг умумий оғирлиги:

$$G_{ум} = (12L \cdot q_{1м}) \cdot g = (12 \cdot 0,707 \cdot 2,42) \cdot g = 201,41 \text{ Н}$$

Қўштаврнинг умумий оғирлиги эса:

$$G_{қўшт} = L_k \cdot g_{1,м} = 6 \cdot 27,3 \cdot 9,81 = 1607 \text{ Н}.$$

Аниқланган қийматлардан фойдаланиб, доимий тенг тақсимланган ҳисобий юкланишни топишимиз мумкин:

$$P_{\text{кис}} = P_q \cdot \frac{P_{\text{доим}}}{L_k}$$

бу ерда $P = 1,1$ ўрта юклаш умумий коэффиценти, $P_{\text{доим}}$ — доимий вертикал юкланиш бўлиб, ҳаракат қўштаврининг шахсий оғирлиги билан горизонтал ёрдамчи ферма 75% оғирлигининг қўшилмасидан иборат (25% оғирлиги четки тўсинларга тушади):

$$P_{\text{доим}} = G_{\text{қўш}} + 0,75(P_2 + P_1) = 1607 + 0,75(9450,3 + 18900,6) = 22870,17 \text{ Н}$$

$$\text{Демак, } P_{\text{кис}} = 1,1 \frac{22870,17}{6} = 4192,86 \text{ Н.}$$

Чап таянчдан l масофада жойлашган кесимда, вертикал юкланишлар таъсиридан юзага келадиган умумий эгувчи момент:


$$M = M_k + M_g = \frac{V_{\text{ym}}}{4L_k} (L_k - a)^2 + 0,5P_k l (L_k - l) = \frac{28350,9}{4,6} \cdot (6 - 0,124)^2 + 0,5 \cdot 4192,86 \cdot 2,938(6 - 2,938) = 59626,3 \text{ Нм.}$$

Ҳаракат қўштаврида вертикал юкланишларнинг таъсири натижасида ҳосил бўладиган кучланишлар:

$$\sigma_{\text{к.уст}} = \frac{M}{W_{\text{к.уст}}} = \frac{59620,3 \cdot 10^3}{971869,15} = 61,34 \text{ МПа.}$$

$$\sigma_{\text{к.ост}} = \frac{M}{W_{\text{к.ост}}} = \frac{59620,3 \cdot 10^3}{748129,49} = 79,69 \text{ МПа.}$$

Горизонтал юкланишлардан ҳаракат қўштаврида юзага келадиган (2.38-расм) кучланишлар. Оралиқнинг ўртасига вертикал юкланиш, горизонтал инерцион юкланиш таъсир қиляпти, деб қабул қилинади. Кашақлардаги зўриқиш кучлари: $S_{p.14} = S'_{p.15} = S'_{p.25} = \frac{A}{\cos \varphi} = \frac{0,5}{\cos 45^\circ} = 0,707 \text{ Н. } \varphi$



2.38- расм. Горизонтал ферма бўғинларида birlik юкланиш таъсири натижасида ҳосил бўладиган зўриқиш кучлари.

бурчак $\operatorname{tg} \varphi = \frac{50}{50} = 1$. Юқориги белбоғнинг бўғинларидаги зўриқиш кучлари:

$$P_{s1} = 0,5 \operatorname{tg} 45^\circ = 0,5, \quad P_{s2} = 2P_{s1} = 1, \quad P_{s3} = 5 \cdot P_{s1} = 2,5.$$

Берилган $P_{\text{гор}}$ юкланишдан ҳосил бўладиган зўриқишлар:

$$P_{\text{сп1}} = \frac{P_{\text{гор}}}{2} \operatorname{tg} 45^\circ = 1123,2 \cdot 1 = 1123,2 \text{ Н},$$

$$P_{\text{сп}} = 3,$$

$$P_{\text{гор}} = 0,1 \quad V = 0,1 \quad (G_{\text{тм}} + Q)q = 0,1(290 + 2000)9,81 = 2246,49 \text{ Н}.$$

Горизонтал инерция кучларидаги ҳаракат қўштаврида ҳосил бўладиган кучланишларни топиш учун кран оралиғи ўртасидаги горизонтал салқилиғини топиш керак:

$$f = \frac{S_p S l_1}{E J}$$

Горизонтал ферма стержен (таёқча)ларида birlik $P=1$ кучдан ҳосил бўладиган кучлар умумий диаграммасини тузамиз, ҳар бир стержень учун $\frac{S_p S l_1}{F}$ ифодани ҳисоблай-

миз. Ҳисобда берилганлар 2.24-жадвалда келтирилган. Ҳар бир стержень учун ҳисобланган $\frac{S_p S l_1}{F}$ ифодаларни жам-

лаб, эластиклик модулини E га бўлиб, исталган салқиликни топамиз:

Горизонтал юкланиш натижасида ҳаракат қўштакларида ҳосил бўладиган зўриқш кучларини ҳисоблаш.

Стер- женлар тартиб сони №	Стер- женлар узунли- ги l/мм да	Стер- женлар кесим юзалари F, мм² да	$\frac{l}{F}$ нисба- тида, l/мм да	стерженда ҳосил бўладиган зўриқш кучлари, p да		Ҳисобий қийматлар	
				$S_p=1$ бирлик кучдан	$R_{\text{доп}}=2290$ Н берилган кучланиш- ларда	$S_p S$ Н да	$\frac{S_p S l_1}{F}$, Н/мм да
1	1000		2,0833	0,5	1145	572,5	1132,68
2	1000		2,0833	1	3435	3435	7156,1
3	1000	480,0	2,0833	2,5	5725	14312	29816,2
4	1000		2,0833	2,5	5725	14312	29816,2
5	1000		2,0833	1	3435	3435	7156,1
6	1000		2,0833	0,5	1145	572,5	1192,7
7	500		0,1216	0	0	0	0
8	1000		0,2433	1	1190	2290	557,2
9	1000		0,2433	2	4580	9160	2228,6
10	1000	4110,0	0,2433	3	6870	20610	50144
11	1000		0,2433	2	4580	9160	2228,6
12	1000		0,2433	1	2290	2290	557,2
13	500		0,1216	0		0	0
14 дан 25 гача кашак- лар 12 та	707,0	308,0	2,29	0,707	1619x12= =19428,5	13738	31534,2
$\sum \frac{S_p S l_1}{F} = 118300,2 \text{ Н / мм.}$							

$$f = \frac{S_p \cdot S l_1}{E F} = \frac{151417,04}{2,1 \cdot 10^5} = 0,75 < [f] = 15 \text{ мм.}$$

Ҳаракат қўштакларида таъсир этаётган горизонтал инер-
ция кучларини $f = \frac{P_{\text{қўшт.гор}} \cdot L_k^3}{48 \cdot E \cdot J_y}$ ифодадан аниқлаймиз:

$$P_{\text{қўшт}} = f \frac{48 E J_y}{L_k^3} = \frac{7,2 \cdot 48 \cdot 2,1 \cdot 10^5 \cdot 255,9 \cdot 10^4}{6000^3} = 8,59 \cdot 10^2 \text{ Н.}$$

$P_{\text{күшт.гор}}$ кучдан қўштаврга таъсир этувчи эгувчи момент:

$$M_{\text{гор}} = \frac{P_{\text{күшт.гор}} \cdot L_{\text{к}}}{4} = \frac{8,59 \cdot 10^2 \cdot 6000}{4} = 12,84 \cdot 10^5 \text{ Нмм.}$$

Горизонтал инерция кучи таъсиридан ҳаракат қўштав-
ридаги кучланиш:

$$\sigma_{\text{у.уст}} = \frac{M_{\text{гор}}}{W_{\text{у.уст}}} = \frac{12,84 \cdot 10^5}{44,5 \cdot 10^3} = 28,85 \text{ МПа,}$$

$$\sigma_{\text{у.ост}} = \frac{M_{\text{гор}}}{W_{\text{у.ост}}} = \frac{12,84 \cdot 10^5}{48,7 \cdot 10^3} = 26,96 \text{ МПа.}$$

Ҳаракат қўштаврининг ўрта бўғинига қийилган горизон-
тал инерция кучи таъсирида маҳаллий эгилишдан юзага
келувчи эгувчи момент:

$$M'_{\text{гор}} = \frac{P_{\text{гор}} \cdot l_1}{6} = \frac{2290 \cdot 1000}{6} = 381666,66 \text{ Нмм.}$$

Маҳаллий эгилишдан, ҳаракат қўштавридаги кучланиш:

$$\sigma'_{\text{у.уст}} = \frac{M'_{\text{гор}}}{W'_{\text{у.уст}}} = \frac{381666,66}{44500} = 8,57 \text{ МПа,}$$

$$\sigma'_{\text{у.ост}} = \frac{M'_{\text{гор}}}{W'_{\text{у.ост}}} = \frac{381666,66}{48700} = 7,83 \text{ МПа.}$$

Натижавий эгувчи кучланиш:


$$\begin{aligned} \sigma_{\text{эг.нат}} &= \sigma_{\text{э}} + \sigma_{\text{у}} = \sigma_{\text{э}} + (\sigma_{\text{у.уст}} + \sigma'_{\text{у.уст}}) = 122,97 + (28,85 + 7,84) = \\ &= 158,69 \text{ МПа,} \end{aligned}$$

бу эса рухсат этилган эгувчи кучланишдан $[\tau] = 170 \text{ МПа}$
кичик, яъни $158,69 < 170$.

Горизонтал мустаҳкамлик фермаси қисмларидаги куч-
ланишлар. Кран тўсинини қийшайишидан ҳосил бўлади-
ган кучланиш:

$$\begin{aligned} P_{\text{қий}} &= 0,1 \left[\frac{(G_{\text{т}} + Q)(L_{\text{к}} - l_1) \cdot g}{2 \cdot L_{\text{к}}} + 0,25 P_{\text{донн}} L_{\text{к}} + 0,25 G_{\text{т}} \cdot g + \right. \\ &\quad \left. + G_{\text{юр}} g + \frac{G_{\text{квб}}(L_{\text{к}} - 2)g}{2 \cdot 6} \right] \text{ Н.} \end{aligned}$$

бу ерда l_1 — электр тали илгагини юк билан кран ости
йўлига энг яқин келадиган масофаси, $G_{\text{т}}$ — четки тўсин-



2.39-расм. Бир кўприкли кран қийшайишидаги горизонтал юкланиш таъсири схемаси.

нинг юриш гилдираги ва бошқа ускуналари билан биргаликдаги массаси $G_r = 0,84$ т.

$$P_{\text{кнл}} = 0,1 \cdot \left[\frac{(0,29+20)(6-1,0)10^3 \cdot 9,81}{26} + 0,25 \cdot 22870 + 0,25 \cdot 0,84 \cdot 10^3 \cdot 9,81 + 0,25 \cdot 9,81 \cdot 10^3 + \frac{0,36(6-2)9,81 \cdot 10^3}{6} \right] = 9451,98 \text{ Н.}$$

$G_{\text{юр}}$ — кранни ҳаракатлантириш механизми юритмасининг массаси. $G_{\text{юр}} = 0,25$ т, $G_{\text{каб}}$ — кабинанинг жиҳозлари билан биргаликдаги массаси, $G_{\text{каб}} = 0,36$ т.


Энг катта зўриқиш кучлари S_{14} ва S_{13} ферманинг пастки белбоғининг охириги 14 ва 13-бўгинларида юзага келади, бироқ 8 билан 12-бўгинларнинг узунлиги икки барабар катта бўлганлиги учун бу бўгинларни мустаҳкамлик даражасини текшириш зарур. Зўриқиш кучларини қуйидаги моментлар тенгламасидан аниқлашимиз мумкин:

$$P_{\text{кнл}} = (L_k - 1,0) + S_i H = 0.$$

бу ерда

$$S_i = \frac{P_{\text{кнл}}(L-1,0)}{H} = \frac{9451,98(6-1,0)}{0,5} = 94519,8 \text{ Н.}$$

8 ва 12-бўгинлар остки токчаси мустаҳкамланган қўшаврда тайёрланган кесим юзаси $F = 41 \cdot 10 \text{ м}^2$; энг кичик инерция momenti: $J_y = 255,9 \cdot 10^4 \text{ м}^4$.



2.40- расм. Четки тўсинга вертикал юкланиш таъсири схемаси.

Бўгиннинг энг кичик инерция радиуси:

$$i_{\min} = \sqrt{\frac{J_y}{F}} = \sqrt{\frac{255,9 \cdot 10^4}{4110}} = 24,93 \text{ мм.}$$

Бўгиннинг эластиклиги:

$$\lambda = \frac{l}{i_{\min}} = \frac{1000}{24,9} = 40,16.$$

Бўгиндаги сиқувчи кучланиш:

$$\sigma_{\text{сиқ}} = \frac{S_R}{F_{\Phi}} = \frac{9409,8}{4116 \cdot 0,92} = 24,96 \text{ МПа} < 120 \text{ МПа} = [\sigma]_{\text{сиқ}}.$$

Четки тўсинининг ҳисоби. Вертикал юкланишлар таъсири натижасида ҳосил бўладиган кучланишлар. (2.40- расм).

Вертикал юкланишларни, электр тали краннинг ҳаракатлантириш юритмаси жойлашган четки тўсинига энг яқин масофада юк билан турган ҳоли учун аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} R &= \frac{(G_1 + Q \cdot n_0)(L_k - l_1)g}{L_k} + 0,5 P_{\text{юитм}} n_0 L_k = \\ &= \frac{(0,29 + 2,0 \cdot 1,3)(6 - 1,05) \cdot 9,81}{6} + 0,5 \cdot 22870,17 \cdot 1,3 \cdot 6 = 89217,5 \text{ Н,} \end{aligned}$$

бу ерда n_0 — ўта юкланиш ҳолатини ҳисобга олувчи коэффициент, $n_0 = 1,3$.

Четки тўсин металлоконструкцияси ўз массаси бўйича тенг тақсимланиш шарти:

$$q_r = \frac{G}{K} = \frac{1300}{2} = 650 \text{ Н/м.}$$

Таянчлардаги акс таъсир кучлари:

$$R_A = R_B = \frac{R}{2} + \frac{q_r \cdot K}{2} = \frac{89,21 \cdot 10^3}{2} + \frac{650 \cdot 2}{2} = 45358,5 \text{ Н.}$$

Четки тўсин ўрта кесимидаги эгувчи момент (I-I кесим, қ. 2.40- расм):

$$M_{I_1} = \frac{R \cdot K}{4} + \frac{1}{8} q_r \cdot K^2 = \frac{89,21 \cdot 10^3 \cdot 2}{4} + \frac{1}{8} 650 \cdot 2^2 = 44933 \cdot 10^3 \text{ Нм.}$$

II—II қисмдаги эгувчи момент:


$$M_{II-X} = R_B \cdot C - \frac{1}{2} q_r \cdot C^2 = 45358,5 \cdot 0,415 - \frac{1}{2} \cdot 650 \cdot 0,415^2 = 18767,8 \text{ Нм.}$$

Четки тўсин кесимининг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаймиз:

$$F = F_{\text{гор}} + F_{\text{вер}} F_{\text{борт}} = 220 \cdot 0,5 + 2 \cdot 343 \cdot 5 + (343 - 220)5 = 5145 \text{ мм}^2.$$

$X_0 - X_0$ ўққа нисбатан кесимнинг статик моменти (2.36- расм):

$$S_{X_0} = S_{X_{\text{Оюр}}} + S_{X_{\text{Овер}}} + S_{X_{\text{Оборт}}} = 110 \cdot 5 + 340 \cdot 175 + 62 \cdot 340 \cdot 175 + 62 \cdot 347,5 = 813000 \text{ мм}^3$$



2.41-расм.
Четки тўсиннинг ҳисобий
схемаси.

Кесимнинг X_0-X_0 ўқидан оғирлик марказигача бўлган масофа:

$$b = \frac{Sx_0}{F} = \frac{813000}{5120} = 158,78 \text{ мм.}$$

2.24-жадвал

Горизонтал юкланиш натижасида ҳаракат қўштаврида ҳосил бўладиган зўриқиш кучларини ҳисоблаш

Стер- женлар тартиб сони	Стер- женлар узунлиги l_1 мм да	Стер- женлар кесим юзалари	l/f нисба- тида, l_1 мм да	Стерженда ҳосил бўладиган зўриқиш кучлари, P да		Ҳисобий қийматлар	
				$S_p=1$ бирлик кучлар	$P =$ 2290 Н берилган кучланиш- ларда	SpS Н да	$SpSl_1$ н/мм да
1	1000	480,0	2,0833	0,5	1145	572,5	1132,68
2	1000		2,0833	1	3435	3435	7156,1
3	1000		2,0833	2,5	5725	14312	29816,2
4	1000		2,0833	2,5	5725	14312	29816,2
5	1000		2,0833	1	3435	3435	7156,1
6	1000		2,0833	0,5	1145	572,5	1192,7
7	500	4110,0	0,1216	0	0	0	0
8	1000		0,2433	1	1190	2290	557,2
9	1000		0,2433	2	4580	9160	2228,6
10	1000		0,2433	3	6870	20610	50144
11	1000		0,2433	2	4580	9160	2228,6
12	1000		0,2433	1	2290	2290	557,2
13	500		0,1216	0		0	0
№ 14 дан 25 гача қашлак- лар 12 та	707,0	308,0	2,29	0,707	1619×12 $=19428,5$	13738	31534,2

$X-X$ ўққа нисбатан кесим инерция моменти:

$$\begin{aligned}
 Y_x &= Y_{x.\text{гор}} + Y_{x.\text{вер}} + Y_{x.\text{борт}} = \\
 &= 110 \cdot 156,5^2 + \left(\frac{25 \cdot 340^3}{12} + 340 \cdot 16^2 \right) + 62 \cdot 188,5^2 = \\
 &= 8270 \cdot 10^4 \text{ мм}^4.
 \end{aligned}$$

$V-V$ ўққа нисбатан кесимнинг инерция моменти:

$$J_y = J_{y, \text{бор}} + J_{y, \text{всрт}} + J_{y, \text{бор}} = \\ = \frac{0,5 \cdot 2200^3}{12} + 2 \cdot 170 \cdot 110^2 + \frac{5(343^3 - 220^3)}{12} = 579 \cdot 10^5 \text{ мм}^4.$$

Кесимнинг V—V ўқиға нисбатан энг кичик қаршилик моменти

$$W_{y \min} = \frac{J_y}{175} = \frac{579 \cdot 10^5}{175} = 330857,14 \text{ мм}^3.$$

Кесимнинг X—V ўқиға нисбатан энг кичик қаршилик моменти:

$$W_{x \min} = \frac{J_x}{191} = \frac{81734032}{191} = 427926,87 \text{ мм}^3.$$

Четки тўсинда вертикал юкланишлар таъсири натижасида ҳосил бўладиган кучланишлар:

$$\text{I—I кесимда: } \sigma_{1,x} = \frac{44903 \cdot 10^3}{191} = 103,79 \text{ МПа.}$$

$$\text{II—II кесимда: } \sigma_{II,x} = \frac{18767 \cdot 10^3}{43,29 \cdot 10^4} = 43,35 \text{ МПа.}$$

Четки тўсинда горизонтал юкланишларда ҳосил бўладиган зўриқувчи куч:

$$P_3 = \frac{P_{\text{сон}} \cdot L_x}{K} = \frac{9451,98}{2} = 28355,94 \text{ Н.}$$

бу ерда K — четки тўсин базаси, $K=2$ м.

Четки тўсин II—II кесимида P_3 юкланиш таъсирида ҳосил бўлувчи эгувчи момент:

$$M_{II,y} = P_3 \cdot C = 28355,94 \cdot 0,415 = 11767,71 \text{ Н} \cdot \text{м.}$$

P_3 юкланишда четки балка II—II кесимидаги кучланиш:

$$\delta_{II,y} = \frac{M_{II,y}}{W_{y \min}} = \frac{7060,70}{342285,71} = 20,62 \text{ МПа.}$$

ЧЕТКИ ТЎСИНДАГИ УМУМИЙ КУЧЛАНИШЛАР

Четки тўсиндаги энг юқори умумий кучланиш;
I—I кесимда:

$$\sigma_{1 \max} = \sigma_{1,x} = 103,79 < 160 \text{ МПа.}$$

II—II кесимда:

$$\sigma_{II \max} = \sigma_{IIx} + \sigma_{IIy} = 43,35 + 49,23 = 92,58 \text{ МПа} < 160 \text{ МПа.}$$

2.3. Минорали кранни ҳисоблаш намунаси

Қишлоқ ҳўжалик ва гидротехника иншоотлари, турар жой ва саноат биноларини қуришда, конструкциялар ва технология ускуналарини монтаж қилишда, қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда минорали кранлардан кенг фойдаланилади.

Кранлар миноранинг тузилиши бўйича: минораси айланадиган КБ-160 2, КБ-503 ва минораси айланмайдиган КБ-674, КБ-572 турларига бўлинади.


Минорали кранлар ўрнатиш усулига қараб: кўчма, қўзғалмас ва ўзини ўзи кўтарадиган турларга бўлинади. Бу кранлар ДАСТ 13555-79 бўйича юк кўтарувчанлиги энг катта қулочда 3,2 т дан 16,0 т гача; энг кичик қулочда — 5,0 т дан 50,0 т гача; кўтариш тезлиги 0,3 дан 70 м/мин гача; аравачасининг тезлиги — 20 дан 50 м/мин гача. кран тезлиги 10 дан 40 м/мин гача; кўтариш баландлиги 32—150 м гача, илгак қулочи — 40 м гача; айланишлар сони 0,2 дан 0,7 мин⁻¹ гача бўлади.

2.42- расмда минораси айланмайдиган минорали кран акс эттирилган. Бу кран ҳаракатлантириш механизми 1, пештоқ 2, минора 3, бошқариш кабинаси 4, буриш механизми 5, посанги 7, қўйиладиган консоль 6, юк кўтариш механизми 8, стрелани кўтарувчи механизми 9, миноранинг каллак қисми 10, стрела полиспасти 11, стрела 12, юкли аравача 13, юриш аравачаси 14 ва юриш қисми 15 дан ташкил топади.

Минораси айланадиган кранларнинг асосий қисмлари (2.43- расм), ҳаракатлантириш механизми 1, юриш аравачаси 2, юриш рамаси 3, минора 4, бошқариш хонаси 5, стрела 6, илгак осмаси 7, буриш механизми 8, юк кўтариш механизми 9, таянч бурилиш қурилмаси 10, бурилиш платформаси 11, стрела қулочини ўзгартириш механизми 12, стрела полиспасти 13 ва посанги 14 дан иборат.

Минорали кранларда илгак қулочи икки усулда ўзгартирилади:


1. аравачани стрела устида ҳаракатлантириб;
2. стрелани кўтариб — тушириш йўли билан.



2.42-расм. Минораси айланмайдиган минорали кран схемаси

2.43- расмда кўрсатилган минорали кранни ҳисоблай-
миз.

Берилган: Юк кўтарувчанлиги $Q=3,2$ т; юк кўтариш
тезлиги $V_{\text{юк}}=10$ м/мин; краннинг ҳаракат тезлиги $V=18$



2.43-расм. Минораси айланадиган минорали кран схемаси

м/мин; кран қулочининг ўзгариш тезлиги $V=15$ м/мин; кран минорасининг айланишлар сони $\Pi=0,75$ мин⁻¹; кран қулочи $R=10$ м; иш режими — енгил; юк кўтариш баландлиги $H=12$ м.

Юк кўтариш механизми
хисоби. 1. Карралиги $a_n = 2$
бўлган оддий полиспасти
танлаймиз (2.44- расм). Арқон
тармоғидаги энг катта таранг-
лик кучини аниқлаймиз:

$$S_{\max} = \frac{Q_g}{m_{an} \cdot \eta_n} = \frac{32009,81}{1,2 \cdot 0,85} = 18465,88 \text{ Н.}$$

Бу ерда η_n — полиспа́ст ФИК
блoклари сирпаниш подшип-
никларида ўрнатилган поли-
спа́стлар учун $\eta_n=0,85$.

Пўлат симли арқонларни ҳисоблаш Давлат техника назорати қондасига биноан ҳисобий узувчи куч буйичча танланади:

$$S_{yz} \geq S_{\max} \cdot \Pi = 18465,88 \cdot 5 = 92329,4 \text{ Н.}$$

бунда Π — мустаҳкамликнинг эҳтиёт коэффициенти;

S_n — арқонга таъсир этаётган узувчи куч, Н. III.I.I.-ило-
вадан ДАСТ 2688—80, ЧУ-Х 6х19 белгили, $d_{\text{ар}}=14$ мм, узувчи
кучи $S=98\,950$ Н, симининг мустаҳкамлик чегараси 1568
МПа бўлган олти урамли пўлат симли арқон танланади.

Барабан ва блокнинг энг кичик рухсат этилган диаметри:

$$D_{\text{до}} \geq d_{\text{до}} \cdot e = 14 \cdot 16 = 224 \text{ мм},$$

бунда D_6 — ариқчанинг туби бўйича барабан диаметри, мм, $d_{ар}$ — арқон диаметри, мм, e — кран тури, унинг тузилиши ва иш режимига боғлиқ булган коэффициент. Енгил режимда ишловчи минорали кран учун $e=16$.


Барабан диаметрини $D_6=260$ мм деб қабул қиламиз. Арқоннинг фойдали узунлиги:

$$l = H \cdot a_{\Pi} = 12 \cdot 2 = 24 \text{ м},$$

бунда H — номинал кўтариш баландлиги, м.

Барабанга ўралган арқоннинг ишчи ўрамлари сони:

$$Z_{\text{нш}} = \frac{l}{\pi(D_6 - d_{\text{нш}})} = \frac{24}{3,14(0,26 - 0,0014)} = 31.$$



2.44-расм. Миноранти краи кўтариш механизмининг схемаси.

Барабандаги тулиқ арқон ўрамлари сони:

$$Z = Z_{\text{нш}} + Z_{\text{д}} = 31 + 2 = 33,$$

бунда Z — эҳтиёткорлик учун қабул қилинган арқон сони ($Z = 1,5 + 2$).

Барабаннинг ариқчали қисмининг узунлиги:

$$L_0 = Z \cdot t_{\text{ар}} = 33 \cdot 16 = 528 \text{ мм},$$

бунда $t_{\text{ар}}$ — ариқча қадами;

$$t_{\text{ар}} = d_{\text{ар}} + (2 + 3) = 14 + 2 = 16 \text{ мм}.$$

Барабаннинг умумий узунлиги:

$$L = L_0 + L_1 + 2L_2,$$

$$M''_{\text{кар}} = \frac{G_{\text{кр}} \cdot V_{\text{кар}}}{I_1} \cdot h_2 = \frac{15410 \cdot 10}{488,60} \cdot 2,8 = 3825,17 \text{ Нм.}$$

Барча ҳолатлар учун кранга таъсир этаётган шамол босим кучидан момент:

$$M_{\text{ш.кр}} = W \cdot p = 2612,5 \cdot 7,72 = 20168,5 \text{ Нм.}$$

Барча ҳолатлар учун юкка таъсир этаётган шамол босим кучидан момент:

$$M_{\text{ш.юк}} = W_1 \cdot p_1 = 1330 \cdot 12,7 = 16891 \text{ Нм.}$$

Юкдан момент: I ҳолат учун йўлга кўндаланг ҳолатда:

$$M_{\text{юк}} = Q \cdot g(L-b) = 3200 \cdot 9,81(10-3) = 219,74 \cdot 10^3 \text{ Нм.}$$

Йўл бўйича:

$$M_{\text{юк}} = 3200 \cdot 9,81(10-3,25) = 211896 \text{ Нм.}$$

II ҳолат учун:

$$M_{\text{юк}} = 3200 \cdot 9,81(10-0,707-3) = 127765,5 \text{ Нм.}$$

У ҳолда (I ҳолат учун) краннинг юкли ҳолатидаги тур-гунлик коэффициенти йўлга кўндаланг ҳолатда:

$$K_1 = \frac{600,4 \cdot 10^3 - 1974,34 - 25730,22 - 179,49 - 1556,56 - 20168,5 - 16891}{219744} = 2,4 > 1,15.$$

Йўл бўйича:

$$K_1 = \frac{600,4 \cdot 10^3 - 1974,34 - 13029,35 - 1556,56 - 1177,5 - 20168,5 - 16891}{211896} = 2,5 > 1,15.$$

II ҳолат учун:

$$K_1 = \frac{553,06 \cdot 10^3 - 1974,34 - 15247,54 - 2893,61 - 3825,17 - 20168,5 - 16891}{127765,5} = 3,9 > 1,15.$$

Минорали краннинг хусусий турғунлик коэффициентини аниқлаш (2.54- расм):

$$K_2 = \frac{G_{кр}[(b-a)\cos\alpha - h\sin\alpha]g}{W_2 \rho_2} \geq 1,15.$$

Давлат техника назорати қоидаларига биноан хусусий турғунлик коэффициентини қуйидаги шароитларда аниқланади: кран ишсиз ҳолатда, илгак осмасида юк йўқ, стрела энг юқори ҳолатда, йўл қиялиги посанги билан бир йўналишда. Стрела томондан $q_0 = 350 \text{ Н/м}^2$ босим билан шамол таъсир этапти.

Шамолда нисбий юкланиш:

$$W_{шис} = q_0 \cdot \Pi_k \cdot \gamma \cdot \beta \cdot c$$

бу ерда $\beta = 1 + m\xi$ — шамолнинг эсишига боғлиқ коэффициент: $\xi = f(T)$. T — минорали кранлар учун краннинг хусусий тебраниш даври:

$$T = \alpha \sqrt{\frac{H_m}{L_c}} = 1,9 \sqrt{\frac{12}{9}} = 1,19 \text{ с.}$$

бунда $H_m = 12 \text{ м}$ — минора баландлиги; $L_c = 9 \text{ м}$ — стрела узунлиги; $\alpha = 1,9$ — краннинг юк кўтарувчанлигига ва қулочига боғлиқ коэффициент; γ — ортиқча юкланиш коэффициенти, рухсат этилган кучланиш бўйича ҳисобланганда $\gamma = 1$; чегаравий кучланиш бўйича ҳисобланганда $\gamma = 1,1$. У ҳолда $\beta = 1,79$. Шундай қилиб:


$$W_{шис} = 350 \cdot 1,5 \cdot 1,79 \cdot 1,83 = 1719,7 \text{ Н/м}^2$$

Стрелага таъсир этаётган шамолнинг босим кучи:

$$W_c = F_c \cdot W_{шис} = 2,6 + 1719,7 = 4471,30 \text{ Н.}$$

Минорага таъсир этаётган шамолнинг босим кучи:

$$W_m = F_m \cdot W_{шис} = 5,4 \cdot 1719,7 = 9286,56 \text{ Н.}$$



2.54- расм. Хусусий турғунлик коэффициентини аниқлаш ҳисобий схемаси.

Платформа ва посангига таъсир этаётган босим кучи:

$$W_{пл} + W_{нас} = (F_{пл} + F_{нас}) \cdot W_{нас} = (4,5 + 3,3) \cdot 1719,7 = 13413,99 \text{ Н.}$$

Кран оғирлик марказининг горизонтал текислик бўйича координатаси:

$$a = \frac{G_{стр} \left(\frac{L_c}{2} \cos \beta + l_1 \right) + G_m \cdot l_5 - G_{нас} \cdot l_3 - G_{пл} \cdot l_4}{G_{кр}} =$$

$$= \frac{0,539 \left(\frac{9}{2} \cdot 0,42 + 1 \right) - 2000 \cdot 1 + 5240 \cdot 3,5 + 1541 \cdot 2}{15410} = 1,16 \text{ м.}$$

Охирги ифодада «—» ишораси краннинг оғирлик маркази краннинг айланиш ўқидан чап томонда жойлашганлигини билдиради.

Кран оғирлик марказининг вертикал текислик бўйича координатаси:

$$h_1 = \frac{G_{стр} \left(\frac{L_{стр} \sin \beta}{2} + h \right) + G_m \cdot h_1 + G_{нас} \cdot h_3 + G_{пл} \cdot h_4 + G_{аэ.к.} \cdot h_5}{G_{кр}} =$$

$$= \frac{0,53 \left(\frac{9 \cdot 0,42}{2} + 10 \right) + 2,6 + 5,24 \cdot 4 + 1,54 \cdot 2 + 2,23 \cdot 1}{15,41} = 2,98 \text{ м.}$$

Краннинг хусусий турғунлик коэффиценти:

$$K_1 = \frac{15,41[(3-1,16)-1-2,9 \cdot 0,05]}{0,447 \cdot 12 + 0,9286 \cdot 6 + 1,34 \cdot 1} = 2,12 > 1,15.$$

Кран металл конструкциясини ҳисоблаш. Берилган. Краннинг юк қўтарувчанлиги $Q=3,2$ т; кран қулочи $L_{мах}=10$ м; стрела узунлиги $L_c=9$ м; стрела оғирлиги $G_c=539$ кг.

Кран стреласини ҳисоблаш. Ўрта кесимда стрела баландлиги:

$$C_c = (0,9 + 1,1) \frac{L_c}{23} = 0,9 \frac{10}{23} = 0,39 \text{ м.}$$

қабул қиламиз: $C_c = 0,40$ м. Панеллар узунлигини ҳам 0,40 м деб қабул қиламиз. Стрела ости таянчлар орасидаги масофа:

$$b = (0,07 \div 0,6) L_c = 0,07 \cdot 9 = 0,63 \text{ м.}$$

Минора қалинлигидаги стрела товони марказидан стрела блокларининг ўқиғача бўлган масофа:

$$L_{\text{юк}} = (0,8 + 1,2) \frac{L}{3,6} = 0,8 \frac{10}{3,6} = 2,22 \text{ м.}$$

Миноранинг кундаланг кесими ўлчамлари:

$$D_{\text{м}} = (0,9 + 1,1) \frac{H}{20} = 0,92 \frac{12}{20} = 0,582 \text{ м.}$$

Стрелага унинг ўз огирлик кучи, юкнинг огирлик кучи, шамол кучи, горизонтал ва вертикал текисликлардаги инерция кучлари таъсир этаяпти. Юк ва стреланинг огирлигидан уни сиқувчи кучни аниқлаймиз (2.55-расм).

$$N_1 = \frac{Q(L_c \cdot \cos \alpha_1 + \frac{1}{2}) + G_c(a_1 \cdot \cos \alpha_1 + \frac{1}{2})}{h_1}$$

бу ерда α_1 — стреланинг ҳақиқий қиялик бурчаги; h_1 — стреланинг турли ҳолатларида стрела полиспасти маҳкамланган нуқтадан сиқувчи кучнинг таъсир чизигигача бўлган энг кичик масофа; a_1 — стрела шарниридан стрела огирлик марказигача бўлган масофа, м.

Стрела горизонтал ҳолатда бўлганда:

$$\alpha_1 = 0^\circ; \quad h_1 = 2,6 \text{ м}, \quad a_1 = 4,5 \text{ м.}$$

У ҳолда:


$$N_{c, \text{max}} = \frac{3200 \cdot 9,81 \left(9 \cos 0^\circ + \frac{1}{2} \right) + 5390 \cdot 9,81 \left(4,5 \cos 65^\circ + \frac{1}{2} \right)}{2,6} = 111706,46 \text{ Н.}$$

Стрела энг юқори ҳолатда бўлганда: $\alpha_1 = 0^\circ$; $h_1 = 2,8 \text{ м}$; $a_1 = 4,5 \text{ м}$. У ҳолда

$$N_{c, \text{min}} = \frac{3200 \cdot 9,81 \left(9 \cos 65^\circ + \frac{1}{2} \right) + 5390 \cdot 9,81 \left(4,5 \cos 65^\circ + \frac{1}{2} \right)}{2,8} = 10202,88 \text{ Н.}$$

Стрела ўрта кесимида таъсир этаётган, стрела огирлигидан эгувчи момент қуйидагига тенг;
стреланинг горизонтал ҳолатида:

$$M'_{\text{м}} = \frac{G_{\text{стр}} \cdot g}{2} \cdot \frac{L_c \cdot \cos 0^\circ}{2} = \frac{5390 \cdot 9,81}{2} \cdot \frac{9,1}{2} = 12127,5 \text{ Н.м.,}$$



2.55- расм. Кранни юксиз ҳолатида масса маркази координаталарини аниқлаш схемаси

стреланинг кўтарилган ҳолатида:

$$M'' = \frac{539 \cdot 9,81}{2} = \frac{9 \cos 65^\circ}{2} = 6186,49 \text{ Нм.}$$

Стреланинг ён томонига таъсир этаётган шамол кучи:

$$W_{ш.с.} = L_c \cdot C_c \cdot \alpha \cdot q_0 \cdot P_{all} = 9 \cdot 0,4 \cdot 0,3 \cdot 125 \cdot 1 = 135 \text{ Н.}$$

Горизонтал текислик бўйича шамол кучидан стрелани эгувчи момент:

$$M_{ш} = \frac{W_{ш.с}}{2} \cdot \frac{L_c}{2} = \frac{135}{2} \cdot \frac{9}{2} = 303,75 \text{ Н.м.}$$

Стрелани кўтариш жараёнида инерция кучидан стрелани эгувчи момент:

$$M_s = \frac{1}{2} P_{ин} \cdot \cos \alpha \cdot \frac{L_c}{2} = \frac{1}{2} 1024,1 \cdot \cos 0^\circ \cdot \frac{9}{2} = 2304,22 \text{ Н.м.}$$

бунда $P_{ин} = m_c \cdot a$ — стреланинг инерция кучи:

$$P_{ин} = m_c \cdot a_q = 539 \cdot 0,19 = 1024,1 \text{ Н.}$$

a — стрела оғирлик марказининг тезланиши:

$$a = \frac{v_{yp}}{t_{юр}} = \frac{0,067}{0,36} = 0,19 \text{ м/с}^2.$$

v_{yp} кўтариш механизми юргизилганда стреланинг чизиқли ҳаракат тезлиги:

$$v_{yp} = \omega_c \cdot k = 0,015 \cdot \frac{L_c}{2} = 0,067 \text{ м/с.}$$

ω_c — бурчак тезлик, $\omega_c = 0,015$ рад/с. Стрелани буришда инерция кучларидан эгувчи момент:

$$M = (J_{кел} \cdot \epsilon) g = (32970,84 \cdot 0,052) \cdot 9,81 = 16819,08 \text{ Нм.}$$

$$\epsilon = \frac{\pi \cdot n_k}{30 \cdot t_{юр}} = \frac{3,14 \cdot 0,75}{30 \cdot 3,79} = 0,052 \text{ м/с}^2,$$

бу ерда $J_{кел}$ — юк ва стреланинг инерция моментлари:

$$\begin{aligned} J_{кел} &= J_{юк} + J_c, \\ J_{кел} &= \left(\frac{L_c}{2} \right)^2 m_c \frac{1}{3} + mL = \left(\frac{9}{2} \right)^2 54,94 \frac{1}{3} + 326,18 \cdot 10^2 = \\ &= 32970,84 \text{ кг} \cdot \text{м}^2 \end{aligned}$$

Сиқувчи кучлар йиғиндиси:

$$\begin{aligned} \sum N &= \frac{N_{сmax}}{2} + \frac{M_{ш1} + M_{ш} + M_{ш2} + M}{C_c} = \frac{134478,84}{2} + \\ &+ \frac{12127,5 + 303,75 + 2304,22 + 6468,87}{0,4} = 134739,61 \text{ Н.} \end{aligned}$$

Битта бурчаксимон белбоғдаги сиқувчи куч:

$$N_c = \frac{\sum N}{2} = \frac{134739,61}{2} = 67369,80 \text{ Н.}$$

Бурчаксимон белбоғдаги кучланиш:

$$\sigma_c = \frac{N_c}{F_c} \leq [\sigma]_c$$

$F=12\ 800 \text{ мм}^2$ бурчак кўндаланг кесим юзи; $75 \times 75 \times 9$,
 $r_{\min}=14,6 \text{ мм. } \varphi$ — кучланишни пасайтириш коэффициенти:

$$\lambda = \frac{l_x}{r_{\min}} = \frac{750}{14,6} = 51,2$$

$$\sigma_c = \frac{67369,80}{12800-0,89} = 59,13 \text{ МПа} < [\sigma]_c = 210 \text{ МПа.}$$

Стрела кашакларини кўндаланг куч бўйича ҳисоблай-
 миз:

$$Q = (20 \cdot F_g)g = (20,4 \cdot 12,8) \cdot 9,81 = 2561,58 \text{ Н,}$$

бу ерда F_g — стрела белбоғларининг кесим юзаси. Кашак-
 лар 45° га эгилган ҳолатдаги унга шартли кўндаланг таъ-
 сир этаётган куч:

$$N_x = \frac{Q}{2 \cdot \cos 45^\circ} = \frac{2561,58}{2 \cdot 0,71} = 1803,92 \text{ Н.}$$

Кашаклардаги сиқилиш кучланиши: $\sigma_{\text{сиқ}} = \frac{N_x}{\varphi F_x}$, бунда $F_x = 303$

мм^2 — бурчакдан қилинган кашакнинг кўндаланг кесим юзи.
 $56 \times 56 \times 3,5$ минимал инерция радиуси $r = 11,2 \text{ мм.}$

Кашакларнинг эгилувчанлиги:

$$\lambda = \frac{l_x}{r_{\min}} = \frac{\sqrt{900^2 + 900^2}}{11,2} = 113,64 < [\lambda] = 120 \text{ МПа.}$$

У ҳолда $\varphi = 0,52$. Кашаклардаги кучланиш:

$$\sigma_{\text{сиқ}} = \frac{1803,92}{0,52 \cdot 303} = 11,43 < [\sigma_{\text{сиқ}}] = 210 \text{ МПа.}$$

Стреланинг ўзгарувчан юзаси панжарасимон стержендек
 умумий турғунлик даражасига текширилади. Стрела ке-

сим юзасининг инерция моменти (энг кучсиз каллак ёки илдиз кесимида) $(75 \times 75 \times 9)$ бурчак шакл:

$$\sum J_x' = 4J_x + Fh^2 = 4 \cdot 661000 + 12800 \cdot 300^2 = 11546 \cdot 10^5 \text{ мм}^4$$

$(75 \times 75 \times 9)$ ўлчамли бурчак шаклнинг кесимдаги энг кичик инерция моменти:

$$\sum J_x'' = 4 \cdot 661000 + 12800 \cdot 900^2 = 103700 \cdot 10^5 \text{ мм}^4.$$

Юк осилиш текислиги бўйича стреланинг ҳисобий узунлиги:

$$l_{\text{хис}} = \mu L_c = 1,66 \cdot 9 = 14,94 \text{ м},$$

бунда μ — узунлик коэффициенти:

агар $\frac{J_x'}{J_x''} = \frac{115460 \cdot 10^4}{103700 \cdot 10^5} = 0,113$ бўлса, у ҳолда $\mu = 1,66$ бўлади.

Стреланинг ясама эгилувчанлиги:

$$\lambda_0 = \frac{l_{\text{хис}}}{r_{\text{мин}}} = \frac{14940}{450} = 33,2 < [\lambda] = 120.$$

бунда

$$r_{\text{мин}} = \sqrt{\frac{\sum J_x''}{F_{\text{макс}}}} = \sqrt{\frac{103944 \cdot 10^4}{4 \cdot 1280}} = 450,57 \text{ мм}.$$

СТРЕЛАНИНГ БОЛТЛИ ВА ПАЙВАНД БИРИКМАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Ҳалқа (флянц) билан белбоғ бурчакни бириктирувчи пайванд чокдаги нормал кучланиш:

$$\sigma = \frac{N_{\text{сик}}}{l_2 \delta} \leq [\sigma]_{\text{сн}},$$

бунда $N_c = 67369,80 \text{ Н}$ — ҳисобий ўқ бўйича куч, $l_2 = 300 \text{ мм}$ — чокнинг узунлиги (қабул қиламиз), $\delta = 6 \text{ мм}$ — чок катети;

$$\sigma = \frac{67369,80}{300 \cdot 6} = 37,43 < [\sigma]_{\text{сн}} = 180 \text{ Н/мм}^2.$$

Кашаклар пайванд чокларидаги уринма кучланиш:

$$\tau = \frac{N_s}{\Sigma m \cdot l_2} \leq [\tau]_{ca}, \text{ МПа,}$$

бунда $N_s = 1803,92$ Н кашакдаги энг катта куч, $\Sigma m = l \cdot h_m = 0,5 \cdot 6 = 3$ мм — пайванд чокнинг ҳисобий баландлиги, $l_2 = 80$ мм — чок узунлиги, $l_2 = 80$ мм — чокнинг кесишга рухсат этилган кучланиши: $[\tau]_{ca} = 130$ МПа.

$$\tau = \frac{1803,92}{3 \cdot 80} = 7,51 < [\tau]_{ca} = 130 \text{ МПа.}$$

Белбог бурчакларининг болтли бирикмаларини ҳисоблаймиз (№ 28 Ст-4):

$$P = \frac{M'_m}{l_B} + \frac{M_m}{l_r} = \frac{12127,5}{0,866} + \frac{303,75}{0,866} = 14354,79 \text{ Н,}$$

бунда l_B, l_r — нолинчи чизиқлар стреланинг горизонтал ва вертикал фермаларининг баландлиги.

Битта болтга тушаётган юкланиш:

$$P_0 = \frac{P}{2} = \frac{14354,79}{2} = 7177,39 \text{ Н.}$$

Болтдаги кучланиш:

$$\sigma_x = \frac{P_0}{F_6} + \sigma_3,$$

Бунда F_6 — болтнинг кўндаланг кесим юзи:

$$F_6 = \frac{\pi d_0^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 26^2}{4} = 530,66 \text{ мм}^2,$$

σ_3 — тортишдан ҳосил бўладиган кучланиш:

$$\sigma_3 = \frac{M_{ab}}{W} = \frac{K l q}{0,2 \cdot d_0^3} = \frac{30 \cdot 250 \cdot 9,81}{0,2 \cdot 26^3} = 20,93 \text{ МПа,}$$

K — калитга таъсир этаётган куч, кг; l — калит узунлиги, мм; d — болт диаметри, мм. У ҳолда болтдаги кучланиш:

$$\sigma_x = \frac{P_0}{F_6} + \sigma_3 = \frac{7177,39}{530} + 20,93 = 34,47 < [\sigma]_x = 147 \text{ МПа}$$

Рухсат этилган кучланиш, 4 белгили пўлатдан тайёрланган болт учун:

$$[\sigma]_x = 0,7[\sigma]_y = 0,7 \cdot 210 = 147 \text{ МПа.}$$

Минорани ҳисоблаш. Минорага унинг ўз оғирлигидан таъсир этувчи сиқувчи кучдан, стрела, юк ва стрела полиспасти (минорага параллел жойлашган) ҳамда шамол кучидан ҳосил бўлган моментлар таъсир қилади. Минора белбоғини сиқувчи умумий кучлар:

$$N_{\text{сиқ}} = \frac{G_M + G_c + Q + S_{\text{л.м.п.с.}}}{4} = \frac{20000 + 5390 + 32000 + 39816,62}{4} = 24301,65 \text{ Н.}$$

Шамол кучидан ҳосил бўлган стреланинг эгувчи моменти:

$$M = (W_M + W_o) \rho + W_{\text{юк}} \rho_l = (1721,5 + 828,75) \cdot 7,72 + 1372 \cdot 12,7 = 37112,33 \text{ Нм.}$$

Минора белбоғига таъсир этаётган, симметрия ўқи бўйича эгувчи куч:

$$P'_{\text{сиқ}} = \frac{M}{2D_M} = \frac{37112,33}{2 \cdot 0,43} = 43153,87.$$

Минора белбоғидаги кучлар йиғиндиси:

$$\Sigma N = N_{\text{сиқ}} + N'_{\text{сиқ}} = 52165,04 + 43198,17 = 95363,24 \text{ Н.}$$

Бурчаксимон белбоғдаги кучланиш:

$$\sigma_{\text{сиқ}} = \frac{\Sigma N}{\varphi F}$$

бу ерда $F = 1720 \text{ мм}^2 - 100 \times 100 \times 8$ бурчак шаклнинг кўндаланг кесим юзи; $r_{\text{мин}} = 21,8 \text{ мм}$ — инерция радиуси:

Белбоғнинг эгилувчанлиги:

$$\lambda = \frac{l_x}{r_{\text{мин}}} = \frac{1500}{21,8} = 68,8$$


бунда $l_x = 1500 \text{ мм}$ — тугунлар орасидаги бурчак шаклнинг ҳисобий узунлиги. У ҳолда $\varphi = 0,82$ ва кучланиш:

$$\sigma_{\text{сиқ}} = \frac{95363,24}{1720 \cdot 0,82} = 167,61 < [\sigma] = 210 \text{ МПа.}$$


2.4. Қўзғалмас устунли кранни ҳисоблаш намунаси

2.56-расмда қўзғалмас устунли кран кўрсатилган. Бу кран юк кўтариш 3 ва буриш механизмлари 2, устун 1, стрела 4 дан иборат. Қўзғалмас устунли кранлар темир йўл платформалар ва автомобилларга юк ортишда, қисмларни дастгоҳларга ўрнатишда, шунингдек қурилиш ва бошқа ишларда кенг қўлланилади.

Берилган. Юк кўтарувчанлиги $Q=5,0$ т; илгак қулочи $R=5000$ мм; юк кўтариш баландлиги $H=12$ м; кўтариш тезлиги $v_{\text{юк}}=9,0$ м/мин; айланиш тезлиги $P=1,5$ мин⁻¹; иш режими — ўрта.



2.56-расм. Қўзғалмас устунли кран схемаси



2.57-расм. Кўтариш механизмининг кинематик схемаси

Краннинг кўтариш механизмини ҳисоблаш. 1. Полиспаст, пўлат арқон, барабан ва блокнинг диаметрини танлаш. Лойиҳаланаётган краннинг кўтариш механизми 2,57-расмда кўрсатилган. Юк кўтарувчанлиги 5,0 т кранлар учун карралиги $a_n=2$ бўлган якка полиспаст танланади.

Арқоннинг барабанга ўраладиган тармоғидаги энг катта таранглик кучи қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$S_{\max} = \frac{Q \cdot g}{m \cdot a_n \cdot \eta_n} = \frac{5000 \cdot 9,81}{12 \cdot 0,98} = 25025,51 \text{ Н.}$$

бунда η_n — полиспаст ФИК.

Пўлат симли арқонларни ҳисоблаш Давлат техника назорати қондасига биноан ҳисобий узувчи куч бўйича ба-жарилади:

$$S_{\gamma} \geq S_{\max} \cdot n = 25025,51 \cdot 5,5 = 137640,31 \text{ Н.}$$

бунда $n=5,5$ — мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти. Унинг қиймати III.4.1- иловадан ўрта иш шароити бўйича танланади. Узувчи кучни аниқлагандан сўнг III.1.1-иловадан ДАСТ 2688-79 ЧУ—Х $6 \times 19 \times 1=144$ турдаги. $d_{\text{ар}}=15$ м: чўзувчи кучи 140000 Н; симининг мустаҳкамлик чегараси 1960 Н/мм² бўлган олти ўрамли пўлат симли арқон танланади.

Барабан ва блокнинг энг кичик рухсат этилган диаметри:

$$D_6 \geq d_{\text{ap}} \cdot l = 15 \cdot 18 = 270 \text{ мм},$$

бунда $l=18$ — юк кўтарувчи кран тури, унинг тузилиши ва иш шароитига боғлиқ бўлган коэффиценти III.4.3-иловадан аниқланади. III.4.2-иловадан БК—335 турдаги барабан танланади.

Мувозанатлантирувчи блоклар тури учун: $D_M = (0,6 \div 0,8) \cdot D_6 = 0,7 \cdot 335 = 245,5 \text{ мм}$. $D_M = 260 \text{ мм}$ деб қабул қилинади; арқоннинг фойдали узунлиги:

$$l = H \cdot a_n = 12 \cdot 2 = 24 \text{ м}.$$

Барабандаги ишчи арқоннинг ўрамлари сони:

$$z_{\text{иш}} = \frac{l}{\pi(D_6 - d_{1p})} = \frac{24}{3,14(0,395 - 0,015)} = 23,88 \approx 24.$$

Барабандаги тўлиқ арқон ўрамлари сони:

$$z = z_{\text{иш}} + z_3 = 24 + 2 = 26,$$

бунда z_3 — арқоннинг эҳтиёт ўрамлари сони ($z_3 = 1,5 \div 2$). Барабандаги ариқчали қисмнинг узунлиги:

$$L_0 = z \cdot t_{\text{ap}} = 26 \cdot 17 = 442 \text{ мм},$$

бунда t_{ap} — винтли ариқча қадами:

$$t_{\text{ap}} = d_{\text{ap}} + (2 \div 3) = 15 + 2 = 17 \text{ мм}.$$

Барабан узунлиги:

$$L_6 = L_1 + 2L_2 + L_0 = 68 + 2 \cdot 8,6 + 442 = 527,2 \text{ мм},$$

бунда L_1 — арқонни барабанга маҳкамлаш жойидаги барабан узунлиги:


$$L_1 = 4 \cdot t_{\text{ap}} = 4 \cdot 17 = 68 \text{ мм},$$

L_2 — гардиш кенглиги:

$$L_2 = 0,5 \cdot 1,0 \cdot t_{\text{ap}} = 0,5 \cdot 1,0 \cdot 17 = 8,5 \text{ мм}.$$

Барабан деворининг қалинлиги дастлаб қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\delta = 0,02 D_6 + (6 \div 10) = 0,02 \cdot 335 + 8 = 14,7 \text{ мм}.$$



2.58- расм. Барабан деворининг эгилишга ва буралишга ҳисобий схемаси

Барабан деворининг эзилишга, эгилишга ва буралишга бардоши синалади. Барабанга арқон ўралганда унинг деворида эзилиш кучланиши ҳосил бўлади:

$$\sigma_{\text{э}} = \frac{S_{\text{max}}}{\delta \cdot l_{\text{ар}}} = \frac{25025,51}{14,717} = 100,14 \text{ МПа} < [\sigma_{\text{э}}] = 164,7 \text{ МПа}$$

Эгилишдаги кучланиш қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\sigma_{\text{э}} = \frac{M_{\text{э}}}{W} = \frac{3297,1}{0,00118} = 280366,5 \text{ Па},$$

бунда $M_{\text{э}}$ — эгувчи момент:

$$M_{\text{э}} = \frac{S_{\text{max}} \cdot L_{\text{э}}}{4} = \frac{25025,51 \cdot 0,527}{4} = 3297,1 \text{ Н.м.}$$

Барабаннинг ички диаметри:

$$D_{\text{ич}} = D_{\text{т}} - 2 \cdot \delta = 335 - 2 \cdot 14,7 = 305,6 \text{ мм.}$$

$W_{\text{э}}$ — барабан кўндаланг кесимининг эгилиш бўйича қаршилик моменти:

$$W_{\text{э}} = 0,1 \cdot \frac{D_{\text{т}}^4 - D_{\text{ич}}^4}{D_{\text{т}}} = 0,1 \cdot \frac{(0,335^4 - 0,305^4)}{0,335} = 0,00118 \text{ м}^3.$$

Буралиш кучланиши:

$$\tau = \frac{M_{\text{бур}}}{W_{\text{н}}} = \frac{4191,77}{2 \cdot 0,00236} = 88792,37 \text{ Н/м}^2,$$

бунда $W_{\text{н}}$ — барабан кўндаланг кесимининг буралиш бўйича қаршилик моменти:

$$W_{\text{н}} = 2 W_{\text{э}} = 2 \cdot 0,00118 = 0,00236 \text{ м}^3$$

$M_{\text{бур}}$ — буровчи момент:

$$M_{\text{бур}} = S_{\text{мах}} \cdot 0,5 D_6 = 25025,51 \cdot 0,5 \cdot 0,335 = 4191,77 \text{ Нм.}$$

Арқон учларини барабанга маҳкамлаш, барабан ўқини, илгак осмасини ҳисоблаш худди кўприкли краннинг юк кўтариш механизмлариникидек амалга оширилади:

Электр моторни ҳисоблаш ва редуктор танлаш. Номинал юк кўтарганда кўтариш механизми мотори қуввати қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$N = \frac{Q \cdot q \cdot V_{\text{юк}}}{1000 \cdot 60 \cdot \eta_{\text{м}}} = \frac{5000 \cdot 9,81 \cdot 9,0}{1000 \cdot 60 \cdot 0,85} = 8,65 \text{ кВт.}$$

бунда $\eta_{\text{м}} = 0,85$ — механизмнинг ФИК.

III.5.4-иловадан ўрта иш шароити учун қуввати $N_{\text{мот}} = 9,0$ кВт, $n_{\text{мот}} = 915 \text{ мин}^{-1}$; $J_{\text{р}} = 0,015 \text{ кг.м}^2$; $M_{\text{тах}} = 19,5 \text{ Н.м.}$ бўлган МТГ—211—6 турдаги электр моторни танлаймиз. Унинг ҳажмий ўлчамлари III.5.5-жадвалда келтирилган.

Редукторнинг узатишлар сони:

$$U_{\text{р}} = \frac{n_{\text{мот}}}{n_{\text{бар}}} = \frac{915}{17,14} = 53,47.$$

бунда n_6 — барабаннинг айланишлар сони:

$$n_6 = \frac{a_{\text{п}} \cdot V_{\text{юк}}}{\pi \cdot D_6} = \frac{2,9}{3,14 \cdot 0,335} = 17,112 \text{ мин}^{-1}.$$

III.6.16-иловадан ўрта иш шароити учун узатишлар сони $U_{\text{р}} = 50,84$ бўлган Ц2—350 турдаги икки поғонали цилиндрлик редуктор танлаймиз. Тез айланувчи валнинг айланишлар сони — 1000 мин^{-1} .

Барабаннинг амалий айланишлар сони:

$$n'_6 = \frac{n_{\text{мот}}}{U_{\text{р}}} = \frac{915}{50,94} = 17,96 \text{ мин}^{-1}.$$

Юкнинг ҳақиқий кўтариш тезлиги:

$$v_{\text{юк}} = \frac{\pi D_6 \cdot n'_6}{a_{\text{п}}} = \frac{3,14 \cdot 0,335 \cdot 17,112}{2} = 9,44 \text{ м/мин.}$$

Редуктордан узатадиган чегаравий буровчи моментнинг рухсат этилган қиймати:

$$M_{\text{рег}} = \psi M_{\text{ред}} = \psi \cdot 9550 \frac{N_{\text{ред}}}{\eta_{\text{мот}}} = 1,6 \cdot 9550 \frac{14}{0,915} = 233,79 \text{ Нм.}$$

бунда φ — чегаравий моментнинг номинал моментга нисбат коэффициенти. $\varphi=1,6$ олинади.

Муфтани ҳисоблаш. Мотор валидаги номинал момент:

$$M_n = 9550 \frac{N_{\text{мот}}}{n_{\text{мот}}} = 9550 \frac{9}{915} = 93,93 \text{ Нм.}$$

Муфтани танлаш учун ҳисобий момент:

$$M_x = M_n \cdot K_1 \cdot K_2 = 93,93 \cdot 1,2 \cdot 1,3 = 146,53 \text{ Нм.}$$

III.9.1-жадвалдан тормоз шкиви $D_{\text{ш}}=200$ мм: $J_{\text{ш}}=0,125$ кг.м²; бўлган эластик втулка-бармоқли муфтани танлаймиз.

Юрғизиш даврида электр моторнинг ўртача моменти:

$$M_{\text{ур.юр.}} = \frac{M_{\text{мин.юр.}} + M_{\text{макс.юр.}}}{2} = 1,6 M_n = 1,6 \cdot 9550 \frac{N_{\text{мот}}}{n_{\text{мот}}} = 1,69550 \frac{9,0}{915} = 150,29 \text{ Нм.}$$

$M_{\text{юр.юр.}} = 150,29 < M_{\text{чег}}$ бўлганлиги учун редуктор моторни юрғизиш давридаги ўта юкланишга бардош бера олади. Юкни кўтаришдаги статик қаршилиқ кучининг электр мотор валига келтирилган статик моменти:

$$M_{\text{ст.күг}} = \frac{\delta_{\text{max}} \cdot m \cdot D_0}{2 \cdot U_p \cdot \eta_M} = \frac{25025,51 \cdot 1 \cdot 0,335}{2 \cdot 50,94 \cdot 0,85} = 96,81 \text{ Нм.}$$

Юкни туширишда эса:

$$M_{\text{ст.туш}} = \frac{S_{\text{max.г}} \cdot a_n \cdot D_0 \cdot \eta_M}{2 \cdot U_p} = \frac{12077,25 \cdot 2 \cdot 0,335 \cdot 0,85}{2 \cdot 50,94} = 67,7 \text{ Нм.}$$

Бунда

$$S_{\text{max.ум}} = \frac{Q \cdot q \cdot \eta_n}{2 \cdot a_n} = \frac{5000 \cdot 9,81}{2 \cdot 2} = 12017,25 \text{ Н.}$$

Юкни кўтаришдаги тезланиш муддати:

$$t_{\text{юр}} = \frac{1}{M_{\text{ур.юр.}} - M_{\text{ст}}} \left(\frac{\gamma J_{\text{ум}} \cdot n_{\text{мот}}}{9,55} + \frac{Q D_0^2 \cdot n_{\text{мот}}}{38,2 \cdot d_M^2 U_p^2 \eta_M} \right), \text{ с.}$$

бунда $J_{\text{ур}}$ — мотор валининг ва у билан ўқдош жойлашган айланувчи массаларнинг инерция моменти, кг/м²:

$$J_{\text{ур}} = J_p + J_{\text{ш}} = 0,115 + 0,125 = 0,24 \text{ кгм}^2$$

J_p — электр мотор роторининг момент инерцияси $J_p = 0,115 \text{ кг.м}^2$; J_m — муфтанинг инерция моменти. Унинг қиймати III.9.2-жадвалдан олинади:

$$J_m = 0,125 \text{ кг.м}^2. \quad D_m = 200 \text{ мм.}$$

Унда

$$t_{\text{кр}} = \frac{1}{150,29 - 96,84} \left(\frac{1,2 \cdot 0,24 \cdot 915}{9,55} + \frac{5000 \cdot 0,335^2 \cdot 915}{38,2 \cdot 2^2 \cdot 50,94^2 \cdot 0,85} \right) = 0,54 \text{ с.}$$

Юк туширишдаги юргизиш, яъни тезланиш муддати:

$$t_{\text{юр}} = \frac{1}{150,29 - 66,17} \left(\frac{1,2 \cdot 0,24 \cdot 915}{9,55} + \frac{5000 \cdot 0,335^2 \cdot 915}{38,2 \cdot 2^2 \cdot 50,94^2 \cdot 0,85} \right) = 0,35 \text{ с}$$

Ўртача тезланиши қуйидагига тенг:

$$a = \frac{v_{\text{кр}}}{60 \cdot t_{\text{кр}}} = \frac{9}{60 \cdot 0,54} = 0,27 < [a] = 0,3 \div 0,6 \text{ м/с}^2.$$

Портловчи, чуғ ва шунингдек эриган юклардан ташқари материаллар учун $[a] = 0,3 - 0,6 \text{ м/с}$ бўлади.

ТОРМОЗНИ ҲИСОБЛАШ

Ҳисобий тормоз моменти:


$$M_T = K_T \cdot M'_{\text{ст}} = 1,75 \cdot 65,55 = 114,7 \text{ мм,}$$

бунда $K_T = 1,75$.

$M_{\text{ст}}$ — тўхташ пайтида юкнинг мотор валидаги статик моменти:

$$M'_{\text{ст}} = \frac{Q \cdot g \cdot D_b \cdot \eta_p}{2 \cdot a_n \cdot U_p} = \frac{5000 \cdot 9,81 \cdot 0,335 \cdot 0,85}{2 \cdot 2 \cdot 50,94} = 65,55 \text{ Н.м.}$$

III.7.1-иловадан тормоз шкивининг диаметри $D_m = 200 \text{ мм}$, колодка эни $b = 90 \text{ мм}$, магнит тури МО—20 ОБ, тормоз моменти $M_T = 160 \text{ Н.м}$. бўлган ТКТ — 200 турдаги тормозни танлаб оламиз.



2.59- расм. Қўзғалмас устунли кранни ҳисоблаш схемаси

БУРИШ МЕХАНИЗМИНИ ҲИСОБЛАШ

Берилган. Краннинг массаси $G_{кр} = 3,6$ т, масса марказидан бурилиш ўқигача бўлган масофа $l = 1700$ мм, подшипниклараро масофаси $h = 3700$ (2,59-расм).

Моментлар тенгламасидан горизонтал акс таъсир кучини аниқлаймиз (A нуқтага нисбатан):

$$R_r = \frac{(Q \cdot R + G_{кр} \cdot l) \cdot g}{h} = \frac{(5000 \cdot 5,0 + 3600 \cdot 1,7) \cdot 9,81}{3,7} = 82510 \text{ Нм.}$$

Товондаги вертикал акс таъсир кучи R_b — вертикал ўқдаги барча кучларнинг мувозанатидан аниқланади:

$$R_b = (Q + G_{стр}) \cdot g = (5000 + 3600) \cdot 9,81 = 84366 \text{ Н.}$$

Подшипникдаги ҳисобий куч:

$$Q = k \cdot R_b = 1,4 \cdot 84366 = 118112,4 \text{ Н},$$

бунда $K=1,4$ — эҳтиёт коэффициенти.

Ушбу куч буйича III.13-иловадан рухсат этилган статик юк кўтарувчанлик $C_0=110000 \text{ Н}$, ички диаметри $D_0=95 \text{ мм}$, ташқи диаметри $D_1=200 \text{ мм}$, эни $B=45 \text{ мм}$ бўлган 319 рақамли бир қаторли думалаш подшипнигини танлаймиз.

Таянч подшипникларидаги ишқаланиш кучларининг моментлари йиғиндиси:

$$M_{\text{ш}} = M_1 + M_2 + M_3 = 90,96 + 130,4 + 90,96 = 312,32 \text{ Нм}.$$

Юқори таянчдаги ишқаланиш кучидан момент:

$$M_1 = R_b f_1 \frac{d_1}{2} = 82510 \cdot 0,015 \frac{0,147}{2} = 90,96 \text{ Нм},$$

бунда $f_1=0,015 \dots 0,02$ — шарикоподшипникдаги келтирилган ишқаланиш коэффициенти; $d_1=147,5 \text{ мм}$ — подшипникнинг ўртача диаметри.

Юқorigи ҳалқа товонидаги ишқаланиш кучидан момент:

$$M_2 = \frac{2}{3} R_b f_2 \frac{d_1^3 - d_{\text{ш}}^3}{d_1^2 - d_{\text{ш}}^2} = \frac{2}{3} 84366 \cdot 0,015 \cdot \frac{0,215^3 - 0,1^3}{0,215^2 - 0,1^2} = 130,4 \text{ Нм},$$

Пастки товондаги ишқаланиш кучидан момент:

$$M_3 = R_b f_3 \frac{a_1}{2} = 82510 \cdot 0,015 \frac{0,147}{2} = 90,96 \text{ Н.м},$$

бунда $d_1=d_3$.

Электр моторнинг барқарор ҳаракатидаги ҳисобий қувват:

$$N = \frac{M_{\text{ш}} n}{1000 \eta_{\text{м}}} = \frac{312,32 \cdot 2,5}{1000 \cdot 0,85} = 0,92 \text{ кВт}.$$

Кран конструкцияси қисмларининг юзасига тақсимланган шамол юкланиши:

$$P = q \cdot K \cdot C \cdot n = 125 \cdot 1,0 \cdot 1,9 \cdot 1,0 = 237,5 \text{ Н/м}^2,$$

бунда q — шомолнинг динамик босими 1.9-жадвалдан $q=125$ Па деб олинади.

R — баландлик бўйича динамик босимнинг ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қиймати 1.8-жадвалдан $K=1,6$ деб олинади.

$C=1,2$ — аэродинамик кучлар коэффициенти;

$\Pi=1,0$ 1,1 — ўта юкланиш коэффициенти.

Кран тузилиши қисмига таъсир этадиган шомол юкланиши:

$$F = P \cdot A = 237,5 \cdot 5,5 = 1306,25 \text{ Н},$$

бунда A — тузилиш қисмининг ҳисобий юзи $A=5,5 \text{ м}^2$.

2.26-жадвал

Номинал $Q_{\text{н}}$ массали юкнинг ҳисобий юзи

Q_i	$A_{\text{н}}, \text{м}^2$	Q_i	$A_{\text{н}}, \text{м}^2$	Q_i	$A_{\text{н}}, \text{м}^2$	Q_i	$A_{\text{н}}, \text{м}^2$
6,5	2,0	6,3	8,0	20	16	63,0	28
1,0	2,8	8,0	9,0	25,0	18	80,0	32
2,0	4,0	10,0	10,0	32	20	100,0	36
3,2	5,6	12,5	12,0	40	22		
5,0	7,1	16,0	14	50	25		

Кранга таъсир этувчи шомол юкланиши моменти:

$$M_{\text{кр}}^{\text{ш}} = Fl_3 = 1306,25 \cdot 2,5 = 3265,62 \text{ Н.м.}$$

Юкка таъсир этадиган шомол юкланиши:

$$q_{\text{юк}} = qRCn = 125 \cdot 1,0 \cdot 1,2 \cdot 1,0 = 150 \text{ Н/м}^2.$$

Юкка таъсир этувчи шомол юкланишидан момент:

$$M_{\text{юк}}^{\text{ш}} = q_{\text{юк}} \cdot A \cdot R = 150 \cdot 7,1 \cdot 5,0 = 5325 \text{ Н.м.}$$

$A = 7,1$ (2.26-жадвал).

Ишчи ҳолатда кранга таъсир этувчи шомол юкланишидан момент:

$$M_{\text{ш}} = M_{\text{кр}}^{\text{ш}} + M_{\text{юк}}^{\text{ш}} = 5325 + 3265,62 = 8590,62 \text{ Н.м.}$$

Умумий статик момент:

$$\Sigma M_{ст} = M_{шш} + M_{ш} + M_{кран} = 312,32 + 8590,62 = 8902,94 \text{ Н.м.}$$

Электр моторнинг ҳисобий қуввати

$$N = \frac{\Sigma M_{ст} \cdot n_{кр}}{9550 \cdot \eta_m} = \frac{8902,94 \cdot 1,5}{9550 \cdot 0,85} = 1,64 \text{ кВт}$$

III.5.4-иловадан қуввати $N=1,7$ кВт; $\Pi = 850$ мин, $J=0,045$ кг·м², $M_{пвх}=4,0$ Н.м. бўлган МТФ ОИ—6 турдаги электр мотор танлаймиз. Буриш механизмининг умумий узатиш-лар сони:

$$U_{ум} = \frac{n_{мот}}{n_{кр}} = \frac{850}{1,5} = 566,66$$

Кўрилатган кран учун 3 та поғонадан иборат узатма қабул қилинади: биринчи поғона узатишлар сони $U_p=50$ бўлган $r=63$ турдаги червякли редуктор; иккинчи поғона $U=1,8$ бўлган очик конус тишли узатма; учинчи поғона — $U=6,3$ бўлган очик тишли цилиндрлик тишли узатма. Ҳақиқий узатишлар сони $U_{ум}=567$.

Электр мотор валига келтирилган ишқаланиш кучидан момент:

$$M'_{иш} = \frac{M_{шш}}{U_{ум} \cdot \eta_r \cdot \eta_m} = \frac{1,7}{567 \cdot 0,7 \cdot 0,85} = 30,56 \text{ Н.м.,}$$

бунда η_m — червякли узатиш механизмлари $\eta_r=0,5...0,75$; цилиндрлик узатмаларда эса $\eta_m=0,75 \div 0,85$.

Юргизиш даврида электр моторнинг ўртача юргизиш моменти:

$$M_{ур.юр} = 1,6 \cdot 9550 \frac{N_{мот}}{n_{мот}} = 1,6 \cdot 9550 \frac{4,1}{870} = 72,0 \text{ Н.м.}$$

Стрелани буриш учун керакли статик момент:

$$M_{ст} = \frac{M_{бур}}{U_{ум} \cdot \eta_m} = \frac{9550 N_{мот}}{n_{мот} \cdot U_{ум} \cdot \eta_{ш} \cdot \eta_r} = \frac{9550 \cdot 1,7}{850 \cdot 567 \cdot 0,7 \cdot 0,85} = 0,056 \text{ Н.м.}$$

Юргизиш вақти

$$t_{\text{кр}} = \frac{\gamma J_{\text{ум}} \cdot n_{\text{мот}} / 9,55 + \frac{J_{\text{юк}} \cdot n_{\text{мот}}}{9,55 \cdot U_{\text{ум}}^2 \cdot \eta_{\text{м}}} + \frac{J_{\text{кр}} \cdot n_{\text{мот}}}{9,55 \cdot U_{\text{ум}}^2 \cdot \eta_{\text{м}}}}{M_{\text{ур.кр}} - M_{\text{ст}} + M'_{\text{иш}}} =$$

$$= \frac{\frac{1,2 \cdot 0,175 \cdot 870}{9,55} + \frac{125000 \cdot 850}{9,55 \cdot 5,76^2 \cdot 0,85} + \frac{10000 \cdot 870}{9,55 \cdot 5,76^2 \cdot 0,85}}{30,56 - 0,056 - 0,92} = 0,9 \text{ с.}$$

Бунда: $J_{\text{ум}}$ — краннинг айланиш ўқиға келтирилган кран ва юк массасининг умумий инерция моменти:

$$J_{\text{ум}} = \gamma(J_{\text{юк}} + J_{\text{кр}}) = 1,2(125000 + 10000) = 162000 \text{ кг} \cdot \text{м}^2,$$

$$J_{\text{юк}} = QR^2 = 5000 \cdot 5,0^2 = 125000 \text{ кг} \cdot \text{м}^2,$$

$$J_{\text{кр}} = G_{\text{кр}} \cdot \left(\frac{R}{3}\right)^2 = 3600 \left(\frac{5}{3}\right)^2 = 10000 \text{ кг} \cdot \text{м}^2.$$

Юргизишда стрела учидаги тезланиш:

$$a = \frac{\omega_{\text{кр}} \cdot R}{t_{\text{юр}}} = \frac{\pi \cdot n_{\text{кр}} \cdot R}{30 \cdot t_{\text{юр}}} = \frac{3,14 \cdot 15,5}{30 \cdot 2,01} = 0,39 \text{ м/с}^2 < [a] = 0,6 \div 1,0 \text{ м/с}^2.$$

Буриш механизмларини тўхтатиш учун керакли бўлган тормоз моменти:

$$M_{\text{т}} = M_{\text{ин.ум}} - M_{\text{иш.мот}}, \text{ Нм},$$

бунда $M_{\text{ин.ум}}$ — тўхтатишда енгиб ўтиладиган инерция кучларидан момент (таянчлардаги қаршиликларни ҳисобга олган ҳолда); $M_{\text{иш.мот}}$ — айланганда статик юкланишдан ҳосил бўладиган ишқаланиш кучининг электр мотор валиға келтирилган моменти:

$$M_{\text{иш.мот}} = M_{\text{ин.юк}} \cdot \eta_{\text{м}}^2 + M_{\text{ин.кр}} \cdot \eta_{\text{м}}^2 + \frac{\gamma J_{\text{ум}} n_{\text{мот}} \cdot \eta_{\text{м}}^2}{9,55 t_{\text{т}}},$$

бунда $\frac{\gamma J_{\text{ум}} \cdot n_{\text{мот}}}{9,55 t_{\text{т}}}$ электр мотор ротори ва редукторнинг ай-

ланувчи массалари инерция кучларининг электр мотор валиға келтирилган моменти. $t_{\text{т}}$ — тўхтатиш вақти, с. $t_{\text{т}} = 4$ с деб қабул қиламиз. У ҳолда ($\varphi = 0$; $a = 0$):


$$M_r = \frac{1}{i} \left[\frac{J_{\text{юк}} \cdot n_{\text{мот}}}{9,55 U_p^2 \cdot \eta_m} + \frac{J_{\text{кп}} \cdot n_{\text{мот}}}{9,55 U_p^2 \cdot \eta_m} + \frac{\gamma J_{\text{ум}} n_{\text{мот}}}{9,55} \right] - \frac{M_{\text{нп.мет}}}{U_{\text{ум}} \eta_m} =$$

$$= \frac{1}{4} \left[\frac{125000 \cdot 850}{9,55 \cdot 567^2 \cdot 0,7} + \frac{10000 \cdot 850}{9,55 \cdot 567^2 \cdot 0,7} + \frac{1,2 \cdot 0,173 \cdot 850}{9,55} \right] - \frac{158,28}{567 \cdot 0,7} = 22,5 \text{ Нм.}$$

III.1.7-иловадан тормоз моменти $M=40$ Н.м., $D=200$ мм; $B=90$ мм; магнит тури МО—100 Б, ТКТ 200/100 турдаги тормозни танлаб оламиз.

Сақловчи муфтани ҳисоблаш. Муфта (2.60- расм) редукторнинг иккинчи валида жойлашган иккита пўлат конус 3 дан ташкил топади ва улар орасида червякли узатма филдирагининг бронза гардиши 4 қисилган. Конуслар пружина 2 орқали қисилади ва гайка 1 орқали бошқарилади.

Сақловчи муфтанинг ҳисобий моменти:



2.60- расм. Сақловчи муфтанинг схемаси.

$$M_x = RM_{\text{юр}} = 1,2 M_{\text{юр}} \cdot U_p \cdot Q = 1,2 \cdot 72 \cdot 50 \cdot 0,8 = 3456 \text{ Нм.}$$

бунда $R=1,2 \dots 1,4$ — тормозлаш эҳтиёт коэффиценти.

$M_{\text{юр}}=72,0$ Н.м. — ўртача юргизиш моменти;

$U=50$ — червякли редукторнинг узатишлар сони;

$\eta_p=0,8$ — червякли жуфтнинг ФИКи.

Червякли узатманинг тахминий ҳисоблаш бўйича берилган кўрсаткичларидан фойдаланиб, червякли филдирак гардишининг ўртача диаметри $D_{\text{гр}}=400$ мм; конусининг эни $B=50$ мм, конус чўққисининг бурчаги $\beta=16^\circ$ деб қабул қиламиз.

Пружинанинг керакли кучи:

$$P = \frac{M_{\text{нп.мет}} \cdot \sin \beta / 2}{D_{\text{гр}} \mu} = \frac{3456 \cdot 0,1392}{0,5 \cdot 0,06} = 16035,66 \text{ Н,}$$

бунда $\mu = 0,06$ — бронзанинг пўлат билан ишқаланиш коэффиценти.

Пружинанинг чегаравий кучи:

$$P_{\text{чс}} = (1,3 \div 1,6)P = 1,5 \cdot 16035,66 = 24053,49 \text{ Н.}$$

Конуснинг энг катта ва энг кичик диаметри (3,54-расм).

$$D = D_{\text{гр}} + B \sin \frac{\beta}{2} = 500 + 100 \sin 8^\circ = 514 \text{ мм,}$$

$$D_1 = D_{\text{гр}} - B \sin \frac{\beta}{2} = 500 - 100 \sin 8^\circ = 486 \text{ мм.}$$

Конуснинг юзасидаги босими:

$$q = \frac{4P}{\pi(D_1^2 - D_2^2)} = \frac{4 \cdot 16035,66}{3,14(514^2 - 486^2)} = 0,7 \text{ МПа} < [q], \text{ МПа.}$$

чўян пўлат буйича $[q] = 0,8 \div 1,2 \text{ МПа.}$

КРАННИНГ МЕТАЛЛКОНСТРУКЦИЯСИНИ ҲИСОБЛАШ

Кранга таъсир этувчи юкланишлар:

қурилманинг ўз массаси; юкнинг номинал массаси, инерция кучи, юкли арқондан сиқувчи куч.

Юкнинг номинал массасидан юкланиш:

$$G'_{\text{юк}} = Q \cdot K_d = 5000 \cdot 1,2 = 6000 \text{ кг.}$$

бунда $K = 1,2$ — динамик коэффициент.

Стрела №16 швеллердан тайёрланади. Унинг қўндаланг кесими $W_x = 93,4 \cdot 10^3 \text{ мм}^3$; $J_x = 747 \cdot 10^4 \text{ мм}^4$; $i_x = 64,2 \text{ мм}$; $F_x = 1801 \text{ мм}^2$.

1 м узунликдаги массаси 14,2 кг. Стреланинг массаси $G_{\text{стр}} = 900 \text{ кг}$. Стрелани сиқувчи куч:

$$N = \frac{(Q \cdot R + G_{\text{стр}} \cdot \frac{R}{2})g}{H} = \frac{(5000 \cdot 5 + 900 \cdot 2,5) \cdot 9,81}{3,0} = 89107,5 \text{ Н.}$$

Юкли арқондан сиқувчи куч:

$$N_{\text{ар}} = \frac{Q \cdot g}{\eta_{\text{тл}}} = \frac{5000 \cdot 9,81}{2,098} = 25025,52 \text{ Н.}$$

Сиқувчи кучлар йиғиндиси:

$$\Sigma N = N + N_{\text{ар}} = 89107,5 + 25025,52 = 114133,02 \text{ н.}$$

Стреланинг ўз массасидан унинг хавфли кесимида ҳосил бўладиган эгувчи момент:

$$M_g = \frac{G_{\text{стр}} \cdot g \cdot R}{4} = \frac{900 \cdot 9,81 \cdot 5}{4} = 11036,25 \text{ Нм.}$$

Эгувчи момент таъсиридан стрела ўрта кесимидаги кучланиш:

$$\sigma_{\text{ж.о}} = \frac{M_g}{W_g} = \frac{11036,25}{92,6 \cdot 10^3} = 119,18 < [\sigma]_{\text{ж}} = 15 \cdot 10^3 \text{ МПа.}$$

Стрелада сиқувчи куч таъсирида юзага келадиган кучланиш:

$$\sigma_{\text{стр}} = \frac{\Sigma N}{F_{\text{ф}}} = \frac{114133,02}{18,1 \cdot 10^2 \cdot 0,78} = 80,84 \text{ МПа,}$$

бунда ϕ бўйлама эгилишнинг кучланишга таъсирини эътиборга олувчи коэффициент.

Юқорида аниқланган арқон тармогидаги энг катта зўриқиш кучи S_{max} ни 2.61- расмдаги схеманинг 3 ва 4 тугунлардаги таъсирини қуйидагича топамиз.

$$S'_1 = S'_2 = \frac{S_{\text{max}}}{2} = \frac{25025,5}{2} = 12012,75 \text{ А.}$$

Кран стреласи стерженларидаги зўриқиш кучларини юксиз ва юкли ҳоллар учун аниқлаймиз. Бунда схемадаги хавфли тугунларни ажратиб олиб, мувозанатлик шартини тузиб, ҳар бир стерженда ҳосил бўладиган зўриқиш кучларини ҳисоблаб топамиз:

$$\sigma_{\text{стр}} = \frac{114133}{0,18 \cdot 0,78} = 812913,1 < [\sigma_{\text{стр}}] = 1400000 \text{ МПа.}$$

Биринчи тугуннинг мувозанатлик шартидан, юкли ҳол учун (2.61- расм, а):


$$\Sigma x = 0 - N_{11} \sin 52^\circ 4' - S \sin 68^\circ 14' - N_{12} \sin 86^\circ 26' = 0.$$

$$\Sigma y = 0 - N_{12} \cos 86^\circ 26' - S \cos 68^\circ 14' + N_{11} \cos 52^\circ 4' = Q = 0.$$

юксиз ҳол учун (2.61- расм, б);

$$\Sigma x = 0 - N_{12} \sin 86^\circ 26' - N_{23} \sin 57^\circ = 0.$$

$$\Sigma y = 0 - N_{12} \cos 86^\circ 26' - N_{23} \cos 57^\circ + N_{24} = 0.$$



2.61- расм. Тугунларга таъсир қиладиган кучларни аниқлаш схемалари:
 а, б, д — юкли ҳолдаги схемалар; б, г, е — юксиз ҳолдаги схемалар.

Иккинчи тугуннинг мувозанатлик шартидан, юкли ҳол учун (2.61-расм, в):

$$\Sigma x = 0 - N_{12} \sin 86^\circ 26' - N_{23} \sin 57^\circ = 0.$$

$$\Sigma y = 0 - N_{12} \cos 86^\circ 26' - N_{23} \cos 57^\circ + N_{24} = 0.$$

юксиз ҳол учун (2.61-расм, г):

$$\Sigma x = 0 \quad N_{12} \sin 86^\circ 26' - N_{23} \sin 57^\circ = 0.$$

$$\Sigma y = 0 - N_{12} \cos 86^\circ 26' - N_{23} \cos 57^\circ - N_{24} - \sigma_2 = 0.$$

Учинчи тугуннинг мувозанатлик шартидан, юкли ҳол учун (2.61-расм, д):

$$\Sigma x = 0 - S'_1 \cos 21^\circ 46' - N_{13} \cos 52^\circ 4' - N_{23} \cos 33^\circ +$$

$$+ N_{33} \cos 35^\circ + N_{14} = 0,$$

$$\Sigma y = 0 - S'_1 \sin 21^\circ 46' - N_{13} \sin 52^\circ 4' + N_{23} \sin 33^\circ + N_{33} \sin 35^\circ = 0,$$

юксиз ҳол учун (2.61-расм, е):

$$\Sigma x = 0 - N_{13} \cos 52^\circ 4' - N_{23} \cos 33^\circ + N_{33} \cos 35^\circ + N_{13} = 0,$$

$$\Sigma y = 0 - N_{13} \sin 52^\circ 4' + N_{23} \sin 33^\circ + N_{33} \sin 35^\circ - \sigma_3 = 0.$$

тенгламаларни тузишимиз мумкин ҳамда буларни икки номаълумли тенгламани ечиш усулидан фойдаланиб, ҳар бир таёқчалардаги зўриқиш кучларини топиб, жадвалга киритамиз.

2.27- жадвал

Кран фермасы таёқчаларидаги зўриқиш кучлари
("+" чузувчи, "-" сиқувчи)

Таёқчалар	Юкланган ҳолдаги зўриқиш кучларининг қийматлари, Н	Юксиз ҳолдаги зўриқиш кучларининг қийматлари, Н	Умумлашган қийматлар, Н
1—2	56203,1	1547,3	57750,4
1—3	—1000567	—2735,6	—103302,6
2—4	39916	142,1	40058,1
2—3	66875,8	84,2	—66960
5—3	—67017	—3841	—70858
4—3	—51860	—2667	—54527

2.27-жадвалдан куруниб турибдики, 1, 3 таёқчада энг катта сиқувчи куч ҳосил бўлади. Шунинг учун шу таёқчани устиворликка текшираимиз. Сиқилишга ишлаётган 1—3 таёқчанинг $X-X$ ўқи бўйича эгилювчанлиги:

$$\lambda = \frac{l_{\text{хис}}}{i_x} = \frac{800}{6,42} = 46,7,$$

бу ерда i_x — швеллернинг инерция радиуси; $l_{\text{хис}}=300$ — 1—3 таёқчанинг ҳисобий узунлиги.

2.28-жадвал

Қисмларнинг рухсат этилган эгилювчанлиги

Қурилма қисмлари	Сиқилган қисмлар		Чўзилган қисмлар	
	пўлат	алюминий қотишмалари	пўлат	алюминий қотишмалари
Асосий фермаларнинг белбоғлари	120	100	150	120
Стрела, устун, мачталарнинг бир таёқчали тузилиши	120—150	100—120	150—180	120—150
Асосий ва ёрдамчи фермаларнинг қолган таёқчалари	150	120	200—250	180—200
Бошқа барча таёқчалар	200—250	120	250—350	250

Таёқчанинг марказий текислигидаги устиворлик шarti:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi F} = \frac{50283,5}{0,85 \cdot 18,1 \cdot 10^2} = 31,04 \text{ Н/мм}^2 < [\sigma] = 140 \text{ Н/мм}^2,$$

бу ерда F — швеллернинг кесим юзаси; φ — коэффициент $\varphi=0,85$ га тенг қилиб олинади (2.29-жадвал), $N = \frac{N_1}{2}$ — ҳисобий бўйлама куч.

Демак, танлаб олинган № 16 тартиб сонли швеллер талабга жавоб беради.

Ф қиймати

Таёқчанинг эпилувчанлиги.	Коэффициент	
	углеродли пўлатлар учун	кам (паст) углеродли пўлатлар учун
0	1,0	1,0
20	0,96	0,95
40	0,92	0,89
50	0,89	0,84
60	0,86	0,78
70	0,81	0,71
80	0,75	0,63
90	0,69	0,54
100	0,60	0,46
110	0,52	0,39
120	0,45	0,3
130	0,4	0,29
140	0,36	0,25
150	0,32	0,23
160	0,29	0,21
180	0,23	0,17
190	0,21	0,15
200	0,19	0,13
220	0,16	0,11

Кран устунини ҳисоблаш. Устун иккита швеллердан (№ 14) ташкил топиб, бир-бири билан узунлиги ва ён томони бўйича кўндаланг листлар орқали боғланган. Ён томонли листларда икки томондан ўқ қотирилган бўлиб, унга тиргакли ва радиал подшипниклар ўрнатилган.

Швеллерларга стрела, кўтариш ва буриш механизмлари қотириладиган ҳалқа пайвандланади.

Қабул қилиб олинган швеллерларнинг кўндаланг кесим юзаси $F=15,7 \cdot 10^2 \text{ мм}^2$; кесимнинг қаршилик моментлари:

$$W_x = 68,8 \cdot 10^3 \text{ мм}^3, W_y = 10,9 \cdot 10^2 \text{ мм}^3$$

кесимнинг ўққа нисбатан инерция моменти: $J_x=489 \cdot 10^4 \text{ мм}^4$, $J_y=45,1 \cdot 10^4 \text{ мм}^4$.

Устунга таъсир этувчи юкланишлар: горизонтал акс таъсир кучи $R_T = 82510$ Н олдиндан аниқланган. Сиқувчи куч бундай тизилмада ҳисобланмаса ҳам бўлаверади, чунки асосий юкланишни пастки таянчли тугуннинг ўзи қабул қилади.

Механизм ишлаганда горизонтал (бурувчи) куч пайдо бўлади:

$$P = \frac{2M_{стр}}{D} = \frac{2 \cdot 19434,21}{1,2} = 32840,35 \text{ Н.}$$

бунда $\Sigma M_{ст}$ — умумий статик момент, $D = 1,2$ м — тишли гилдирак диаметри. В нуқтадаги акс таъсир кучи (2.59-расм):

$$R_B = \frac{(R_T + P)h + l_1}{h} - \frac{R_T \cdot h}{h} = \frac{(82510 + 324390,35)(3700 + 230)}{3700} - \frac{82510 \cdot 230}{3700} = 102628,85 \text{ Н.}$$

Кран устунини эгувчи энг катта момент:

$$M_x = R_B \cdot h_T = 102628,85 \cdot 0,23 = 23604,63 \text{ Нм.}$$

ВМ ст КП турли пўлат учун кран устун кесимининг керакли қаршилик моменти:

$$W = \frac{M_x}{[\sigma]_{кр}} = \frac{23604,63 \cdot 10^3}{200} = 1180,23 \text{ мм}^3.$$

Иккита швеллер кесимининг ҳақиқий қаршилик моменти:

$$W = 2 \cdot W = 2 \cdot 69800 = 139,6 \cdot 10^3 \text{ мм}^3.$$

Хавфли кесимдаги кучланиш:

$$\sigma_x = \frac{23604,63 \cdot 10^3}{139,6 \cdot 10^3} = 169,81 \text{ Н/мм}^2 < [\sigma_x] = 200 \text{ Н/мм}^2$$

III боб. ЮК ТАШИШ МАШИНАЛАРИ УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Юк ташиш машиналари асосан юкларни горизонтал йўналишда ташиш учун мўлжалланган, айримлари эса юкларни юқорига ёки бурчак остида йўналтириш учун ишлатилади.

Юкларни юқорига кўтариш учун хизмат қиладиган юк ташиш машиналари *элеваторлар* дейилади.

Улар сочилувчан (цемент, қум, тупроқ, чақиқ тош, шлак ва ҳоказо), пластик (бетон аралашмаси ва бошқа қоришмалар) ва майда донли (ғишт, тош, тўсин, яшик ва ҳоказо) юкларни ташиш учун ишлатилади. Улар ёрдамида юклар оқим (поток) усулида тўхтовсиз, иш унумдорлиги ўзгармас ҳолда ва маълум йўналишда ташилади. Бу машиналарни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйиш қийинлиги сабабли, улар қўзғалмас ва ярим қўзғалмас ҳолда ишлатилади.

Ишчи аъзосининг турига кўра юк ташиш машиналари лентали, тўшамали, роликли, винтли, чўмичли, қирғичли ва бошқа турларга ажралади. Тортиш воситасининг турига кўра, улар лентали, занжирли, винтли, айланувчи қувурли турларга бўлинади. Юклар механик, инерция ва оғирлик кучлари таъсирида ҳаракатлантирилади. Бу белгисига кўра юк ташиш машиналари механик, инерцияли, гравитацион турларга ажралади. Инерцияли машиналарга тебранувчи қурилмалар, гравитацион машиналар, айланувчи қия қурилмалар ва бошқалар кирази.

Бу машина ва қурилмаларда ташилаётган юклар 3 гуруҳга бўлинади: 1—донали, 2—сочилувчан, 3—хамирсимон (ёпишқоқ).

Маълум шакл ва ўлчамдаги, сони ҳисобланадиган якка ва жуфт юклар донали юклар туркумини ташкил этади. Бу юклар ҳажмий ўлчамлари, шакли, сараланиш даража-

си, жойлаштирилиши ва бошқа хоссалари билан фарқланади.

Ҳар хил массали донатор ва чангсимон юklar сочи-
лувчан юklar дейилади. Сочилувчан юklar йириклиги,
ҳажмий ва солиштирма оғирлиги, намлиги, табиий оғиш
бурчаги, ёйилиш хусусияти ва бошқа хоссалари билан
фарқланади.

Айрим сочилувчан юklar заррачаларининг чизиқли
ўлчамлари бўйича қуйидагича гуруҳларга бўлинади:

- 1) чангсимон (зарра ўлчамлари 0,5 мм гача);
- 2) донатор (зарра ўлчамлари 0,5...10 мм гача);
- 3) майда бўлаklar (зарра ўлчамлари 10...60 мм);
- 4) ўрта бўлакли (зарра ўлчамлари 60...120 мм);
- 5) йирик бўлакли (зарра ўлчамлари 160 мм дан юқори);

Таркибидаги заррачаларининг йириклигига кўра юк-
лар — материаллар оддий ва сараланган бўлади. Агар энг
катта ва энг кичик бўлаklar ўлчамларининг нисбати

$$\frac{a_{\max}}{a_{\min}} \geq 2,5 \text{ бўлса, бундай юklar оддий, агар } \frac{a_{\max}}{a_{\min}} \leq 2,5$$

бўлса, сараланган ҳисобланади. Сараланган юklarнинг
ўртача бўлагининг ўлчами «а» билан белгиланади.

Материалнинг зичлиги, одатда кг/м³ ёки т/м³ ларда
ўлчанади ва уларнинг тафсилоти 4.1-жадвалда келтирил-
ган.

3.1. Узлуксиз юк ташиш машиналарининг иш унумдорлиги

Узлуксиз юк ташувчи машиналарнинг иш унумдор-
лиги ёйилган юкланиш q ва иш тезлиги v нинг қиймати
орқали аниқланади.

Узлуксиз ва ташувчи машиналарнинг бир секунддаги
иш унумдорлиги, агар q — кг/м, v — м/с ўлчовларда
берилса:

$$Q = q \cdot v \text{ кг/с} \quad (3.1)$$

Бир соатдаги иш унумдорлиги:

$$Q = 3,6 \cdot v \cdot q, \text{ т/соат}$$

$$Q = 3600 v \cdot q, \text{ кг/соат.} \quad (3.2)$$

Ёйилган юкланиш қиймати:

а) узлуксиз оқим билан ташиляётган (силжитиляётган) юклар учун:

$$q = F \cdot \rho \text{ кг/м.} \quad (3.3)$$

бунда F — материалнинг кўндаланг кесим юзи, м^2 ; ρ — материалнинг зичлиги, кг/м^3 ;

б) нов ёки қувур орқали ташиляётган юклар учун:

$$q = F \rho \psi, \text{ кг/м,} \quad (3.4)$$

бунда F — қувур ёки новнинг кўндаланг кесим юзи, м^2 ; ψ — тўлдириш коэффициенти;

в) алоҳида идишда ташиляётган юклар учун:

$$q = \frac{G}{l} \rho \psi, \text{ кг/м.} \quad (3.5)$$

бунда i_0 — алоҳида идиш ҳажми, м^3 ; l — идишларнинг жойлашиш қадами, м;

г) донати юкларни ташиганда:

$$q = \frac{G}{i}, \text{ кг/м} \quad (3.6)$$

бунда σ — ҳар бир донанинг массаси, кг;

д) миқдорлаб (порциялаб) ташиляётган донатор юклар учун:

$$q = \frac{G \cdot z}{l}, \text{ кг/м.} \quad (3.7)$$

бунда z — битта партиядаги юклар сони.

Агар юклар маълум миқдорда қадамлаб жойланган ҳолда ташилса, у ҳолда бир соатдаги иш унумдорлиги қуйидагича аниқланади:

$$Q = 3,6 \frac{G}{l} v, \text{ т/соат} \quad (3.8)$$

ёки

$$Q = 3,6 \frac{G \cdot z}{l} v, \text{ т/соат.}$$

Узлуксиз юк ташиш машиналарининг ҳажмий иш унумдорлиги қуйидагича аниқланади:

$$V = \frac{Q}{\gamma}, \text{ м}^3/\text{соат}$$

ёки

$$V = 3600 F \cdot \vartheta, \text{ м}^3/\text{соат}, \quad (3.9)$$

$$V = 3600 \frac{h}{h_1} v, \text{ м}^3/\text{соат}. \quad (3.10)$$

Донали юклар ташилганда бир соатдаги иш унумдорлиги:

$$\tau = \frac{360}{i} = \frac{360}{i} v, \frac{\text{дона}}{\text{соат}}, \quad (3.11)$$

бунда τ — вақт бирлиги:

$$\tau = \frac{t}{v}, \text{ с}$$

Масса бўйича иш унумдорлиги:

$$Q = \frac{G \cdot z}{1000}, \text{ т}/\text{соат}, \quad (3.12)$$

бунда z — донали юклар ташилганда бир соатдаги иш унумдорлиги.


3.2. Эгилувчан тортувчи органларнинг ҳаракат қаршилиги

А. Тўғри чизиқли тармоқдаги қаршиликлар

а) Юрувчи роликлардаги ҳаракат. Тортувчи орган юрувчи роликлар (ёки аравачалар)га маҳкамланганда тортувчи орган роликларининг айланувчи массаларидан ҳосил бўладиган фойдали юкланиш тортувчи орган — роликлар ўқи орқали йўналтирувчи (рельслар)да ҳаракатланувчи роликларга узатилади.

Роликлар йўлнинг горизонтал тармоғида думалаганда ролик ўқиға нисбатан ҳамма кучларнинг моменти қуйидагича аниқланади (3.1-расм, а):

$$M = qLg\left(R + f \frac{d}{2}\right), \text{ Н} \cdot \text{м} \quad (3.13)$$



3.1-расм. Ҳаракат қаршилигини аниқлаш учун тармоқлар схемалари.

Ҳаракатдаги қаршилик кучи:

$$W = qLg \frac{2k+fd}{D}; \text{ Н} \quad (3.14)$$

бунда q — юк ва тортувчи органлар массасидан ролик-даги умумий ёйилган юкланиш, кг/м; f — ролик ўқи цапфасининг ишқаланиш коэффиценти; R — ролик рельс бўйича думаланишидан ҳосил бўладиган ишқаланиш коэффиценти (реостат кучлар елкаси) м; L — текширилаётган горизонтал тармоқ узунлиги. Роликларнинг умумий ёйилган юкланиши:

$$q_0 = (q_{\text{юк}} + q_r) \quad (3.15)$$

бўлганда, ҳаракатдаги умумий қаршилик кучи қуйидагига тенг:

$$W = (q_{\text{юк}} + q_r)gL \left(\frac{2k+fd}{D} \right) c, \text{ Н}, \quad (3.16)$$

бунда q_r — 1 м узунликдаги ёйилган юкланиш; c — роликлар ён гардишидаги қўшимча сирпаниш қаршилигини ҳисобга олувчи коэффицент, одатда $c=1,25 \dots 1,4$; q_r — 1 м узунликдаги тортувчи орган ва тушаманинг ўз массаси, т.

Охирги ифодада

$$\omega = \frac{2k+fd}{D} \cdot c \quad (3.17)$$

деб белгиласак:

$$W = (q_{\text{юк}} + q_{\tau})gL\omega,$$

бунда ω — ҳаракатдаги умумий қаршилик коэффициентини дейилади. Тортувчи органнинг юксиз (бўш) тармоқлари учун $q_{\text{юк}} = 0$ бўлади.

3.17-ифодада $k = 0,1 \div 0,2$ мм, роликлар ўз ўқларига сирпаниш подшипниклари воситасида маҳкамланганда $f = 0,15 \div 0,25$, думалаш подшипниклари воситасида маҳкамланса $f = 0,05$ бўлади.

Узлуксиз юк ташиш машинаси (конвейер)нинг қия тармоғидаги умумий қаршилик кучи қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади (3.1-б, расм):

$$W = \pm(q_{\text{юк}} + q_{\tau})gL \sin \alpha + (q_{\text{юк}} + q_{\tau})gL \cdot \cos \alpha \cdot \omega, \text{ Н} \quad (3.18)$$

$$W = (q_{\text{юк}} + q_{\tau})g(\pm H + L_{\text{тор}} \cdot \omega), \text{ Н} \quad (3.19)$$

Бу ерда H — юкнинг қия текислик бўйича кўтарилиш баландлиги, м.


Агар тортувчи занжирни юрувчи роликларсиз, йўналтирувчи бўйича сирпантирилса, у ҳолда $\omega = f$ бўлади.

Айрим ҳолларда юклар ва тортувчи орган турлича қаршилик коэффициентлари билан тавсифланади. Масалан, занжир йўналтирувчи бўйича сирпанади ва вагонеткаларни тортади. Вагонеткаларнинг ўз роликлари ва йўналтирувчиси бор ёки занжир ўзининг юрувчи роликларига эга, юк эса нов бўйича сирпанади ва ҳоказо.


Бу ҳолларда юкли тармоқларнинг силжишдаги умумий қаршилиги қуйидагича аниқланади:

$$W_{\text{юк}} = \pm[(q_{\text{юк}} + q_{\tau})H + (q_{\text{юк}}\omega_{\text{юк}} + q_{\tau}\omega_{\tau})]g, \text{ Н}, \quad (3.20)$$

бунда $\omega_{\text{юк}}$ — юкнинг қаршилик коэффициенти; ω_{τ} — тортувчи органнинг қаршилик коэффициенти. Юксиз тармоқларнинг умумий қаршилиги:



a)



б)

3.2- расм. Юрувчи катокларнинг ҳаракат схемалари: а—горизонтал тармоқда; б— қия тармоқда

$$W_{\text{сум}} = \pm (q_1 H + q_2 L_{\text{гор}} \omega_1) g = q_2 (\pm H + L_{\text{гор}} \omega_1) g, \text{ Н.} \quad (3.21)$$

Горизонтал йўналишда ҳаракатланганда:

$$\alpha=0; \quad H=0; \quad L_{\text{гор}}=L.$$

б) юрувчи катоклардаги ҳаракатлар. Катокли конвейерларда донали ёки сочилувчан юклар юрувчи катокларда бевосита ҳаракатланади (3.2-а, расм), чунки унда қия тармоқлар бўлмайди, ёки бўлса ҳам кичик бўлади.

Юк ҳаракатининг умумий қаршилиги қуйидагича аниқланади:

$$W = W_1 + W_2 + W_3, \text{ Н}, \quad (3.22)$$

бунда W_1 — юкларнинг катокда думаланиб, ишқаланишидан ҳосил бўлган қаршилик:

$$W_1 = q_{\text{юк}} \cdot gL \frac{2k_1}{D} = q_{\text{юк}} \cdot g \cdot L \cdot \omega_1, \text{ Н} \quad (3.23)$$

Юкли занжир катогги йўналтирувчи бўйича ҳаракатланганда юк, каток, занжир массасидан ҳосил бўлган думалаб ишқаланиш қаршилиги:

$$W_2 = (q_{\text{юк}} + q_{\text{кат}} + q_T)gL\omega_2, \text{ Н} \quad (3.24)$$

бунда

$$W_3 = 2R_2/D$$

W_3 -занжир массаси ва тортувчи занжир кучидан катокларнинг цапфаларда ишқаланишидан ҳосил бўлган қаршилик:

$$W_3 = -1,3q_T \cdot L \cdot f \frac{d}{D} g = 1,3q_T \cdot L \cdot \omega_3 \cdot g, \text{ Н}, \quad (3.25)$$

бунда $q_{\text{юк}}$ — 1 м узунликдаги юкнинг массаси, кг/м; $q_{\text{кат}}$ — 1 м узунликдаги каток массаси, кг/м; q_T — 1 м узунликдаги занжир массаси, кг/м; R_1 — катокдаги юкнинг думалаб ишқаланиш коэффиценти; R_2 — катокларнинг йўналтирувчи бўйлаб думалаб ишқаланиш коэффиценти; d_u — катоклар цапфасининг диаметри; D — каток диаметри; ω_1 ; ω_2 ; ω_3 ҳаракат қаршиликларининг умумий коэффиценти; 1,3 — тортувчи орган кучидан цапфага сирпаниб ишқаланиш қаршилигини ҳисобга олувчи коэффицент; f — катоклар цапфасидаги сирпаниб ишқаланиш коэффиценти.

в) қўзғалмас таянч роликлардаги ҳаракат. Юкли лентанинг ҳаракат қаршилиги юқорида кўрилгандек аниқланади;

юкли тармоқлар учун (3.2, б-расм).

$$\begin{aligned} W_{\text{юк}} &= [(q_{\text{юк}} + q_n + q'_n)L \cos \alpha \pm (q_{\text{юк}} + q_n)L \cdot \sin \alpha]g = \\ &= [(q_{\text{юк}} + q_n + q'_n)L_{\text{тор}} \cdot \omega \pm (q_{\text{юк}} + q_n)H]g, \text{ Н} \end{aligned} \quad (4.26)$$

юксиз тармоқлар учун:

$$W_{\text{юкс}} = [(q_n + q_p'') L_{\text{топ}} \cdot \omega \pm q_n \cdot H] g, \text{ Н}, \quad (3.27)$$

бунда $q_{\text{юкс}}$, q_n , q_p — юкнинг ($q_{\text{юкс}}$) лентанинг (q_n) ва роликларнинг (q_p) ёйилган массалари, кг/м, q_p' ва q_p'' — юкли ва юксиз тармоқлар учун ёйилган массалар, кг/м; L — конвейернинг тўғри чизиқли тармоғи узунлиги м; $H^{\text{ср}}$ — кутариш баландлиги, м:

$$q_p' = \frac{\sigma_p'}{l_1}, \text{ кг/м}, \quad q_p'' = \frac{\sigma_p''}{l_1}, \text{ кг/м}. \quad (3.28)$$

ω — ҳаракат қаршиликлари коэффициенти (4.2-жадвалдан олинади). G_p' ва G_p'' — текис ва новли таянч роликлари массалари; улар тахминан (3.3-жадвал) ҳисобланади; l_1 ва l_2 юкли ва юксиз тармоқлардаги таянч роликлари орасидаги масофа, м.

Агар лента қўзғалмас тўшама устида сирпанса, у ҳолда:

$$q_p' = 0, \quad q_p'' = 0, \quad \omega = f,$$

бунда ҳаракатланиш қаршилиги, юкли тармоқлар учун:

$$W_{\text{юкс}} = (q_{\text{юкс}} + q_n)(L_{\text{топ}} f \pm H) g, \text{ Н}, \quad (3.29)$$

юксиз тармоқлар учун:

$$W_{\text{юкс}} = q_n (L_{\text{топ}} f \pm H) g, \text{ Н}, \quad (3.30)$$



бунда $f=0,35\ldots 0,6$ пўлат тўшамали йўналтирувчи юза бўйича, $f=0,4\ldots 0,7$ — тоза ёғоч тўшама бўйича.

Б. Эгри чизиқли тармоқдаги қаршиликлар. Лентали конвейерларда барабан массасини ҳисобга олмаганда цапфага таъсир этувчи босим кучи қуйидагича аниқланади (3.3 а-расм):

$$R = (S_{\text{исл.1}} + S_{\text{исл.т}}) \sin \frac{\alpha}{2}, \text{ Н}. \quad (3.31)$$

Барабан α бурчакка бурилганда бу кучнинг бажарган иши қуйидагига тенг:

$$A = f_n R \frac{d_n}{2} = (S_{\text{исл.л}} + S_{\text{исл.т}}) f_n \frac{d_n}{2} \sin \frac{\alpha}{2} \quad (3.32)$$



3.3- расм. Эгри чизикли тармоқдаги қаршиликларни аниқлаш схемалари.

Бу иш барабани шу α бурчакка бурилганда ҳосил бўладиган лента ҳаракатига қаршилик кучи W_6 нинг бажарган иши билан мувозанатлашади, яъни:

$$\frac{W_6 \cdot D_0}{2} = (S_{\text{кел}} + S_{\text{кет}}) f_u \frac{d_u}{2} \sin \frac{\alpha}{2}. \quad (3.33)$$

Бунда W_6 лентанинг ҳаракатга қаршилик кучи:

$$W_6 = (S_{\text{кет}} + S_{\text{кел}}) f_u \frac{d_u}{D_0} \sin \frac{\alpha}{2}, \text{ Н.}$$

Лекин

$$W_6 = S_{\text{кет}} - S_{\text{кел}}, \text{ Н}$$

Охирги икки ифодани тенглаб қуйидагиларни оламиз:

$$S_{\text{кет}} = S_{\text{кел}} \left(\frac{1 + f_u \frac{d_u}{D_0} \sin \frac{\alpha}{2}}{1 - f_u \frac{d_u}{D_0} \sin \frac{\alpha}{2}} \right), \text{ Н.} \quad (3.34)$$

Бу ифодада қавс ичини ўзгармас «а» деб қабул қилсак, ҳамма вақт $a > 1$ бўлади

$$S_{\text{кет}} = S_{\text{кел}} \cdot a, \text{ Н ва} \quad (3.35)$$

$$W_6 = S_{\text{кел}}(a-1), \text{ Н} \quad (3.36)$$

бу ерда a — лентали конвейерларда йўналтирувчи барабан ва роликларда (лента бирлигини ҳисобга олмаган ҳолда) ишқаланиш ҳисобига кучнинг йўқотилишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Лентанинг турига кўра унинг бикирлик қаршилигини қуйидаги ифода орқали аниқлаш мумкин:

$$W_6 = (0,0016 \div 0,002) B \cdot i, \quad (3.37)$$

бу ерда барабан диаметри $D \leq 600$ мм бўлганда 0,0016 коэффициент олинади; $D \geq 600$ мм бўлганда, 0,002 коэффициент олинади; B — лента эни, мм; i — лентанинг қистирмалари сони. У ҳолда йўналтирувчи барабандаги умумий қаршилик кучи W_6 қуйидагига тенг:

$$W_6 = S_{\text{кел}}(a-1) + (0,0016 \div 0,002) B i, \text{ Н.} \quad (3.38)$$

Тахминий ҳисоб бўйича: етакчи барабандаги лентанинг букилишга қаршилиги (4.3-а,расм):

$$W_{\text{етак}} = (0,015 \div 0,02)(S_{\text{кел}} + S_{\text{кет}}), \text{ Н,} \quad (3.39)$$

Йўналтирувчи барабандаги лентанинг букилишга қаршилиги:

$$W_{\text{гуп}} = (0,05 - 0,1) S_{\text{кел}}, \text{ Н.} \quad (3.40)$$

Тортувчи орган (лента ёки занжир) α марказий бурчакли эгри чизиқли йўналтирувчи (3.3 в-расм) бўйлаб ўтаётганда уни шартли равишда эластик вазнсиз чўзилмайдиган ип деб олиб тортувчи органнинг ҳаракатга қаршилик кучи W_6 ни (Эйлер ифодасидан фойдаланиб) аниқлаш мумкин, яъни:

$$S_{\text{кет}} = S_{\text{кел}} \cdot e^{f\alpha}, \text{ Н} \quad (3.41)$$

ёки

$$W_6 = S_{\text{кел}}(e^{f\alpha} - 1), \text{ Н,} \quad (3.42)$$

бу ерда $e=2.72$ — натурал логарифм асоси; α — қамров бурчаги, град. Бу ифодада f ишқаланиш коэффициенти

урнига ω қаршилик коэффиценти қўйилса, тортувчи орган роликлар батареяси бўлаб, эгри чизиқли йўналишда ҳаракатлангандаги (3.3-г, расм) қаршилик ифодаси аниқланади:

$$W'_6 = S_{\text{кел}}(e^{-\alpha} - 1), \text{ Н.} \quad (3.43)$$

Агар тортувчи орган занжир бўлса, у эгри чизиқли тармоқлардан ўтаётганда, қандай бурчакка бурилса, ўтиб бўлгандан сўнг тўғриланиб, яна шундай бурчакка бурилади. Бунда занжир шарнирларида ҳам қўшимча (3.3, б-расм) ишқаланиш қаршилиги ҳосил бўлади, занжирнинг ҳаракатга қаршилик кучи $W_{\text{ж}}$ қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$W_{\text{ж}} = S_{\text{кел}} \left(\frac{1 + f_{\text{ш}} \frac{d_{\text{ш}}}{D_{\text{ш}}} + f_{\text{ш}} \frac{d_{\text{ш}}}{D_{\text{ш}}}}{1 - f_{\text{ш}} \frac{d_{\text{ш}}}{D_{\text{ш}}} + f_{\text{ш}} \frac{d_{\text{ш}}}{D_{\text{ш}}}} \right), \text{ Н} \quad (3.44)$$

бу ерда $f_{\text{ш}}$ — юлдузча вали цапфасининг ишқаланиш коэффиценти; $f_{\text{ш}}$ — занжир шарнирининг ишқаланиш коэффиценти; $d_{\text{ш}}$ — вал цапфаси диаметри, мм. $d_{\text{ш}}$ — занжир шарнири ўқининг диаметри, мм: $D_{\text{ш}}$ — юлдузча диаметри, мм. Тахминий ҳисоб бўйича етакчи юлдузчадаги занжирнинг ҳаракатга қаршилиги:

$$W_{\text{етак}} = (0,03 - 0,05)(S_{\text{ет}} + S_{\text{кел}}), \text{ Н} \quad (3.45)$$

Йўналтирувчи юлдузчадаги занжирнинг ҳаракатга қаршилиги:

$$W_{\text{юн}} = (0,06 - 0,08)S_{\text{кел}}, \text{ Н.} \quad (3.46)$$

В. Конвейернинг юкловчи пунктдаги қаршилиги. Конвейер сочилувчан юклар билан юкланганда унда қўшимча юкловчи қаршилик ҳосил бўлади ва бу қаршилик қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$W_{\text{юк}} = \frac{Q}{3,6t_{\text{ю}}} (V_2 - V_1)t, \text{ Н.} \quad (3.47)$$


бунда V_1 — туйнукдан тушаётган юкнинг лентага тушишигача бўлган тезлиги; м/с; V_2 — лентанинг ҳаракат тез-

лиги, м/с; $\epsilon=1,3...1,5$ — юкнинг йўналтирувчи ва туйнук деворига ишқаланишини ҳисобга олувчи коэффициент; $t_{ю}$ — юклаш вақти, с.

3.3. Юк ташувчи машиналарнинг тортувчи қисмлари

КОНВЕЙЕР ЛЕНТАСИ


У айнаи вақтнинг ўзида ҳам тортувчи, ҳам кўтарувчи орган вазифасини бажаради. Ишлатиладиган лента таши-лаётган материалнинг хусусияти ва ҳолатига боғлиқ. Лен-тали конвейерларда резиналанган ип газлама ленталар (3.4-расм) кўпроқ қўлланилади. Улар резина елимланган ип



3.4-расм. Резиналанган ип газламали лента.

газлама қистирма 1, устки 2 ва пастки 3 резина қоплама-лардан ташкил топади. Ип газламали ленталар пишиқ, узоққа чидайди, эгилувчан, унча чўзилмайди, уларни мон-таж қилиш жуда қулай. Саноатда ишлаб чиқариладиган ленталарнинг қистирмалари қатламлари сони 3 дан 14 гача; эни 300, 400, 500, 650, 800, 1000, 1200, 1400, 1600, 1800, 2000, 2200 ва айрим махсус ишларда 3000 м гача бўлади. Қистирмалар сифатида вискоза, ипак, шиша тола, асбест ва ип газламалардан фойдаланилади. Ип газламали қистир-малар оддий тўқилган дағал газламадан тайёрланади. Улар-нинг асосий турлари 4.2-жадвалда берилган. Юк ташиш узоқлиги 2 км дан ортиқ бўлган конвейерлар учун пўлат арқончалардан каркас қилинган резиналанган ленталар қўлланилади. Улар асосан резиналанган ленталар таший олмайдиган донали, ўткир қиррали ва $140^{\circ} ... 200^{\circ}$ гача қизиган материалларни ташиш учун ишлатилади. Лентада-ги керакли қистирмалар сони қуйидагича аниқланади:

$$i = \frac{\pi S_{\text{кст}}}{B \cdot K_p} \quad (3.48)$$



3.5- расм. Лентадаги сочилувчан юкнинг кўндаланг кесим юзаси:
а— текис; б— новсимон.

Бунда $S_{\text{кел}}$ — лентанинг келувчи тармоғидаги таранглик, Н; n — мустаҳкамлик эҳтиёт коэффиценти (лента кўп тортилиши учун $n=10$ қабул қилинади) K_p — битта қис-тирманинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги, Н/мм². B — лента кенглиги, м;

Социлувчан материаллар учун лентанинг эни талаб қилинаётган иш унумдорлиги ва ташилаётган юк донаси-нинг катталигига қараб, донали материалларда эса юк-нинг ҳажмий ўлчамларига қараб аниқланади.

Лентанинг иш тармоғидаги юкнинг кесими тахминан тенг ёнли учбурчакка ўхшайди (3.5-арасм).

Лента устидаги материалнинг кўндаланг юзаси (3.5-а расм),

$$F = \frac{b \cdot h}{2} \cdot c = \frac{0,8B \cdot 0,4B \cdot \tan \varphi}{2} = 0,16B^2 \cdot c \cdot \tan(0,35 \cdot \varphi), \text{ м}^3 \quad (3.49)$$

бунда c — қия лентада материалнинг тўкилишини ҳисоб-га олувчи коэффицент:

Конвейернинг қиялик бурчаги	C — коэффициентнинг қиймати
$\beta=5^{\circ}+10^{\circ}$	C=1
$\beta=10^{\circ}+15^{\circ}$	C=0,95
$\beta=15^{\circ}+20^{\circ}$	C=0,9
$\beta>20^{\circ}$	C=0,85

Новсимон лентадаги юкнинг кесим юзи трапеция F_2 ва учбурчак F_1 шаклдаги юзаларнинг йиғиндисига тенг бўлади.
 $\alpha=20^{\circ}$ бўлганда юкнинг тўла кесим юзи (3.5 б-расм):

$$F=F_1+F_2=0,16B^2 \cdot c \cdot \operatorname{tg} \varphi + 0,0435B^2 = \\ = B^2 [0,16 \cdot \operatorname{tg}(0,35\varphi) + 0,0435], \text{ м}^3. \quad (3.50)$$

Лентали конвейернинг иш унумдорлиги ифодаси қуйидагича ёзилади:

$$Q=3,6 Fv, \text{ т/соат.}$$

(3.50) ифодадан «F» нинг қийматини иш унумдорлиги ифодасига қўйсақ:

$$Q=0,576B^2 \cdot c \cdot v \operatorname{tg}(0,35j), \text{ т/соат.} \quad (3.51)$$

Бундан лента кенглиги «B» ни танлаймиз:

$$B_n = \sqrt{\frac{Q}{0,576 \cdot c \cdot v \operatorname{tg}(0,35\varphi)}}, \text{ м.} \quad (3.52)$$

Новсимон таянчлар роликлар учун:


$$Q=3,6Fv=B^2 v \cdot [0,576 \cdot c \cdot \operatorname{tg}(0,35\varphi) \operatorname{tg} 160] = \\ = 0,160B^2 v p [3,6 c \operatorname{tg}(0,35\varphi) + 1]. \quad (3.53)$$

$$B_n = \sqrt{\frac{Q}{0,169 \cdot K_1 [3,6 c \operatorname{tg}(0,35\varphi) + 1]}}, \text{ м.} \quad (3.54)$$

Тортувчи занжирлар. Занжирли конвейерларда пластинкали (ДАСТ 588-81); ажралувчи (ДАСТ 589-74); вилкасимон (ДАСТ 12996-79); тортувчи занжирлар ишлатилади.

Стандартларда тортувчи пластинкали занжирларнинг қуйидаги турлари бор (3.6- расм): 1 — втулки; 2 — роликли; 3 — силлиқ юрувчи; 4 — гардишли.

Тортувчи пластинкали занжирларнинг ҳар бир тури тузилиши бўйича қуйидаги кўринишларга эга: 1 —



3.6- раш. Тортучи пластинкалы занжирлар

бирлашган валикли ажралмас занжир (М индексли); 2 — бирлашган валикли ажраладиган занжир (М индексли); 3 — роликли-валикли ажралмас занжир (МС индексли).

Бундай занжирлар учун стандарт бирлашувчи элементлар кўрсатилган:

а) 1,1; 1,2; 1,3-турларнинг полкасида битта, иккита ва учта тешиги бор пластинкалар: 2,1, 2,2, 2,3 — битта, иккита ва учта тешиги бор полкасиэ пластинкалар; 3-узайтирилган валиклар;

б) тешикларнинг марказлараро масофаси бўйича: 0 — тешиксиз ёки битта тешикли; 1 — озроқ; 2 — ўртача; 3 — кўп тешикли;

в) занжир қисмларининг жойлашишига қараб: 1— бир томонлама 2—икки томонлама. Тортувчи пластинкали занжирлар ДАСТ 588-81 бўйича қуйидагича белгиланади:

$\frac{x}{1} - \frac{x}{2} - \frac{x}{3} - \frac{x}{4} - \frac{x}{5} - \frac{x}{6} - \frac{x}{7} - \frac{x}{8}$ ДАСТ 588-81

бу ерда 1—занжир тартиби, 2—занжир турининг сонли ифодаси; 3—занжир қадами, мм: 4—занжир тузилишининг сонли ифодаси; 5—бирлаштирувчи элемент турининг сонли ифодаси; 6—марказлараро масофа бўйича бирлаштирувчи қисм сонининг ифодаси 7—бирлаштирувчи элемент жойлашишининг сонли ифодаси; 8—занжир қадамида бирлаштирувчи қисмларнинг бирин-кетинлиги.

Масалан: узувчи кучи $S_n = 112,0$ кН, 2—турдаги, қадами $t = 100$ мм, 1-тузилишли, 1,1 бирлаштирувчи қисм билан бирлашган, 0-бажарилишли, бир томонлама жойлашган М (1) ва учта қадам орқали кетма-кет жойлашган М тортувчи пластинкали занжир қуйидагича белгиланади:

M112-2-100-1.1-0-1-3 ДАСТ 588-81





Шу занжир, лекин бирлаштирувчи элементсиз:

M112-2-100-1 ДАСТ 588-81

Тортувчи пластинкали занжирнинг асосий ўлчамлари 111.2.1; 111.2.2-иловада келтирилган.

Тортувчан ажралувчан занжирлар икки турга бўлинади: (3.7-расм): P_1 — айланувчи валикли ва P_2 — маҳкамланган валикли.

Тортувчи ажралувчи занжирларнинг шартли белгиси унинг номи (занжир), тури, қадами, мм, узувчи кучи (Н) ва стандартни белгилашдан иборат. Масалан P1-тур-



3.7- расм. Ажралувчи тортувчи занжирлар

даги, 80 мм қатламли ва $106 \cdot 10^3$ Н узувчи кучли тортувчи ажралувчан занжир куйидагича белгиланади: занжир P1-80- $106 \cdot 10^3$ ДАСТ 589-74. Ажралувчан тортувчи занжирларнинг асосий ўлчамлари III.2.3-иловада келтирилган. Вилкасимон тортувчи занжирлар уч хил тайёрланади: (3.8-расм) P1 — ажралувчи, симли шплинтли маҳкамланган бармоқли; P2 — осон ажралувчи штифт-шпонкали маҳкамланган бармоқли; P3 — ажралувчи, симли штифтли маҳкамланган бармоқли, реверсли.

Бу занжирлар қаттиқлиги жиҳатидан икки туркумга бўлинади: *H* — нормал қаттиқликдаги; *B* — ўрта қаттиқликдаги.

Вилкасимон тортувчи занжирлар учун ДАСТ 12996-79 бўйича куйидаги тезликлар тавсия этилган:

$$0,16; 0,2; 0,315; 0,4 \text{ м/с.}$$

Вилкасимон тортувчи занжирларни шартли белгилашда уларнинг номи (занжир), тури, қадами (мм), қаттиқлик туркуми ва стандарти белгиланади. Масалан: P2 турли, 160 мм қадами, юқори қаттиқликдаги занжир куйидагича белгиланади:

Занжир P2-160 В ДАСТ 12996-79.

Вилкасимон тортувчи занжирларнинг асосий ўлчамлари III.2.6-иловада келтирилган.

Занжирнинг энг катта статик таранглиги:

$$S_{\max} = 1,05(S_{\min} + P). \quad (3.55)$$

Бунда $S_{\min}$ — занжирнинг энг кичик таранглиги ($1000-3000$ Н).

P — етакчи юлдузчанинг тортиш кучи:

$$P = S_{\text{кел}} - S_{\text{кет}} + W_{\text{юл}},$$

$W_{\text{юл}}$ — етакловчи юлдузчадаги қаршилик.


Занжирдаги динамик куч:

$$S_{\text{дин}} = \frac{6\pi^2 m V^2}{z^2 t}, \quad (3.56)$$

бунда $m_{\text{кел}}$ — конвейернинг келтирилган массаси, кг; *c* — келтирилган масса коэффиценти; *z* — етакловчи юлдузчадаги тишлар сони; *t* — занжирнинг қадами, м.

Битта занжирдаги ҳисобий таранглик:

$$S_{\text{хмс}} = 0,6(S_{\text{кел}} + S_{\text{дин}}). \quad (3.57)$$



3.8- расм. Вилкасимон тортувчи занжирлар: 1—ички звено; 2—ташқи звено; 3—валик

Занжирнинг узувчи кучи:

$$S_{yz} \geq k \cdot S_{\text{тж}}, \quad (3.58)$$

бунда K — занжирнинг мустаҳкамлик эҳтиёт коэффиценти; горизонтал конвейерлар учун: $K=6 \div 8$ қия участкали конвейерлар учун: $K=8 \div 10$.

IV 606. ЮК ТАШИШ МАШИНАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

4.1. Лентали конвейерни ҳисоблаш

Берилган. Иш унумдорлиги $Q=280$ т/соат, конвейернинг умумий узунлиги 215 м ($l_1=145$ м, $l_2=30$ м, $l_3=40$ м), ташилаётган материал — сараланган майда донали кўмир; материалнинг зичлиги $\gamma=900$ кг/м³; конвейернинг қиялик бурчаги 12° . (4.1-расм).

Асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш. Новсимон таянчли роликлар учун лентанинг эни (4.54-ифодадан)

$$B_n = \sqrt{0,16\gamma\theta[3,6c \cdot \lg(0,35\varphi+1)]} \cdot \text{м},$$


бунда θ — лента ёки юкнинг тезлиги. Унинг қиймати 4.1-жадвалдан олинади; $\theta=2,0$ м/с қабул қилинади; c — қия лентада материалнинг тўкилишини ҳисобга олувчи коэффицент. Жадвалдан $\beta=12^\circ$ да $c=0,95$ олинади.

φ — кўмирнинг табиий оғиш бурчаги: $\varphi=40^\circ$.

У ҳолда лента эни:

$$B_n = \sqrt{0,169 \cdot 900 \cdot 2,0 [3,6 \cdot 0,95 \cdot \lg(0,35 \cdot 35^\circ + 1)]} = 0,72 \text{ м}$$

ДАСТ 20-76 бўйича $B_n=800$ мм деб қабул қиламиз.



4.1-расм. Лентали конвейернинг ҳисобий схемаси

Ташлабдиган материалларнинг тафсилоти

Материал	Материалнинг зичлиги, кг/м ³	Табий қиялик бурчаги, град		Тинч ҳолатда ишқаланиш коэффициенти	
		тинч ҳолатда	ҳаракатда	Пўлат бўйича	Резина бўйича
Майда, қуруқ антрацит	800...950	45	27	0,84	0,61
Шлак	600...1000	50	35	0,4—1,19	0,46—0,66
Бугдой	600...830	25	22	0,58	0,56
Темир рудаси, майда ва ўрта бўлакли	2100...3500	50	30	1,2	—
Кокс	400...500	50	35	1,0	—
Тупроқ	1200...1700	45	30	0,8	—
Цемент	1000...1500	40	30	0,8+0,65	0,64
Тошқўмир	650...800	35—40		1,0	0,66
Қум	1400...1600	45	30	0,32+0,7	0,46
Лой (тупроқ)	1200...1500	50	40	0,75+-1,0	—
Чақиқ тош	1500...1800	45	35	0,44	0,6
Шағал	1500...1900			0,8	—
Қуруқ ёғоч қипиғи	200...300	40		0,8	0,65

4.1-жадвалнинг давоми

Материал	Материалнинг зичлиги, кг/м ³	Табий қиялик бурчаги, град		Тинч ҳолатда ишқаланиш коэффициенти	
		тинч ҳолатда	ҳаракатда	Пўлат бўйича	Резина бўйича
Торф	300...500	45	32	0,6	—
Арпа	400...500	35	28	0,58	0,5
Бугдой уни	450...600	55	50	0,65	0,85
Гипс (порошокли)	1200...1400	40	40	0,78	0,82
Донали (оддий) тошқўмир	650...900	45	30	0,46+0,8	0,6
Кулранг тошқўмир	600...780	50	35	0,84	—
Майда донали, сараланган (ёнғоқдай) тошқўмир	800...1000	40	35	0,42+0,6	0,55
Оҳақ (кукунсимон), сўндирилган	320...810	50	30	15+25	0,3
Қуруқ қора-қуя	600...900	50	40	0,6+0,85	—
Қуймачилик қолипида ишлаб чиқилган тупроқ	1250...1300	45	30	0,71	0,61

Лентанинг тасвир этидадиган тезлиги, м/с

Ташилаётган юк тури	лента эни, мм							
	400-500	650	800	1000	1200	1400	1600-1800	2000-3000
Чангсимон ва порошоксимон қуруқ чанг чиқадиган	1,0	1,0	1,0	1,25	1,25	1,6	1,6	2,0
Мўрт булакли, майдаланиш, унинг сифатини камайтиради	1,25	1,6	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0
Донли, порошоксимон, шунингдек очиқ ҳавзалардаги бўшатилган жинслар (қўмир, темир рудаси ва ҳоказо)	1,6	2,6	3,15	4,0	4,0	4,0	5,0	5,0
булакли:								
а 80 мм	1,6	2,0	2,5	3,15	4,0	4,0	5,0	5,0
а 160 мм	1,6	1,6	2,0	2,5	2,5	3,15	4,0	4,0
а 161-350 мм	—	—	1,6	1,6	2,0	2,5	3,15	3,15
а 500 мм	—	—	—	—	2,0	2,0	2,5	3,15
Дон	1,6	2,5	3,15	4,0	—	—	—	—
Мевалар, сабзавотлар	0,8	0,8	1,0	1,0	—	—	—	—

1 м² конвейер лентасининг массаси, (кг)

Лента тури	Ташқи қатлами қалинлиги, мм	Қистирмалар сони							
		3	4	5	6	7	8	9	10
БКНЛ-65	3,0	7,3	8,2	9,1	10,0	10,9	11,8	—	—
БКНЛ-65-2	1,0								
БКНЛ-100	3,0/1,0	7,0	9,0	10,1	11,2	12,3	13,4	—	—
	4,5/2,0	10,8	11,9	13,0	14,1	15,2	16,3	—	—
БКНЛ-150	3,0/1,0	8,5	10,8	11,1	12,4	13,7	15,0	—	—
	4,5/2,0	11,4	12,7	14,0	15,4	16,6	17,9	—	—
ТА-100	4,5/2,0	11,2	12,3	13,5	14,7	15,9	17,1	—	—
ТК-100	6,0/2,0	12,8	14,0	15,2	16,4	17,6	18,8	—	—
ТА-300	4,5/2,0	12,0	13,5	15,0	16,5	18,0	19,5	—	—
ТК-300	6,0/2,0	13,7	15,2	16,7	18,2	19,7	21,2	—	—
ТА-400	4,5/2,0	12,3	13,9	15,5	17,1	18,7	20,3	—	—
ТК-400	6,0/2,0	1,4	15,0	17,2	18,8	20,4	22,0	—	—
ТЛК-200	—	—	—	—	—	—	—	—	—
К-10-2-3 т	4,5/2,0	11,7	13,1	14,5	15,6	17,3	18,7	—	—
А-10-2-3 т	6,0/2,0	13,4	14,8	16,2	17,6	19,0	20,4	—	—
ТК-200									
ТК-150									
ТЛК-300	4,5/2,0	12,2	14,3	16,0	17,7	19,4	21,1	—	—
	6,0/2,0	14,3	16,0	17,7	19,4	21,1	22,8	—	—

Лентанинг хусусиати

Мус- таҳ- камлик чегара- си, Н/мм ²	Резина газламали ленталарнинг газламаси (ДАСТ 20-76)			Резина арқонли лента	Қистирма қалинлиги, мм			Лента- нинг кенгли- ги, мм	Қистир- малар сони	Эластик- лик модули, МПа	Етак- ловчи бара- бан мини- мал диам, мм
	аралаш иплардан иборат	поли- амид иплардан иборат	поли- эфир иплар- дан иборат		Резина қатлами	резина қатламсиз					
					синте- тик толалар- дан иборат	аралаш иплардан иборат					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
65	БНКЛ-65					1,4	1,15	100—2000	3—8	300	
100	БНКЛ-100	ТА-100 ТК-100			1,2	1,6	1,3	100—3000	3—6	750	
150	БНКЛ-150	ТА-150 ТК-150			1,3	1,9	1,6	650	3,8		
200		ТК-200-2 ТА-300 ТК-300 А-10-2-3Т М-300/100	ТЛК-200 ТЛК-300		1,4 1,9			3000 800—1000	3—8 3—8		

давоми жадвал 4.4

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
400		ТА-400 ТК-400 ТК-400 МК-400 /120 120	МЛК-400 120		2,0			100—3000	3—10		
1500				РТЛ-1500							630
2500				РТЛ-2500							1000
3150				РТЛ-3150							1250
5000				РТЛ-5000							1600

Таянчли роликлар айланувчи қисмларининг массаси, кг

Лента эни, мм	Таянч роликлар					
	новли		текис			
	нормал бажарилишли		оғир бажарилишли		ролик диамет- ри, мм	массаси, кг
	ролик диамет- ри, мм	массаси, кг	ролик диамет- ри, мм	массаси, кг		
500	102	10,0	—	—	102	6,0
650	102	12,5	—	—	102	10,5
800	89	8,5	—	—	89	7,7
800	127	22,0	159	31,8	127	19,0
1000	127	25,0	159	39,8	127	21,5
1200	127	29,5	159	57,0	127	26,5
1400	159	49,8	194	78,3	159	41,9
1600	159	54,9	194	84,9	159	46,7
1800	159	62,0	194	—	159	50,0
2000	194	98,1	194	106,8	159	50,0

Сочиловчан юклар ташилаётган конвейернинг ўрта қисми ишчи тармоқлар остидаги таянч роликлар орасидаги масофа, мм.

Лента эни, мм	Сочиловчан юклар ҳажми, оғирлиги бўйича таянч роликлар остидаги масофа						
	0,5	0,5—0,8	0,81—1,2	1,2—1,6	1,6—2,0	2,1—2,5	2,5 дан юқори
400	1,5	1,5	1,5	1,4	1,4	1,3	1,2
500	1,5	1,5	1,4	1,4	1,4	1,3	1,2
650	1,5	1,4	1,3	1,3	1,3	1,2	1,2
800	1,5	1,4	1,3	1,3	1,3	1,2	1,1
1000	1,3	1,3	1,3	1,3	1,2	1,1	1,1
1200	1,3	1,3	1,2	1,2	1,2	1,1	1,1
1400	1,2	1,3	1,2	1,2	1,2	1,1	1,1
1600	1,3	1,3	1,2	1,2	1,2	1,1	1,1
2000	1,3	1,3	1,2	1,2	1,0	1,0	1,0

Таянч этиладиган роликлар сони


Ленталар эни, В, мм	Тармоқдаги таянчлар	
	юкли	юксиз
300, 400, 500, 650	2 ва 3	1
650	3	1
800, 1000, 1200, 1400, 1600	3	1 ёки 2
2000, 2200, 2400, 2600, 2800, 3000	3 ва 5	1 ёки 2

4.5-жадвалдан текис ва новсимон таянч роликларнинг диаметрлари $D=129$ мм; 4.9-жадвалдан таянч роликлар ўқи $d=20$ ва 304 тартибли подшипникларни қабул қиламиз. Таянч роликларнинг геометрик ўлчамлари 4.2-расмда курсатилган.

Текис ва новсимон таянч роликларининг диаметрини тавлаш

Ролик диаметри, мм	Лентанинг эни, мм	Ташлаётган юкнинг ҳажмий оғирлиги, т/м ³ , ундан ортмаслиги керак	Лентанинг катта тезлиги м/с
63,89	400÷650	1,6	2,0
-	400÷800	1,6	1,6
102:108	400÷650	2,0	2,5
	800÷1200	1,6	2,5
127:133	800÷1200	2,0	2,5
152:159	800÷1200	3,15	4,0
	1400	3,15	4,0
194, 219, 245	1600÷2000		6,3

4.4-жадвалдан ҳисобланган $B=800$ мм лента учун қистирмалар сони — 3, мустаҳкамлик чегараси 65 Н/мм бўлган БКНЛ-65 резина газламали лентани қабул қиламиз. Танлаб олинган лента куйидагича белгиланади: лента -2-800-3-БКНЛ-65-3-1-5 ДаСТ 20-76. Лента массасидан ёйилган куч 4.3-жадвалдан газламаси БКНЛ-65 турдаги лента учун $q_4=7,3$ кг/м олинади.



4.2- расм. Резиналанган ил газламали ленталар учун таянчли роликлар:
 а) уч роликли новсимон; б) якка устки текис роликли;
 в) якка пастки текис роликли

Юк массасидан ёйилган куч:

$$q_{\text{юк}} = \frac{Q}{3,6V} = \frac{280}{3,6 \cdot 2,0} = 38,89 \text{ кг/м.}$$

Юкли тармоқлар учун ёйилган куч:

$$q_1 = \frac{G_1}{\gamma_1} = \frac{22}{1,4} = 15,71 \text{ кг/м.}$$

Юксиз тармоқлар учун ёйилган куч:

$$q_2 = \frac{G_2}{\gamma_2} = \frac{19}{2,9} = 6,78$$

Бунда G_1 ва G_2 новли ва текис таянч роликлар массалари. Уларнинг қийматлари 4.5-жадвалдан $G_1=22$ кг/м ва $G_2=19,0$ кг/м олинади.

l_1 ва l_2 - юкли ва юксиз тармоқлардаги таянч роликлар орасидаги масофа, м. l_1 нинг қиймати 4.6-жадвалдан $l_1=1,4$ м олинади: юксиз тармоқлар учун $l_2=2$; $l_2=2 \times 1,4=2,8$ м бўлади.

4.9-жадвал

Ролик диаметри бўйича ролик ўқи ва подшипник ташлаш

	Ролик диаметри, мм						
	89	108	127	133	159	194	194
Ролик ўқи, мм	17	17		20	25	30	40
Подшипниклар- нинг тартиб сони	503	503		304	7305	7306	7308

Тортувчи воситанинг таранглик кучини ҳисоблаш. Биринчи нуқтанинг таранглиги; бунда: $S_{\text{кет}}$ — лента кетувчи тармоғининг таранглиги:

$$S_2 = S_1 + W_{1-2} = S_1 + 20,71 \text{ Н},$$

бунда W_{1-2} — юксиз 1 ва 2 нуқталар орасидаги тармоқнинг қаршилик кучи:

$$W_{1-2} = (q_n + q_2) l_{1-2} \omega g = (7,3 + 6,78) 6 \cdot 0,025 \cdot 9,81 = 20,71 \text{ Н},$$

ω — ҳаракат қаршиликлари коэффиценти. Унинг қиймати 5.11-жадвалдан ўрта ишлаб чиқариш шароитида ишлайдиган конвейерлар учун $\omega=0,025$ деб қабул қиламиз:

$$S_3 = S_2 + W_{\text{врт}}, \text{ Н},$$

бунда $W_{\text{врт}}$ — йўналтирувчи барабандан ўтаётган лентанинг букилиш қаршилиги. Унинг қиймати $S_{\text{кел}}$ — лентанинг барабанга келувчи тармоғи таранглигига боғлиқ, шунинг учун 3-нуқтанинг таранглик кучи қуйидагича ёзилади:

$$S_3 = S_2 \cdot a = (S_1 + 20,71) \cdot 1,04 = 1,04 S_1 + 21,54, \text{ Н},$$

бунда a — йўналтирувчи барабаннинг ишқаланиши ҳисобига кучни йўқотишни ҳисобга олувчи коэффицент. Унинг қиймати $a=1,04+1,1$. Кўрилатган тармоқ учун $a=1,04$ деб олинади:

$$S_4 = S_3 \cdot a = (1,04 S_1 + 21,54) 1,06 = 1,1 S_1 + 22,83 \text{ Н},$$

бунда $a=1,06$ деб олинади, чунки лента 180° га букиляпти:

$$S_5 = S_4 \cdot a = (1,1 \cdot S_1 + 22,83) 1,04 = 1,14 S_1 + 23,74, \text{ Н},$$

бунда $a=1,04$, чунки лента 90° га букиляпти:

$$S_6 = S_5 + W_{5-6} = 1,14 S_1 + 23,74 + 476,53 = 1,14 S_1 + 500,3 \text{ Н},$$

бунда W_{5-6} — юксиз 5 ва 6 нуқталар орасидаги тармоқнинг қаршилик кучи, Н.

$$W_{5-6} = (q_1 + q_2) l_{5-6} \omega g = (7,3 + 6,78) 138 \cdot 0,025 \cdot 9,81 = 476,53 \text{ Н}.$$

$$S_7 = S_6 \cdot a = 1,005(1,14 S_1 + 500,3) = 1,14 S_1 + 502,8 \text{ Н},$$

бунда

$$a = W^{\omega} = 2,71^{0,025 \cdot 0,2} = 1,005; \quad \beta = 12^\circ = 0,2 \text{ рад},$$

$$S_8 = S_7 + W_{7-8} = 1,15 S_1 + 502,8 - 343,08 = 1,15 S_1 + 159,7 \text{ Н},$$

бунда W_{7-8} — юксиз 7 ва 8 нуқталар орасидаги тармоқ қаршилиги, Н.

$$W_{7-8} = q_1 \cdot H \cdot g - (q_1 + q_2) l_{7-8} W g =$$

$$= 7,3 \cdot 6,23 \cdot 9,81 - (7,3 + 6,78) \cdot 30 \cdot 0,025 \cdot 9,81 = 392,55 \text{ Н},$$

$$S_9 = S_8 \cdot a = (1,14 S_1 + 159,7) \cdot 1,005 = 1,15 S_1 + 160,5 \text{ Н},$$

$$S_{10} = S_9 + W_{9-10} = 1,15 S_1 + 160,5 + 138,12 = 1,15 S_1 + 298,6 \text{ Н},$$

бунда W_{9-10} — юксиз 9 ва 10 нуқталар орасидаги тармоқ қаршилиги, Н.

$$W_{9-10} = (q_1 + q_2) l_{9-10} \omega g = (7,3 + 6,78) 40 \cdot 0,025 \cdot 9,81 = 138,12 \text{ Н},$$

$$S_{11} = S_{10} + W_{10} = S_{10} \cdot a = (1,15 S_1 + 298,6) 1,06 = 1,2 S_1 + 316,5 \text{ Н}.$$

$$S_{12} = S_{11} + W_{\text{юк}} = 1,2 S_1 + 316,5 + 2136 = 1,2 S_1 + 2452,5 \text{ Н},$$

бунда $W_{\text{юк}}$ — юкланишдаги қаршилик кучи, Н:

$$W_{\text{юк}} = \frac{Q \cdot q}{3,6} (v_2 - v_1) \epsilon = \frac{280 \cdot 9,81 \cdot 2 \cdot 0,14}{3,6} = 2136,4 \text{ Н},$$

v_1 — юкнинг лентага тушишигача бўлган тезлиги $v_0=0$ бўлади, v_2 — лентанинг тезлиги.

$\epsilon=1,3 \div 1,5$ юкнинг йўналтирувчи ва тушириш тешиги деворига ишқаланишни ҳисобга олувчи коэффициент:

$$S_{13} = S_{12} + W_{12-13} = 1,2 S_1 + 2452,5 + 607,14 = 1,2 S_1 + 3054,64 \text{ Н},$$

бунда W_{12-13} — юкли 12 ва 13 нуқталар орасидаги тармоқ қаршилиги, Н:

$$\begin{aligned} W_{12-13} &= (q_{\text{я}} + q_1 + q_{\text{юк}}) l_{12-13} \omega \cdot g = \\ &= (7,3 + 15,7 + 38,89) 40 \cdot 0,025 \cdot 9,81 = 607,14 \text{ Н}, \\ S_{14} &= S_{13} \cdot a = (1,2 S_1 + 3054,64) 1,005 = 1,2 S_1 + 3070 \text{ Н}. \\ S_{15} &= S_{14} + W_{14-15} = 1,2 S_1 + 307 + 3278,39 = 1,2 S_1 + 6353,32 \text{ Н}. \end{aligned}$$

бунда W_{14-15} — 14 ва 15 нуқталар орасидаги тармоқ қаршилиги, Н.

$$\begin{aligned} W_{14-15} &= (q_{\text{я}} + q_1 + q_{\text{юк}}) l_{14-15} \omega \cdot g + (q_{\text{я}} + q_{\text{юк}}) n g = \\ &= (7,3 + 15,71 + 38,89) 30 \cdot 0,025 \cdot 9,81 + (7,3 + 38,89) 6,23 \cdot 9,81 = \\ &= 3278,39 \text{ Н}. \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} S_{16} &= 15 + W_{\text{вум}} = S_{15} \cdot a = (1,2 S_1 + 6344) 1,005 = 1,2 S_1 + 6375,08 \text{ Н} \\ S_{17} &= S_{\text{кел}} = S_{16} + W_{16-17} = (1,2 S_1 + 6375,08) + 2200,88 = \\ &= 1,1 S_1 + 8576,32 \text{ Н}, \end{aligned}$$

бунда

$$\begin{aligned} W_{16-17} &= (q_{\text{я}} + q_1 + q_{\text{юк}}) l_{16-17} \omega \cdot g = \\ &= (7,3 + 15,71 + 38,89) 145 \cdot 0,025 \cdot 9,81 = 2201,24 \text{ Н}. \end{aligned}$$

Фрикцион узатмалар назариясига кўра кетувчи тармоқ таранглик кучи: $S_1 = S_{\text{кет}}$

$$S_{\text{кет}} = S_1 = S_{\text{кел}} \cdot K_y / e^{\mu \alpha}$$

бунда $K_y = 1,15$ — илашиш эҳтиёт коэффициенти, μ — лентани барабанга ишқаланиш коэффициенти (ўрта ишлаб чиқариш ва қуруқ атмосфера шароитида); $\mu = 0,40$ тенг бўлади. $\alpha = 200^\circ$ барабаннинг лента билан қамралиш бурчаги.

Унда $S, e^{\mu \alpha} = S_{\text{кел}} \cdot K_y \cdot 4 S_1 = (1,2 S_1 + 8576,6) 1,15 = 1,38 \cdot S_1 + 9863,09$, бу ерда:

$$S_1 = \frac{9863,09}{2,78} = 3547,8 \text{ Н}.$$

Лентанинг тегишли нуқталаридаги таранглик кучларининг сон қийматларини аниқлаймиз:

$$S_2 = S_1 + 20,71 = 3547,8 + 20,71 = 3568,5 \text{ Н}.$$

$$\begin{aligned}
S_3 &= 1,04S_1 + 21,54 = 3711 \text{ Н.} \\
S_4 &= 1,1S_1 + 22,83 = 3925,41 \text{ Н.} \\
S_5 &= 1,14S_1 + 23,74 = 4068 \text{ Н.} \\
S_6 &= 1,14S_1 + 500,3 = 4544,8 \text{ Н.} \\
S_7 &= 1,14S_1 + 502,8 = 4547,3 \text{ Н.} \\
S_8 &= 1,14S_1 + 159,7 = 4239,67 \text{ Н.} \\
S_9 &= 1,14S_1 + 160,5 = 4240,5 \text{ Н.} \\
S_{10} &= 1,14S_1 + 298,6 = 4378,57 \text{ Н.} \\
S_{11} &= 1,2S_1 + 316,5 = 4573,86 \text{ Н.} \\
S_{12} &= 1,2S_1 + 2452,5 = 6709,86 \text{ Н.} \\
S_{13} &= 1,2S_1 + 3054,74 = 7312,1 \text{ Н.} \\
S_{14} &= 1,2S_1 + 3070 = 7327,36 \text{ Н.} \\
S_{15} &= 1,2S_1 + 6344 = 10601,36 \text{ Н.} \\
S_{16} &= 1,2S_1 + 6375,7 = 10633,1 \text{ Н.} \\
S_{17} &= S_{\text{кел}} = 1,2S_1 + 8576,6 = 12834 \text{ Н.}
\end{aligned}$$

Энг катта таранглик кучи бўйича лентадаги қабул қилинган қистирмалар сонини текшириб кураимиз:

$$i = \frac{\Pi \cdot S_{\text{кел}}}{B \cdot 650} = \frac{10 \cdot 12834}{800 \cdot 65,0} = 2,47 < 3,$$

бунда Π — мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти (лента куп тортилиши учун $\Pi=10$ қабул қилинади).

Кр — битта қистирманинг лента кенглиги бўйича мустаҳкамлиги, БКНЛ—65 турли лента учун $K_p=650 \text{ Н/мм}^2$ деб қабул қилинади.

Электр мотор қувватини аниқлаш (4.3-расм). Етакчи барабандаги тортиш кучи:

$$P = S_{\text{кел}} - S_{\text{кет}} = 12834 - 3547,8 = 9286,2 \text{ Н.}$$


Электр мотор қуввати:

$$N_{\text{мот}} = \frac{K_n \cdot P \cdot v}{1000 \cdot \eta_m} = \frac{1,2 \cdot 9286,2}{1000 \cdot 0,85} = 26,4 \text{ кВт.}$$

η_m — механизмнинг ФИК. K_n — қувват бўйича эҳтиёт коэффициенти ва ҳисобга олинмаган сарфлар. Унинг қиймати $K=1,1 \div 1,2$. III.5.1-иловадан қуввати $N_{\text{мот}}=30,0 \text{ кВт}$, $\Pi_{\text{мот}}=980 \text{ мин}^{-1}$:

$$J_p = 0,45 \text{ кг.м}^2; \quad \frac{M_{\text{юр}}}{M_n} = 1,2; \quad \frac{M_{\text{мин}}}{M_{\text{ном}}} = 1,0; \quad \frac{M_{\text{мах}}}{M_n} = 2,0,$$

4А200 6У3 турдаги мотор танлаймиз.



4.3- расм. Лентали конвейернинг юритмачи:
1—барабан, 2—редуктор, 3—электрмотор, 4—рама


Ҳаракатланувчи барабаннинг диаметри D_6 қиёстирмалар сони i га қараб аниқланади:

$$D_6 = K_1 K_2 i,$$

бунда K_1 — лента таркибини ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қиймати 4.10-жадвалдан $K_1 = 1,4$ деб ола-миз.

K_2 — лентадаги куч ва қамраш бурчагини ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қийматини 4.11-жадвалдан $K_2 = 100$ деб олинади. ДаСТ 44644-70 бўйича барабаннинг эни: 250, 320, 400, 500, 630, 800, 1000, 1250 ва 1600 мм гача бўлади. Ушбу ДаСТ бўйича $D_6 = 500$ мм деб қабул қилинади (4.4-расм). Четки ва тарангловчи барабанлар учун:

$$D = 0,8 \cdot D_6 = 0,8 \cdot 500 = 400 \text{ мм.}$$



4.4-расм. Пайванд усулида тайёрланган барабан

ДаСТ 44644-70 бўйича $D=400$ мм барабан қабул қилинади. Барабанлар узунлиги:

$$L_6 = B + a_6 = 800 + 150 = 950 \text{ мм.}$$

$a_6=150$ —5.12 -жадвалдан олинади. Юритмали барабан валидаги ҳисобий буровчи момент:

$$M_{\text{ср}} = K_3 \cdot P \cdot \frac{D_6}{2} = 1,15 \cdot 9286,2 \cdot \frac{0,556}{2} = 2939,44 \text{ Нм},$$

бунда $K_3 = 1,15$ — илашиш эҳтиёт коэффициенти:

$$D'_6 = D_6 + 2\Delta\Phi = 500 + 2 \cdot 28 = 556 \text{ мм},$$

$\Delta\Phi = 28$ мм резинали қоплама қалинлиги.

4.10-жадвал

K_1 коэффициенти қийматлари

Газламали қистирма тури	Б 82, БКНЛ-65 ТВ-80	ТА-100 БКНЛ-100 ЛХ-120	ТАК-20	ТА-150	ТК-200	ТК-400
коэффициенти	1,25	1,4	1,6	1,4	2,0	2,5

4.11-жадвал

K_2 коэффициенти қийматлари

Барабан ва лента орасидаги қамраш бурчаги, град	Барабан лентасидаги куч $S_{\text{нм}}$ дан % ҳисобида				
	100	75	50	25	12
1	2	3	4	5	6
180 дан 240 гача	100	80	63	50	40
70 дан 110 гача	—	63	50	40	32
15 дан 30 гача	63	50	40	32	25
15 дан кичик	60	40	32	25	16

4.12-жадвал

ω коэффициенти қиймати

Конвейернинг иш шароити	Таянчли роликлар учун ω коэффициенти	
	текис	Новсимон
Яхши	0,018	0,020
Ўрта	0,022	0,025
Оғир	0,035	0,040
Ўта оғир	0,04	0,06

a_1 қиймати

Лента эни, мм	≤ 650	800÷1000	1200÷2000
a_1	100	150	200

Юритмали барабан сиртидаги солиштира босим:

$$P_1 = \frac{360 \cdot S_{\text{ср}}}{\pi D_6^2 B} = \frac{360 \cdot 12834}{200 \cdot 3,14 \cdot 556 \cdot 800} =$$

$$= 0,017 \text{ Н/мм}^2 < [P_p] = 0,2 \div 0,3 \text{ Н/мм}^2$$

Юритмали барабаннынг айланишлар сони:

$$n_6 = \frac{60 \cdot v}{\pi D_6^2} = \frac{60 \cdot 2,0}{3,14 \cdot 0,556} = 69,48 \text{ мин}^{-1}$$

Юритманинг узатишлар сони:

$$U_p = \frac{n_{\text{мот}}}{n_6} = \frac{980}{69,48} = 14,1.$$

III.6.16-иловадан узатишлар сони $U_p=16$ бўлган икки по-
нонали, Ц2У—160 белгили цилиндрик редукторни қабул
қиламиз. Юритманинг тез айланувчи валидаги тормозла-
ниш моменти:

$$M_T = K_T \frac{P \cdot D_6^2 \eta_m}{2 U_p} = 1,25 \frac{9285,2 \cdot 0,85}{2 \cdot 16} = 308,65 \text{ Нм.}$$

III.7.1-иловадан тормоз моменти $M_T=500$ мм, тормоз
шкивининг диаметри $D=300$ мм бўлган МО—300 Б тур-
даги магнитли ТКТ—300 белгили колодкали тормозни
танлаймиз.

Конвейернинг ўртача юргизиш моменти:

$$M_{\text{ур.юр}} = K_{\text{ур}} \cdot 0,85^2 \cdot 9550 \frac{N_{\text{мот}}}{n_{\text{мот}}} = 1,6 \cdot 0,85^2 \cdot 9550 \frac{30}{980} = 337,95 \text{ Нм.}$$

$K_{\text{ур}}$ — юргизиш давридаги ўртача момент карралиги:

$$K_{\text{ур}} = \frac{1}{2} (M_{\text{юр}} + M_{\text{ном}}) = \frac{1}{2} \left(\frac{M_{\text{юр}}}{M_{\text{ном}}} + \frac{M_{\text{маз}}}{M_{\text{ном}}} \right) = \frac{1}{2} (1,2 + 2,0) = 1,6$$

$K_{\text{юр}}$, $K_{\text{ном}}$ — юргизишдаги энг кичик ва энг катта момент-
лар карралиги.

Қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторлар электр манбаидаги кучланиш номинал қийматлар 85% гача камаяди.

Электр моторга келтирилган статик момент:

$$M_{ст} = \frac{P \cdot D_6}{2 \cdot U_p \cdot \eta_m} = \frac{9286,72 \cdot 0,556}{2 \cdot 160,85} = 190 \text{ Н.м.}$$

Юритма электр мотор валига келтирилган юргизиш пайтидаги керакли момент:

$$M_{юр} = M_{ст} + M_{ин}, \text{ Н.м.,}$$

бунда $M_{ст}$ — юкни ташиш учун керакли статик момент; $M_{ин}$ — инерция кучларининг электр мотор валига келтирилган моменти:

$$M_{ин} = M_{ин.юк} + M_{ин.аял},$$

$M_{ин.юк}$ — илгариланма ҳаракатдаги юк массаси инерция кучининг электр мотор валига келтирилган моменти:

$$M_{ин.юк} = m \frac{\phi}{t_{юр}} \cdot \frac{60 \phi}{2\pi P_6 \cdot \eta_m \cdot U_{ум}} = \frac{9,55 m \phi^2}{t_{юр} \cdot P_{мотор} \cdot \eta_m};$$

m — конвейернинг юкли ва юксиз тармоқларидаги лентанинг ва ташилаётган юкнинг хусусий массаси, кг; $M_{ин.аял}$ — механизмнинг айланувчи деталлари массаси (инерция кучининг электр мотор валига келтирилган момент); $K=0,85 \div 0,95$ — лентанинг эластик узайишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Шундай қилиб, электр моторни керакли тўлиқ юргизиш моменти:

$$M_{юр} = \frac{9,55 P_{мис} \phi}{P_{мотор} \cdot \eta_m} + \frac{\gamma J_{ум} \cdot P_{мотор}}{9,55 \cdot t_{юр}} + \frac{9,55 \phi^2 (q_{юк} + q_d) K L_{ум}}{t_{юр} \cdot P_{мотор} \cdot \eta_m};$$

Охирги ифодадан юргизиш вақти $t_{юр}$ ни аниқлаймиз:

$$t_{юр} = \frac{\gamma J_{ум} \frac{P_{мотор}}{9,55} + \frac{9,55 \phi^2 K L_{ум} (q_{юк} + 2 q_d)}{P_{мотор} \cdot \eta_m}}{\frac{M_{юр.юр}}{t_{юр.юр}} - \frac{M_{ст}}{t_{ст}}} = \frac{1,2 \cdot 0,575 \cdot \frac{100}{9,55} + 9,55 \cdot 2,0^2 \cdot 0,85 (38,8 + 7,3 \cdot 2) 215}{337,95 - 186,2} = 3,4 \text{ с,}$$

бунда $J_{\text{ум}}$ — электр мотор ротори ва муфтанинг инерция моменти:

$$J_{\text{ум}} = J_p + J_m = 0,45 + 0,125 = 0,575 \text{ кг.м}^2,$$

J_m — муфта инерция моментининг қиймати III.10.1-ило-
вадан M_m момент бўйича $J_m = 0,125 \text{ кг.м}^2$ деб олинади.

$$M_{\text{ном}} = 9550 \frac{30}{980} = 293,34 \text{ Н.м.}$$

Одатда конвейерлар электр моторини юргизишга сарф-
ланган вақт 5 секунддан ошмаслиги керак. Лентанинг етак-
ловчи барабанга келувчи нуқтасидаги энг катта динамик
куч:

$$S_{\text{кел.дин}} = W_{\text{дин}} \left(1 - e^{-\frac{C_1 v}{m_{\text{кел}}}} \right), \text{ Н,}$$

бунда C_1 — лентанинг юкли тармоғидаги эластик тўлқин-
нинг тарқалиш тезлиги:

$$C_1 = \sqrt{\frac{E_0}{\rho_1}} = \sqrt{\frac{14,4 \cdot 10^5}{61,89}} = 152,53 \text{ м/с.}$$

E_0 — лентанинг келтирилган эластик модули:

$$E_0 = E \cdot B_i = 600000 \cdot 0,8 \cdot 3 = 144 \cdot 10^4 \text{ Н,}$$

E — лентанинг динамик эластикли модули, Н/мм $E =$
 $= 5 \cdot 10^4 \div 8 \cdot 10^4 \text{ Н/мм}$ — ип газламали лента қистирмалари
эластиклик модули. $E = 2 \cdot 10^5 \div 3 \cdot 10^5 \text{ Н/м}$ — синтетик лен-
та қистирмалари эластиклик модули: ρ_1 — конвейернинг
ҳаракатлантирувчи қисмининг ёйилган зичлиги $\text{кг} \cdot \text{с}^3/\text{м}^2$:

$$\rho_1 = (q_{\text{юк}} + q_{\text{л}} + q_2) = (38,89 + 7,3 + 15,71) = 61,9.$$

$W_{\text{дин}}$ — юргизиш даврида юритмадан лентага бериладиган
динамик айланма куч:

$$W_{\text{дин}} = \frac{(M_{\text{тр.кв}} - M_{\text{ст}}) U_p}{R_0^2} = \frac{(337,95 - 190) \cdot 16}{0,278} = 8515 \text{ Н.}$$

$m_{\text{кел}}$ — юритманинг айланувчи қисмлари массасининг ба-
рабан гардишига келтирилган қиймати:

$$m_{\text{кел}} = \frac{\gamma(J_D + J_M)U_D^2 \eta_M}{R_D^2} = \frac{1,2(0,45+0,125)16^2 \cdot 0,85}{0,278^2} = 1942,76 \text{ Н с}^2/\text{м}.$$

$C_1, \rho, v, m_{\text{кел}}, W_{\text{дин}}$ ларнинг қийматларини эътиборга олиб,
 $S_{\text{кел, дин}}$ нинг қийматини ҳисоблаймиз:

$$S_{\text{кел, дин}} = 8515 \left(1 - 2,71^{-\frac{152,52 \cdot 61,93,5}{1942,76}} \right) = 8514,99 \text{ Н}.$$

Юргизишда лентадаги энг катта куч:

$$S_{\text{max}} = S_{\text{кел}} + S'_{\text{кел, дин}} = (12834 + 8514,99) = 21349 \text{ Н}.$$

Динамик коэффициент:

$$K_s = \frac{S_{\text{max}}}{S_{\text{кел}}} = \frac{21349}{12834} = 1,66.$$

Юргизиш давридаги конвейернинг кетувчи тармогидаги
таранглик кучи:

$$S_{\text{кет}} \geq \frac{S_{\text{max}}}{e^{\frac{1}{\alpha}}} = \frac{21349}{4,0} = 5337 \text{ Н}.$$

Тарангловчи юкнинг оғирлиги:

$$G_T = \frac{S_1 + S_4}{\eta_T} = \frac{3711 + 3925,41}{0,95} = 8038 \text{ Н}.$$

бунда $\eta_T = 0,95$ — тарангловчи қурилманинг ФИК. Ҳисоб-
лаш натижасига кўра $G_T = 8038 \text{ Н}$ бўлган юкли автоматик
таранглаш қурилмасини қабул қиламиз.

Ип газламали лента учун тарангловчи қурилманинг
юриш масофаси:


$$l_T = 0,025L + 0,3 = 0,025 \cdot 215 + 0,3 = 5,67 \text{ м}.$$

Баजारилган ҳисоблар асосида лентали конвейернинг
барча геометрик, кинематик ва динамик кўрсаткичлари
аниқлаб олинади.

Бу кўрсаткичлар бўйича конвейер лойиҳасининг тар-
хи (ишчи чизмалари)ни тайёрлаш мумкин.

4.2. Пластинкали конвейерни ҳисоблаш

Берилган. Иш унумдорлиги $Q=140$ т/соат, конвейернинг умумий узунлиги $l_{\text{ум}}=120$ м; $l_1=45$ м, $l_2=35$ м; $l_3=40$ м; ташилаётган материал — майда бўлакли темир рудаси, унинг зичлиги $\gamma=3000$ кг/м³; қиялик бурчаги $\beta=16^\circ$ (4.5- расм).



4.5- расм. Пластинкали конвейернинг ҳисобий схемаси

Тортувчи восита сифатида олдиндан ДАСТ 588—81 бўйича III.2.1-иловадан занжир қадами $t=315$ мм, узувчи кучи $S_{\text{з}}=315000$ Н бўлган М 315 турдаги ажралувчи пластинкали занжирни танлаб оламиз (М 160—4—315—2 ГОСТ 588—81). Ушбу танлаб олинган пластинкали занжир учун ДАСТ 592—72 бўйича III.2.5-иловадан юлдузчанинг тишлари сонини $z=8$ ва бўлувчи айланаси диаметрини $D_0=826$ мм деб қабул қиламиз.

Пластинкали конвейерларда тўшаманинг ҳаракат тезлиги 1,0 м/с ва айрим ҳолларда $v=1,25$ м/с гача бўлади. Лойиҳаланаётган конвейер учун унинг ҳаракат тезлигини $v=0,4$ м/с қабул қиламиз (4.18-жадвал).

Асосий кўрсаткичларни аниқлаш. Тўшаманинг эни:

$$B_{\text{т}} = \sqrt{\frac{Q}{900\gamma\theta[c \cdot \lg(0,44\varphi) + 4h\varphi]}}, \text{ м},$$

бунда c — қия конвейерларда иш унумдорлигининг камайишини ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қиймати конвейернинг қиялик бурчагига боғлиқ бўлади ва 4.14-жадвалдан $c=0,95$ олинади; φ — тўлдириш коэффициенти, $\theta=0,65\dots 0,85$; h — конвейер ён деворининг баландлиги, унинг қиймати 5.15-жадвалдан $h=160$ мм; φ_1 — ҳара-

катдаги юкнинг табиий оғиш бурчаги $\varphi_1=0,4\varphi$ бу ерда φ — тинч ҳолатдаги юкнинг табиий оғиш бурчаги, $\varphi=30^\circ$. У ҳолда $\varphi_1=0,4\cdot30^\circ$ бўлади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, тўшаманинг эни:

$$B_r = \sqrt{\frac{140}{900 \cdot 3,0 \cdot 0,4(0,90 \lg(0,4 \cdot 30 + 4 \cdot 0,16 \cdot 0,7))}} = 0,780 \text{ м.}$$

ДАСТ 22281—76 бўйича тўшама юриш қисмининг энини $B=600$ мм деб қабул қиламиз. Ёйилган кучларни ҳисоблаймиз. Юк массасидан ёйилган куч:

$$q_{\text{кк}} = \frac{Q}{3,6 \cdot \delta} = \frac{140}{3,6 \cdot 0,4} = 97,22 \text{ кг/м.}$$

Тўшама ва занжирларнинг ўз массаларидан тахминий ёйилган кучи:

$$q_r = 60 \cdot B + A = 60 \cdot 0,8 + 80 = 80 \text{ кг/м,}$$

бунда B — тўшама эни, м.

A — 4.15-жадвалдан олинган коэффициент, $A=80$.

4.14-жадвал

С коэффициентининг қийматлари

Конвейернинг қиялик бурчаги	С коэффициенти, тўшама турига кўра	
	ён деворсиз	ён деворли
10° кам	1,0	1,0
10° дан 20° гача	0,90	0,95
20° дан юқори	0,85	0,90

4.15-жадвал

А нинг қийматлари

Юкнинг zichlik бўйича тақсимоти	Тўшама эни учун А коэффициенти		
	0,4...0,5	0,5...0,8	0,8 юқори
Енгил (донали ва майда донали) юклар учун, $\gamma < 1 \text{ т/м}^3$	40	50	70
Ўрта (ўрта тафсилотли) юклар учун, $\gamma = 1...2 \text{ т/м}^3$	60	70	100
Оғир (кятта донали ва оғир) юклар учун, $\gamma > 2 \text{ т/м}^3$	80	110	150

* Ён деворсиз тўшамалар учун коэффициент A 10...15% га камаяди.

Пластинкали, втулка-катокли занжирлар учун коэффициент ω ning тахминий қийматлари

Конвейернинг ишлаш шаронти	Подшипникли катоклар учун, « ω »	
	Сирпаниб ишқаланиш қаршиликлари учун	думаланиб ишқаланиш қаршиликлари учун
Яхши	0,06....0,88	0,020
Ўрта	0,08....0,10	0,030
Оғир	0,10.....0,13	0,045

Пластинкали конвейерларнинг асосий ўлчамлари (ДАСТ 22281—76)

Тўшаманинг эни*, B , мм	Ён девор баландлиги, h^{**} мм	Занжир қадами, t , мм	Юлдузчанинг тишлар сони
400; 500; 650; 800; 1000; 1200; 1400; 1600.	80; 100; 125; 160; 200; 250; 315; 355; 400; 450; 500.	80; 100; 125; 160; 200; 250; 315; 400; 500; 630; 800	6; 7; 8; 9; 10; 11; 12; 13.

Пластинкали конвейерларда тасвир этиладиган тўшаманинг ҳаракат тезлиги, м/с

Тўшама эни, мм B	Тўшаманинг ҳаракат тезлиги, м/с
400; 500	0,125....0,4
650; 800	0,125....0,5
1000; 1200	0,2.....0,63
1400; 1600	0,25....0,65

Юк тўшама ва занжирларнинг ўз массаларидан ёйилган куч:

$$q_0 = q_{\text{из}} + q_r = 97,22 + 89 = 186,22 \text{ кг/м}$$

Тортувчи занжирнинг таранглик кучини аниқлаш. Ҳисобланаётган пластинкали конвейер занжирининг энг кичик таранглиги 5 ёки 1 нуқталарда бўлиши мумкин. Агар $q_r(l_1 + l_2)\omega < Hq$, бўлса, у ҳолда энг кичик таранглик 5 нуқ-

* ХБВ, КМ ва КГ турдаги конвейерлар учун — ички ўлчам бўйича,

** Ички ўлчам.

тада бўлади, агар $q_7(l_1+l_2)\omega > Hq_7$ бўлса, у ҳолда энг кичик таранглик 1 нуқтада бўлади:

$$q_7(l_1+l_2)\omega g = 80(45+35)0,03 \cdot 9,81 = \\ = 3013,63 \leq Hq_7 \cdot g = 10 \cdot 128 \cdot 9,81 = 12556,8 \text{ Н},$$

бунда ω — ҳаракатнинг қаршилиқ коэффициенти. Унинг қиймати ω — жадвал бўйича конвейернинг ўрта иш шариотида $\omega=0,03$ бўлади. Энг кичик таранглик $S_{\min}=S_5=2000$ Н деб қабул қилинади. (энг кичик таранглик кучи одатда $S_{\min}=1000 \div 3000$ Н олинади):

$$S_6 = S_5 + q_7 l_1 \cdot \omega \cdot g = 2000 + 128 \cdot 45 \cdot 0,03 \cdot 9,81 = 3695,16 \text{ Н}, \\ S_7 = S_6 + W_{\text{кл}},$$

бунда $W_{\text{кл}}$ — йўналтирувчи юлдузчадан ўтаётган занжирнинг букилишига қаршилиги. Ушбу қаршилиқ S_7 тармоқ таранглиги қийматига боғлиқ, шунинг учун 7-нуқтанинг таранглик кучини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$S_7 = S_6 \cdot a = 3695,16 \cdot 1,06 = 3916,86 \text{ Н},$$

бунда a — йўналтирувчи юлдузча ишқаланиши ҳисобига кучни йўқотишни ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қиймати $a = 1,05 \div 1,1$ бўлади:

$$S_8 = S_7 + W_{\text{юкл}} = 3916,86 + 213,64 = 4130,51 \text{ Н},$$

бунда $W_{\text{юкл}}$ — юклаш тармоғидаги қаршилиқ кучи, Н:

$$W_{\text{юкл}} = \frac{Q \cdot q}{3,6} (v_2 - v_1) \epsilon = \frac{140 \cdot 9,81}{3,6} \cdot 0,4 \cdot 1,4 = 213,64 \text{ Н},$$

v_2 — занжирнинг ҳаракат тезлиги, м/с, v_1 — юклаш қурилмаси тешигидан тушаётган юкнинг лентага тушишигача бўлган тезлиги, м/с, $v_1=0$; $\epsilon=1,3-1,5$ — юкнинг йўналтирувчи ва юклаш қурилмаси ички деворида ишқаланиши-ни ҳисобга олувчи коэффициент:

$$S_9 = S_8 + W_{\text{с-9}} = 4130,51 + 2982,7 = 7113,21 \text{ Н},$$

бунда $W_{\text{с-9}}$ — юкли 8—9 нуқталар орасидаги тармоқ қаршилиги:

$$W_{\text{с-9}} = q_9 l_1 \omega g = 2215,22 \cdot 45 \cdot 0,03 \cdot 9,81 = 2982,7 \text{ Н}, \\ S_{10} = S_9 \cdot a = 7682,26 \cdot 1,08 = 7682,26 \text{ Н},$$

бунда $a = e^{\phi} = 2,71^{0,03 \cdot 0,278} = 6,008 = 16^\circ$ — радианда 0,278 га тенг бўлади:

$$S_{11} = S_{10} + W_{10-11} = 7682,26 + 26849,83 = 34562,09 \text{ Н}$$

бунда W_{10-11} — юкли 10 ва 11 нуқталар орасидаги тармоқнинг қаршилиги:

$$\begin{aligned} W_{10-11} &= (q_0 l_2 \omega + q_0 H) g = \\ &= (225,22 \cdot 35 \cdot 0,03 + 225,22 \cdot 10) \cdot 9,81 = 26849,83 \text{ Н.} \end{aligned}$$

$$S_{12} = S_{11} \cdot a = 34532,09 \cdot 1,08 = 37294,65 \text{ Н.}$$

$$S_{13} = S_{12} + W_{12-13} = 37294,65 + 2651,29 = 39945,94 \text{ Н,}$$

бунда W_{12-13} — юкли 12 ва 13 нуқталар орасидаги тармоқ қаршилиги:

$$W_{12-13} = q_0 \cdot l_3 \cdot \omega \cdot g = 225,22 \cdot 40 \cdot 0,03 \cdot 9,81 = 2651,29 \text{ Н.}$$

1 ва 4 нуқталардаги таранглик қуйидаги тартибда аниқланади:

$$S_4 = \frac{S_3}{a} = \frac{2000}{1,04} = 1923,07 \text{ Н,}$$

$$S_3 = S_4 - W_{4-3} = 1923,07 + 13875,26 = 15798,33 \text{ Н,}$$

бунда W_{4-3} — юксиз 4 ва 3 нуқталар орасидаги тармоқ қаршилиги:

$$\begin{aligned} W_{4-3} &= (q_1 \cdot H + q_1 l_2 \cdot \omega) g = (-128 \cdot 10 + 128 \cdot 35 \cdot 0,03) \cdot 9,81 = \\ &= 13875,26 \text{ Н.} \end{aligned}$$

2-нуқтадаги таранглик кучи:

$$S_2 = \frac{S_3}{a} = \frac{15798,33}{1,08} = 14628,08 \text{ Н.}$$


1-нуқтадаги таранглик кучи:

$$\begin{aligned} S_1 = S_{\text{кст}} &= S_2 - W_{2-1} = S_2 (q_1 \cdot l_3 \cdot \omega \cdot g) = \\ &= 146280,08 - (128 \cdot 40 \cdot 0,03 \cdot 0,8) = 13121,27 \text{ Н.} \end{aligned}$$

Электр мотор қувватини аниқлаш. Етакловчи юлдузчанинг тортиш кучи:

$$P = S_{13} - S_1 + W_{\text{кст}} = 39945,94 - 13121,27 + 72,86 = 27546,53 \text{ Н.}$$

бунда $W_{\text{кст}}$ — етакловчи юлдузчадаги қаршилик:



4.6- расм. Юлдузча бўйлаб занжир ҳаракатининг схемаси.

$$W_{\text{кп}} = 0,03(S_{13} - S_1) = 0,03(39945,94 - 13121,27) = 721,86 \text{ Н.}$$

Пластикали конвейерларда тўла тортиш кучи бўйича қувват:

$$N = \frac{P \cdot \theta \cdot K_2}{\eta_m \cdot 1000} = \frac{27546,53 \cdot 0,4 \cdot 1,2}{0,9 \cdot 1000} = 14,69 \text{ кВт,}$$

бунда $\eta = 0,9$ — юритма ФИК, θ — тортувчи восита тезлиги, м/с.

$K = 1,1 - 1,2$ — қувват бўйича эҳтиёт коэффициенти ва ҳисобга олинмаган сарфлар, энг кичик қиймати $N > 50$ кВт бўлган электр моторларда қабул қилинади

III.5.1-иловадан қувват $N = 15$ кВт, $P = 730 \text{ мин}^{-1}$ ($\omega = 76,4 \text{ рад/с}$), $J_p = 0,25 \text{ кг.м}^2$; $\frac{M_{\text{мах}}}{M_{\text{ном}}} = 2,2$; $\frac{M_{\text{юр}}}{M_{\text{ном}}} = 1,2$;

$\frac{M_{\text{мин}}}{M_{\text{ном}}} = 1,0$ бўлган 4A180M8Y3 турдаги электр мотор танлаймиз.

Тортувчи воситани ҳисоблаш. Занжирдаги динамик куч (4.6- расм):

$$S_{\text{дин}} = \frac{6\pi^2 m_{\text{кп}} v^2}{z^2 l} = \frac{6 \cdot 3,14^2 \cdot 21266,4 \cdot 0,4^2}{8^2 \cdot 0,315} = 9984,64 \text{ Н,}$$

бунда $m_{\text{кел}}$ — конвейернинг келтирилган массаси:

$$m_{\text{кел}} = l_{\text{ум}}(q_{\text{юк}} + c q_{\text{т}}) = 120(97,22 + 1,0 \cdot 128) = 27026,4 \text{ кг.}$$

$l_{\text{ум}}$ — конвейернинг узунлиги; $l = 120$ м, c — келтирилган масса коэффициенти; бу коэффициент конвейернинг узунлигига боғлиқ бўлади: $c=2$, $l_{\text{ум}} < 25$; $c=1,5$, $25 \leq l_{\text{ум}} \leq 60$; $c=1,0$, $l_{\text{ум}} > 60$ м.

Битта занжирдаги ҳисобий таранглик:

$$S_{\text{хис}} = 0,6(S_{\text{кел}} + S_{\text{дин}}) = 0,6(39945,94 + 9984,64) = 29958,34 \text{ Н.}$$

Занжирнинг узувчи кучи:

$$S_{\text{з}} \geq k \cdot S_{\text{хис}} = 8 \cdot 29958,34 = 239666,78 < 315 \cdot 10^3 \text{ Н,}$$

бунда K — занжирнинг мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти; горизонтал конвейерлар учун: $K=6 \div 8$; қия тармоқли конвейерлар учун: $K=8 \div 10$.

Шундай қилиб, занжирдаги мустаҳкамлик шарти бажарилди. Демак, қабул қилиб олинган М 315 турдаги пластинкали занжир тўғри танланган.


Конвейер юритмасининг узатишлар сонини аниқлаш (4.7- расм). Юлдузчанинг айланишлар сони:

$$n_{\text{юл}} = \frac{60 \cdot \theta}{z \cdot t} = \frac{60 \cdot 0,4}{8 \cdot 0,315} = 9,52 \text{ мин}^{-1}.$$

Юритмали қурилманинг умумий узатишлар сони:

$$U_{\text{ум}} = \frac{n_{\text{мот}}}{n_{\text{юл}}} = \frac{730}{9,52} = 76,68.$$

III.6.10-иловадан узатишлар сони $U_p = 73$ бўлган КЦ2—500 турдаги редукторни қабул қиламиз.



4.7- расм. Конвейер юритмасининг кинематик схемаси

Занжирнинг ҳақиқий ҳаракат тезлиги:

$$v_x = \frac{\pi D_{\text{вал}} \cdot n_{\text{вал}}}{60} = \frac{3,14 \cdot 0,823 \cdot 9,52}{60} = 0,41 \text{ м/с},$$

ҳақиқий ҳаракат тезлиги қабул қилиб олинган тезликдан $\pm 10\%$ фарқланиши мумкин.

Тормоз моментини аниқлаш: Етакловчи юлдузча валидаги тормозловчи момент:

$$M_r = K_r \cdot q_{\text{юк}} \cdot l_{\text{ym}} g \frac{D_{\text{вал}}}{2} = 1,25 \cdot 97,22 \cdot 120 \cdot 9,81 \frac{0,823}{2} = 58868,87 \text{ Нм}.$$

Тез айланувчи валдаги келтирилган тормоз momenti:

$$M_r = \frac{M'_r \cdot \eta_m}{U_p} = \frac{58868,87 \cdot 0,9}{73} = 725,78 \text{ Нм}.$$

III.7.1-жадвалдан тормоз momenti 800 Н.м.; шкив диаметри 300 мм бўлган ТГФ—300 белгили гидротурткичли колсодкали тормозни қабул қиламиз.

Электр моторнинг нобарқарор ҳаракат давридаги кўрсаткичларини аниқлаш. Конвейернинг уртача юргизиш momenti:

$$M_{\text{ур.юр}} = 0,85^2 K_{\text{ур}} M_m = 0,85^2 \cdot 1,6 \cdot 9550 \frac{15}{730} = 226,84 \text{ Нм}.$$

Электр мотор валига келтирилган статик момент:

$$M_{\text{ст}} = \frac{P \cdot D_{\text{вал}}}{2 U_p \cdot \eta_m} = \frac{27546,53 \cdot 0,823}{2 \cdot 73 \cdot 0,89} = 173,53 \text{ Нм}.$$

Электр моторни юргизиш вақти:

$$t_{\text{юр}} = \frac{1}{M_{\text{ур.юр}} - M_{\text{ст}}} \left(\frac{\gamma_{\text{эм}} \Pi_{\text{мот}}}{9,55} + \frac{K}{38,2 U_p^2 \eta_m} \right) =$$

$$= \frac{1}{226,84 - 173,53} \left(\frac{1,2 \cdot 0,375 \cdot 730}{9,55} + \frac{13930857}{38,2 \cdot 73^2 \cdot 0,9} \right) = 2,74 \text{ с},$$

бунда

$$K = K_v [(q_{\text{юк}} + 2q_r) L + K_c m_{\text{мх}}] D_{\text{вал}}^2 \cdot \Pi_{\text{мот}} =$$

$$= 0,85 [(97,22 + 2 \cdot 128) \cdot 120 + 0,6 \cdot 200] \cdot 0,823^2 \cdot 730 = 21007087.$$

$J_{\text{ум}}$ — электр мотор ротори ва муфтанинг инерция моментлари йигиндиси:

$$J_{\text{ум}} = J_p + J_m = 0,25 + 0,125 = 0,375 \text{ кг.м}^2,$$

J_m — муфта инерция моментининг қиймати III.9.1-иловадан номинал момент $M_n = 9550 \frac{P}{n} = 196,23 \text{ Нм}$ бўйича

$J_m = 0,125 \text{ кг.м}$ деб олинади.

Тарангловчи мосламани ҳисоблаш. Тарангловчи мосламадаги тарангловчи куч:

$$S_{\text{тар}} = K_{\text{тар}}(S_{\text{кет}} + S_{\text{кет}}) = 0,9(39945,94 + 13121,27) = 47760,49 \text{ Н.}$$

$K_{\text{тар}} = 0,5 \div 0,9 = \nu$ тезликка нисбатан юлдузча тезлигининг камайишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Тарангловчи юлдузчанинг юриш масофаси тортувчи восита қадамига боғлиқ ҳолда 5.19-жадвал ёрдамида аниқланади.

4.19-жадвал

Пластинкали конвейерларда тарангловчи қурilmанинг таъсир этуваридаги юриш ўлчамлари, мм.

Занжир қадами, мм	Тарангловчи мосламанинг юриш масофаси
100; 125	300
200; 250	320
320; 400	500
500; 630	800


4.3. Қирғичли конвейерни ҳисоблаш

Берилган. Иш унумдорлиги $Q=90 \text{ т/соат}$, ташиш узунлиги $L=80 \text{ м}$, қиялик бурчаги $\beta=10^\circ$, ташилаётган материал — тошқўмир; материалнинг зичлиги $\gamma=800 \text{ кг/м}^3$, юк бўлагининг энг катта ўлчамлари — $a_{\text{max}}=150 \text{ мм}$ (4.8-расм).

Қирғичли конвейернинг иш унумдорлиги:

$$Q = 3,6 \cdot F \cdot \nu \cdot \gamma, \text{ т/соат,}$$

бунда ν — занжирнинг ҳаракат тезлиги. Қирғичли конвейерларда $\nu=0,16 \div 1,0 \text{ м/с}$ бўлади. Лойиҳаланаётган конвейер учун $\nu=0,4 \text{ м/с}$ деб қабул қиламиз.



4.8- расм. Қирғичли конвейернинг ҳисобий схемаси

F — новдаги юкнинг ўртача кесим юзи, м^2 .

$$F = B h_n \psi K_B = R h^2 c, \text{ м}^3,$$

B — новнинг эни; h_n — нов баландлиги;

ψ — тўлдириш коэффициенти, сочилувчан материаллар учун $\psi=0,5\div0,6$; донали материаллар учун $\psi=0,7\div0,8$; K_B — конвейернинг қиялик бурчагини ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қиймати 4.20-жадвалдан олинади.

R — нов энининг баландлигига нисбати $R = \frac{H}{h} = 2,4\div4$,


юқоридаги аниқлашларни ҳисобга олган ҳолда қирғичли конвейернинг умумий иш унумдорлиги:

$$Q = 3,6 \cdot h_n^2 R \psi K_B \cdot v \cdot \gamma, \text{ т/соат}$$


ушбу ифодадан новнинг ишчи баландлиги (4.9-расм):

$$h_n = \sqrt{\frac{Q}{3,6 \cdot R \cdot \psi \cdot K_B \cdot \gamma}} = \sqrt{\frac{90}{3,6 \cdot 3,5 \cdot 0,4 \cdot 800 \cdot 1,0 \cdot 0,7}} = 0,178 \text{ м.}$$


Қирғичнинг конструктив баландлиги h , нов баландлигидан $20\div50$ мм катта олинади; $h = 178 - 20 = 198$ мм; 5.20-жадвалдан қирғич баландлиги $h_k = 200$ мм; Қирғич эни $B_k = 500$ мм; қирғич қадами $t_k = 640$ мм; қирғич тури — тўғри бурчакли (яшикли); занжир қадами $t_z = 315$ мм; занжирлар сони 2; ҳажмий иш унумдорлиги $V = 125$ $\text{м}^3/\text{соат}$ ва юк бўлагининг энг катта ўлчамлари 150 мм



а)



б)



в)



г)



д)

4.9- расм. Қирғичли конвейернинг қирғичи ва новининг шакли:
а) трапециясимон; б) тўғри бурчакли; в) кесилган бурчакли; г) айлана
дискли қирғичлар учун

деб қабул қилинади. Ушбу конвейернинг иш унумдорлиги:

$$Q = V\gamma = 125 \cdot 0,8 = 100 \text{ т/соат.}$$

Бу иш унумдорлик кераклигидан катта. Новнинг ҳақиқий эни:

$$B_n = (5 \div 15)2 + B_n^* = 10 \cdot 2 + 500 = 520 \text{ мм,}$$

бунда B_n^* — жадвалдан олинган новнинг эни. $(5 \div 15) \cdot 2$ — нов билан қисқич орасидаги икки томонлама олинган оралиқ ўлчами. Нов эни B_n ва қисқич қадами t_k қуйидагича текширилади:

$$B_n \geq K_c Q_{\max} = 2 \cdot 150 = 300 \text{ мм,}$$

$$t_k \geq 1,5 \cdot Q_{\max} = 1,5 \cdot 150 = 225 \text{ мм,}$$

бунда K_c — коэффициент қуйидагига тенг олинади: K_c — 3...4 икки занжирли конвейерлар ва сараланган юklar учун; $K_c=5...7$ — якка занжирли конвейер ва сараланган юklar учун; $K_c=2...2,5$ — якка занжирли конвейердаги оддий юklar учун; $K_c=3...3,5$ — якка занжирли конвейердаги оддий юklar учун.

Юк массасидан ёйилган куч:

$$q_{\text{юк}} = \frac{Q}{3,6v} = \frac{100}{36 \cdot 0,4} = 69,44 \text{ кг/м.}$$

1 м узунликдаги қирғич ва занжирлар массасидан ёйилган куч:

$$q_3 = K q_{\text{юк}} = 0,7 \cdot 69,44 = 48,61 \text{ кг/м,}$$

бунда K — коэффициент, бир занжирли конвейерлар учун $K=0,5 \div 0,6$; икки занжирли конвейерлар учун $K=0,6 \div 0,8$. Лойиҳаланаётган конвейер учун $K=0,7$ деб қабул қиламиз.

Тортувчи орган сифатида олдиндан ДАСТ 598—91 бўйича — иловадан занжир қадами $t_k=315$ мм, узувчи кучи 315000 Н бўлган 4-турдаги икки катокли М 315 тортувчи занжирни (катоклари гардишли) танлаб оламиз (М 315-4-315-2ДАСТ 588-81). Ушбу танланган пластинкали занжир учун ДАСТ 592-72 бўйича III.2.5-иловадан юлдузча

тишлар сонини $z=8$ ва бўлувчи айланаси диаметрини $D_1=835,12$ мм деб қабул қиламиз.

Тортувчи занжирнинг таранглик кучини аниқлаш. Қирғичли конвейерларда занжирнинг энг кичик таранглиги $S_{\min}=3000\div 10000$ Н олинади.

Лойиҳаланаётган конвейер учун $S_{\min}=S_1=3000$ Н қабул қилинади.

Иккинчи нуқтадаги таранглик:

$$\begin{aligned} S_2 &= S_1 + (q_3 \cdot k \cos \beta) g \omega_3 - (q_3 \cdot l \sin \beta) g = \\ &= 3000(48,61 \cdot 80 \cdot \cos 10^\circ) 9,81 \cdot 0,4 - (48,61 \cdot 80 \cdot \sin 10^\circ) 9,81 = \\ &= 3000 + 8405,01 = 11405,01 \text{ Н.} \end{aligned}$$

Бунда: ω_3 — занжирнинг ҳаракатдаги қаршилиқ қилишини ҳисобга олувчи коэффиценти; сирпанувчи подшипникларда ҳаракатланувчи катокли занжирлар учун $\omega_3=0,1\div 0,13$; катоксиз занжирлар учун $\omega_3=0,25\div 0,5$;

Ўз навбатида

$$S_3 = S_2 + W_{\text{юл}},$$

бунда $W_{\text{юл}}$ — йўналтирувчи юлдузчадан ўтаётган занжирнинг букилишга қаршилиги. Ушбу қаршилиқ $S_{\text{юл}}$ тармоқ қийматига боғлиқ, шунинг учун 3-нуқтанинг таранглик кучини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$S_3 = S_2 \cdot a = 11403,29 \cdot 1,06 = 12089,31 \text{ Н,}$$

бунда $a=1,05\div 1,1$ — йўналтирувчи юлдузча ишқаланиши эвазига кучни камайтиришини ҳисобга олувчи коэффицент. 4-нуқтадаги таранглик кучи:

$$\begin{aligned} S_4 &= S_3 + (q_3 \cdot k \cos \beta) g \omega_3 + (q_{\text{юк}} \cdot k \cos \beta) g \omega_{\text{юк}} + \\ &+ (q_3 + q_{\text{юк}}) g l \sin \beta = 12089,31 + (48,61 \cdot 80 \cdot \cos 10^\circ) 9,81 \cdot 0,6 + \\ &+ (69,44 \cdot 80 \cdot \cos 10^\circ) \cdot 9,81 \cdot 0,12 + (48,61 + 69,44) 9,81 \cdot 80 \cdot \sin 10^\circ = \\ &= 57154,33 \text{ Н,} \end{aligned}$$

бунда $\omega_{\text{юк}}$ — юкнинг нов бўйича ҳаракатига қаршилиқ коэффиценти. Умумий ҳолда $\omega_{\text{юк}}=1,1 f$, бунда f — юкнинг нов бўйича ишқаланиш коэффиценти; тошкўмир учун $f=0,55$, унда $\omega_{\text{юк}}=1,1 \cdot 0,55=0,6$. Етакловчи юлдузчанинг тортиш кучи:

$$P = S_4 - S_2 + W_{\text{юл}} = 57154,33 - 3000 + 3249,26 = 57403,59 \text{ Н,}$$

бунда $W_{\text{юл}}$ — этакловчи юлдузчадаги қаршилиқ:

$$W_{\text{юл}} = (1,05 \div 1,1)(S_4 - S_1) = \\ = 0,06(57154,73 - 3000) = 3249,43 \text{ н.}$$

Қирғичли конвейерда тўла тортиш кучи бўйича қувват:

$$N = \frac{P \cdot v \cdot K_{\text{яук}}}{1000 \cdot \eta_{\text{м}}} = \frac{57406,46 \cdot 0,4 \cdot 1,1}{1000 \cdot 0,9} = 28,06 \text{ кВт.}$$

III.5.1-иловадан қуввати: $N_{\text{мол}} = 30,0 \text{ кВт}$; $\Pi = 980 \text{ мин}^{-1}$;
 $\omega = 102,5 \text{ р/с}$; $\frac{M_{\text{юр}}}{M_{\text{ном}}} = 1,2$; $J_p = 0,45 \text{ кг.м}$; $\frac{M_{\text{мин}}}{M_{\text{ном}}} = 1,0$; $\frac{M_{\text{мак}}}{M_{\text{ном}}} = 2,0$

бўлган ЧА200L8У3 турдаги электр моторни танлай-
 миз.

4.20-жадвал

K_2 коэффициент қийматлари

Ташилайётган юкнинг хоссалари	коэффициент, K_2					
	0°	10°	20°	30°	35°	40°
Енгил сочилувчан	1,0	0,85	0,65	0,5	—	—
Оғир сочилувчан	1,0	1,0	0,65	0,75	0,6	0,5

ТОРТУВЧИ КРАННИ ҲИСОБЛАШ

Занжирли конвейерларнинг ҳаракатдаги қисмларининг келтирилган массаси:

$$m = K(q_{\text{юк}} + c \cdot q_3) = 80(69,44 + 1,2 \cdot 48,61) = 10221,8 \text{ Н,}$$

бунда l — конвейернинг узунлиги, c — келтирилган масса коэффициентини; Ушбу коэффициент конвейернинг узунлигига боғлиқ бўлади: $c=2$, $l \leq 25 \text{ м}$; $c=1,2$, $60 \leq l \leq 2$; $c=1,0$, $l > 60 \text{ м}$. Ҳисобланаётган конвейер учун $c=1,0$.

Занжирдаги умумий динамик куч:

$$S_{\text{дин}} = 3m \cdot a_{\text{мах}} = 3 \cdot 10221,8 \cdot 0,150 = 4599,79 \text{ Н,}$$

бунда $a_{\max}$ — занжирнинг энг катта тезланиши:

$$a_{\max} = 2\pi^2 \frac{v^2}{z^2 \cdot t_3} = \frac{0,4^2}{8^2 \cdot 0,315} = 2 \cdot 3,14^2 = 0,15 \text{ м/с}^2.$$

Битта занжирдаги ҳисобий таранглик:

$$S_{\text{жс}} = 0,6(S_{\text{кел}} + S_{\text{длн}}) = 0,6(57154,33 + 4599,79) = 37052,47 \text{ Н}.$$

Занжирнинг узувчи кучи:

$$S_{\text{ж}} \geq K \cdot S_{\text{жс}} = 8 \cdot 37052,47 = 296419,78 < 315000 \text{ Н}.$$

бу ифодадаги K — занжирнинг мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти: горизонтал конвейерлар учун $K=6 \div 8$; қия тармоқли конвейерлар учун $K=8 \div 10$. Шундай қилиб, занжирдаги мустаҳкамлик шарти бажарилди, демак, қабул қилинган М 315 турдаги пластинкали занжир тўғри танланган.

Қирғичли конвейер юритмасининг узатишлар сонини аниқлаш. Юлдузчанинг айланишлар сони:

$$n_{\text{жл}} = \frac{60 \cdot v}{\pi D_0} = \frac{60 \cdot v}{z \cdot t_3} = \frac{60 \cdot 0,4}{8 \cdot 0,315} = 9,52 \text{ мин}^{-1},$$

бунда $D_0=0,823$ мм — бўлувчи айлананинг диаметри. Курилма юритмасининг умумий узатишлар сони:

$$U_{\text{жл}} = \frac{n_{\text{жл}}}{n_{\text{жл}}} = \frac{980}{9,52} = 102,94.$$

III.6.1-иловадан узатишлар сони $U_p=118$ бўлган уч погонали КЦ2-500 белгили редукторни танлаймиз.

Занжирнинг амалий тезлиги:

$$v_3' = \frac{\pi D_0 \cdot n_{\text{жл}}}{60} = \frac{z \cdot t_3 \cdot n_{\text{жл}}}{60} = \frac{80 \cdot 0,315 \cdot 9,52}{60} = 0,399 \text{ м/с}$$

Тормозловчи моментни ҳисоблаш. Етакловчи юлдузча валидаги тормозловчи momenti:

$$M_r' = K_r q_{\text{жк}} l_g \frac{D_0}{2} = 1,25 \cdot 69,44 \cdot 80 \cdot 9,81 \frac{0,823}{2} = 28031,64 \text{ Нм},$$

бунда $K_r=1,25$ тўхтатиш эҳтиёт коэффициенти.

Редукторнинг тез айланувчи валига келтирилган тормозловчи момент:

$$M_{\tau} = \frac{M'_{\tau} \cdot \eta_{\mu}}{U_p} = \frac{28031,64 \cdot 0,85}{80} = 201,92 \text{ Н.м.}$$

Ушбу тормозловчи момент бўйича III.7.1-иловадан $M_{\tau}=240$ Н.м.; $D=300$ мм бўлган ТКТ—300/200 турдаги колодкали тормозни қабул қиламиз.

Қирғичли конвейерни юргизиш вақтини аниқлаш. Ўртача юргизиш momenti:

$$M_{\text{юр.юр}} = 0,85^2 \cdot K_{\text{юр}} \cdot M_{\tau} = 0,85^2 \cdot 1,5 \cdot 9550 \frac{30}{980} = 315,73 \text{ Н.м.}$$

Электр мотор валига келтирилган статик момент:

$$N_{\text{ст}} = \frac{P \cdot D_0}{2 U_p \eta_{\mu}} = \frac{57403,59 \cdot 0,823}{2 \cdot 118 \cdot 0,85} = 235,51 \text{ Н.м.}$$

Юргизиш вақти:

$$\begin{aligned} t_{\text{юр}} &= \frac{1}{(M_{\text{юр.юр}} - M_{\text{ст}})} \left[\frac{\gamma J_{\text{ум}} \cdot \Pi_{\text{мот}}}{9,55} + \frac{K}{38,2 \cdot U_p^2 \cdot \eta_{\mu}} \right] = \\ &= \frac{1}{373,73 - 315,73} \left[\frac{1,2 \cdot 0,575 \cdot 980}{9,55} + \frac{7583501,73}{38,2 \cdot 118^2 \cdot 0,9} \right] = 1,08 \text{ с,} \end{aligned}$$

бунда:

$$\begin{aligned} K &= K_{\nu} [(q_{\text{юк}} + 2q_3) l + K_{\epsilon} \cdot M_{\text{юл}}] D_{\text{юл}}^2 \cdot \Pi_{\text{мот}} = \\ &= 0,85 [(69,44 + 2 \cdot 48,61) 80 + 0,6 \cdot 180] \cdot 735 \cdot 0,835^2 = \\ &= 7583501,73. \end{aligned}$$

$J_p=0,45$ кг.м² — электр мотор роторининг инерция моменти; J_{μ} — муфтанинг инерция моменти. Унинг қиймати шкив диаметри $D_{\mu}=200$ мм бўлган эластик втулка-бармоқли муфта учун III.10.1-иловадан $J_{\mu}=0,125$ кг.м² ни оламиз, $K_{\nu}=0,85 \div 0,95$ — тортувчи органнинг эгилувчанлигини ҳисобга олувчи коэффициент, $K_{\epsilon}=0,5 \div 0,9$ — тезликка нисбатан юлдузча тезлиги камайишини ҳисобга олувчи коэффициент, $m_{\text{юл}}$ — конвейердаги айланувчи юлдузчалар массаси (қиймати тахминан олинган).

Яхлит нормалланган, қирғичли баланд конвейерларнинг асосий кўрсаткичлари

Қирғич ўлчамлари, мм		Қирғич қадами мм	Қирғич тури	Занжир бўлаги- нинг қада- ми, мм	Зан- жир- лар сони	Иш унум- дор- лиги*, м³/с	Юк бўлагининг энг катта ўлчамлари, мм	
эни	баланд						оддий	сара- ланган
200	100	320	Консолли	160	1	30	50	30
250	125	320	—	160	1	50	60	40
320	160	500	—	250	1	60	80	50
400	200	500	Консолли ва симмет- рикли	250	2	100	180	200
500	200	640	Яшикли	315	2	125	220	155
650	250	640	—	315	2	200	300	200
800	250	640	—	315	2	250	300	220
1000	320	800	—	400	2	400	350	300
1200	400	800	—	400	2	630	400	350


* Тезлиги 0,5 м/с бўлган юк горизонтал текисликда ташилганда

4.4. Юк ташувчи осма конвейерни ҳисоблаш

Берилган. Битта юкнинг массаси $m_{\text{юк}} = 35$ кг, ўлчамла-
ри: $350 \times 200 \times 180$ мм, иш унумдорлиги $Q = 1800$ дона/с;
тармоқларининг узунлиги ва баландлиги: $l_1 = 2,5$; $l_2 = 5,5$ м;
 $l_3 = 6,0$ м; $l_4 = 6$ м; $l_5 = 6$ м; $H = 3$ м; $l_6 = 10$ м; $l_7 = 22$ м; $l_{13} = 9$ м;
 $l_{10} = 10$ м; $l_{14} = 6$ м; $l_{15} = 8$ м (4.10-расм). Юкни юклаш ва
тушириш автоматик равишда бажарилади.

Тортувчи орган сифатида олдиндан III.2.3-иловадан
занжир қадами $t = 100$ мм; $P = 16$ та, занжирнинг ёйил-
ган массаси $q_3 = 3,8$ кг/м бўлган P2—100—160 ДАСТ 589—74
белгили ажралувчи занжирни танлаймиз. Танланган зан-
жир учун III.2.4-иловадан тишлар сони $z = 13$ ва бўлувчи
айланма диаметрини $D_3 = 831$ мм деб қабул қиламиз.

Конвейернинг букилган (вертикал) тармоғининг қия-
лик бурчаги:



Конвейердаги энг катта юк берилган ўлчамлари $l_{\text{max}} = 350$ мм бўлади. Юкларо энг кичик масофа $\Delta = 100$ мм деб қабул қилинади (одатда, $\Delta = 100 \div 150$ мм бўлади).

$$T_{\min} = \frac{1}{\cos 27^\circ} (l_{\max} + \Delta) = \frac{1}{\cos 27^\circ} (350 + 100) = 505,61 \text{ мм.}$$

Османинг қадамини занжир қадамига боғланган ҳолда тан-
лаш тавсия этилади:

$$t_0 = 2t_2, 4t_0, 6t_0, 8t_0, 10t_0.$$

Унда осма ёки аравача қадами:

$$t_0 = 6 \cdot t = 6 \cdot 100 = 600 > 505,61 \text{ мм}$$

Берилган иш унумдорлигини таъминлаш учун занжир-
нинг ҳаракат тезлиги:


$$v = \frac{Q \cdot t_0}{3600 \cdot z} = \frac{1800 \cdot 0,6}{3600 \cdot 1} = 0,3 \text{ м/с},$$

бунда $z = 1$ осмадаги юк сони.

1 м узунликда бўш тармоқнинг ёйилган массаси:

$$q_{\text{бўш}} = \frac{G_0}{t_0} + \frac{G_{\text{ар}}}{t_{\text{ар}}} + q_r = \frac{7,5}{0,6} + \frac{7,5}{0,6} + 3,8 = 28,3 \text{ кг/м},$$

q_r — 1 м узунликдаги занжирнинг массаси. Унинг қийма-
ти III.2.3-иловадан $q_r = 3,8$ кг/м қабул қилинади, G_0 —
османинг ўз массаси. Унинг қиймати $G_0 = 7,5$ кг олинади,
 t_0 — османинг қадами, $G_{\text{ар}}$ — аравачанинг ўз массаси,
(4.11-расм). Унинг қиймати III.11.1-иловадан $G_{\text{ар}} = 7,5$ деб
қабул қилинади, $t_{\text{ар}}$ — аравача қадами.



4.11- расм. Осма конвейер аравачаси:

1—осма йўл; 2—каток; 3—тортувчи занжир; 4—кронштейн; 5—ўқ;
6—подшипник

1 м узунликдаги юкли тармоқнинг ёйилган массаси:

$$q_{\text{юк}} = q_{\text{буш}} + \frac{G_{\text{юк}}}{l_0} = 28,3 + \frac{35}{0,6} = 86,63 \text{ кг/м.}$$

Занжирнинг энг кичик $S_{\text{мин}}$ таранглиги 17 нуқтада бўлади. Унинг қиймати 500....1000 Н олинади. $S_{\text{мин}} = S_{17} = 650 \text{ Н}$. Унда биринчи нуқтанинг таранглиги:

$$S_1 = S_{17} + \omega' q_{\text{буш}} l_{15} q = 650 + 0,027 \cdot 8 \cdot 28,3 \cdot 9,81 = 709,9 \text{ Н.}$$

бунда ω' — тўғри чизиқли тармоқ қаршилик коэффициенти. Унинг қиймати оғир шаронзда ишлайдиган конвейерлар учун 4.22-жадвалдан $\omega' = 0,027$ олинади:

4.22-жадвал

Осма конвейерлар учун қаршилик коэффициентларининг қийматлари
Союзпром-механизация конструкцияси бўйича аравачанинг ҳисобий
юкларининг 2500+8000 Н.

Конвейер- нинг ишлаш шаронти	Қаршилик коэффициенти, ω'									
	Тўғри чизиқли участкада ω'	думалаш подшип- никларга ўрнатилган бурувчи юлдузчалар ва блокларда, ω_1			роликли батарейаларда, ω_2			вертикал буклланган эгрилиги, ω_3		
		буриш бурчаги,								
			90	180	30 гача	45	60	25 гача	35	45
Яхши	0,015	1,025	1,030	1,020	0,025	1,030	0,010	1,015	1,022	
Урта	0,020	1,033	1,040	1,025	1,032	1,037	1,012	1,020	1,030	
Оғир	0,027	1,045	1,055	1,030	1,040	1,045	1,018	1,025	1,035	

$$S_2 = \omega_6 \cdot S_1 = 1,055 \cdot 709,9 = 749,14 \text{ Н,}$$

$$S_3 = S_2 + q_{\text{буш}} \omega' l_8 g = 750,14 + 28,3 \cdot 0,027 \cdot 2,5 \cdot 9,81 = 767,74 \text{ Н.}$$

$$S_4 = S_3 \omega_6 = 767,74 \cdot 1,045 = 802,28 \text{ Н.}$$

$$S_5 = S_4 + \omega' q_{\text{буш}} g l_2 = 802,28 + 0,027 \cdot 28,3 \cdot 9,81 \cdot 5,5 = 843,50 \text{ Н.}$$

$$S_6 = S_5 + \omega' q_{\text{юк}} l_3 g = 843,45 + 0,027 \cdot 86,63 \cdot 6,0 \cdot 9,81 = 981,17 \text{ Н.}$$

$$S_7 = S_6 \omega_6 = 981,17 \cdot 1,045 = 1025,52 \text{ Н.}$$

$$S_8 = S_7 + \omega' q_{\text{юк}} g l_6 = 1028,55 + 0,027 \cdot 86,63 \cdot 9,81 \cdot 6,0 = 1162,99 \text{ Н.}$$

$$S_9 = \omega_{\text{кр}} (\omega_p \cdot S_8 + \omega' q_{\text{юк}} \cdot l_6 \cdot g + q_{\text{юк}} Hg) = 1,025(1162,99 \cdot 1,025 + 0,027 \cdot 86,63 \cdot 9,81 + 86,63 \cdot 9,81 \cdot 3) = 3858,63 \text{ Н.}$$

$$S_{10} = S_9 + q_{\text{юк}} \cdot g \cdot l_7 = 3858,63 + 86,63 \cdot 9,81 \cdot 10 \cdot 0,027 = 4088,08 \text{ Н.}$$

$$S_{11} = S_{10} \cdot \omega_6 = 4272,05 \text{ Н.}$$

$$S_{12} = S_{11} + \omega' q_{\text{юк}} \cdot g \cdot l_9 = 4292 + 0,027 \cdot 87,13 \cdot 9,81 \cdot 22 = 4799,73 \text{ Н.}$$

$$S_{16} = \frac{1}{\omega_6} \left(\frac{1}{\omega_6} S_{17} - \omega' q_{\text{бум}} \cdot g \cdot l_{11} + q_{\text{бум}} \cdot g \cdot n \right) =$$

$$= \left(\frac{1}{1,025} \cdot 650 - 0,027 \cdot 28,3 \cdot 9,81 \cdot 6 + 28,3 \cdot 9,81 \cdot 3 \right) = 1379,34 \text{ Н.}$$

$$S_{15} = S_{16} - \omega' q_{\text{бум}} \cdot l_{13} \cdot g = 1379,36 - 0,027 \cdot 28,3 \cdot 9,81 \cdot 9 = 1311,88 \text{ Н.}$$

$$S_{14} = \frac{1}{\omega_6} \cdot S_{15} = \frac{1}{1,045} \cdot 1311,88 = 1255,38 \text{ Н.}$$

$$S_{13} = S_{14} - \omega' q_{\text{бум}} \cdot l_{11} \cdot g = 1255,38 - 0,027 \cdot 28,3 \cdot 9,81 \cdot 10 = 1180,43 \text{ Н.}$$

Аравачадаги тўла куч тахминан куйидагига тенг:

$$R_{\text{тах}} \approx P_{\text{юкл}} + S_{\text{тах}} \frac{l_0}{R} = 509,9 + 4776,86 \frac{600}{3150} = 1419,61 \text{ Н,}$$

бунда $P_{\text{юкл}}$ — аравачадаги юкланиш, юкли тармоқда:

$$P_{\text{юкл}} = q_{\text{юкл}} \cdot t_0 \cdot 9,81 = 86,63 \cdot 0,6 \cdot 9,81 = 509,9 \text{ Н.}$$

юксиз тармоқда $P_{\text{юкс}} = q_{\text{бум}} \cdot t_0 \cdot g = 28,2 + 0,6 \cdot 9,81 = 165,98$, $S_{\text{тах}}$ — вертикал текислик бўйича букилган юкли тармоқдаги энг катта таранглик:

$$S_{\text{тах}} = S_2 = 4776,86 \text{ Н.}$$

R — вертикал текислик бўйича букилган тармоқнинг энг кичик эгрилик радиуси. Унинг қиймати 5.2- жадвалдан 75% ли занжирнинг букилган таранглиги учун $R=3,15$ м. Шундай қилиб, аравачанинг мустаҳкамлик шарти бажарилди:

$$S_{\text{хис}} = 5000 \text{ Н} > P_{\text{тах}} = 1419,61 \text{ Н.}$$

Аравача подшипникларидаги эквивалент юкланишни аниқлаш учун конвейернинг ўлчамларини ҳисоблаймиз.

Конвейернинг умумий узунлиги:

$$\begin{aligned} L &= L_1 + L_2 + L_3 + L_5 + L_6 \cos 26^\circ 36' + L_8 + L_9 + L_{10} + L_{13} + L_{14} + L_{15} = \\ &= 25 + 5,5 + 6,0 + 6,0 + 6,0 \cos 26^\circ 36' + 10 + 22 + 10 + \\ &\quad + 9 + 6 / \cos 27^\circ + 8 = 92,48 \text{ м.} \end{aligned}$$

Букилиш узунлиги:

$$L_6 = 0,0175 \cdot \beta_6 \cdot R = 0,0175 \cdot 26^\circ 56' \cdot 3,15 = 1,48 \text{ м.}$$

Қавариқлиги пастда бўлган вертикал текислик бўйича букилган жойда ҳаракатланувчи ишчи аравадаги юкланишлар йиғиндиси:

$$S_A^B = P_{\text{юк}} \cdot \cos \frac{\beta}{2} + \frac{S_B \cdot l_K}{R} = 509,9 \cos \frac{26^\circ 56'}{2} + \frac{1162,99 \cdot 0,6}{3,15} = 448,4 \text{ Н.}$$

4.23-жадвал

Тавсия этиладиган вертикал текислик бўйича букилиш радиуси, R

Занжир тури	Занжир қадами, мм	Букилганда занжир таранглиги, (рухсат этилгандан)								
		50 гача			75			100		
		Аравача қадами l_{AP} га тенг								
		4	6	8	4	6	8	4	6	8
ДАСТ 589-74 бўйича	80	1,6	2,0	2,5	2,0	2,5	3,15	1,5	3,15	4,0
	100	2,5	3,15	3,15	2,5	3,15	4,0	3,15	4,0	5,0
	160	4,0	5,0	6,3	5,0	5,0	6,5	5,0	6,3	8,0
Махсус	80	1,2	1,6	2,0	1,6	2,0	2,5	2,0	2,5	3,15
	100	1,6	2,0	2,5	2,0	2,5	3,15	2,5	3,15	4,0
	160	2,5	3,15	4,0	3,15	4,0	5,0	4,0	5,0	6,3

Қабарикда эгри, вертикал, букилган тармоқда жойлашган аравадаги юкланишлар йиғиндиси:

$$S_B = S_{\text{юк}} \cdot \cos \frac{\beta}{2} + \frac{S_B^B \cdot l_{AP}}{R_B} = 509,9 \cos \frac{26^\circ 56'}{2} + \frac{3858,63 \cdot 0,6}{3,15} = 961,87 \text{ Н.}$$

бунда

$$S_B^B = S_B = 3858,63 \text{ Н, } R_B = R = 3,15 \text{ м.}$$

Вертикал текислик бўйича букилган қия тармоқдаги жойлашган ишчи аравача юкланиши:

$$S_{AP} = S_{\text{юк}} \cdot \cos \beta_6 = 509,9 \cdot \cos 26^\circ 56' = 453,81 \text{ Н.}$$

Қия тармоқ узунлиги:

$$L_{\text{юм}} = L_6 (\cos \beta_6 - 2 \cdot L_6 = 6) 0,89 - 2 \cdot 1,48 = 3,78 \text{ м.}$$

Битта юкланган вертикал букилишдаги ($n=1$) аравача под-шипниклардаги эквивалент юкланиш:

$$S_{\text{экв}} = \sqrt[3]{\frac{1}{L} \left[S_{\text{юкл}}^{3,33} - L_{\text{т}}^{\text{юкл}} + S_{\text{юкс}} \cdot L_{\text{т}}^{\text{юкл}} + \Sigma L_{\text{в}} (S_{\text{а}}^{3,33} + S_{\text{в}}^{3,33}) + \Sigma S_{\text{а}}^{3,33} L_{\text{а}} \right]} =$$

$$= \sqrt[3]{\frac{1}{92,48} \left[509,9^{3,33} - 91 + 167,68 \cdot 41 + 1,41 (303,22^{3,33} + 1279,78^{3,33}) \right] + \sqrt{494,32^{3,33} \cdot 3,78}} = 548,92 \text{ Н}$$

бунда $L_{\text{т}}' = 91 \text{ м}$, $L_{\text{т}}^{\text{юкс}}$ — юксиз тармоқларнинг горизонтал текислик бўйича узунлиги; $L_{\text{т}}^{\text{юкл}}$ — юкли тармоқларнинг горизонтал текислик бўйича узунлиги. Аравача под-шипникларидаги рухсат этилган юкланиш: $S_{\text{рух}} = S_{\text{экв}} \frac{R_1 R_2}{R_3}$.

бунда $S_{\text{экв}}$ — аравачадаги ҳисобий (чегаравий) юкланиш. Унинг қиймати III.11.1-иловадан $S_{\text{экв}} = 5000 \text{ Н}$ деб олинади. R_3 — аравача катогидаги юкланишнинг нотекис тақсимланишини ҳисобга олувчи коэффициент: $R_3 = 1,1 \div 1,2$, R_1 — конвейер ҳаракат тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент.

4.24-жадвал

« R_1 » нинг қиймати

$v, \text{ м/с}$	0,067	0,01	0,13	0,17	0,2	0,27	0,33	0,4
R_1	0,8	0,7	0,63	0,52	0,55	0,5	0,45	0,42

R_2 — конвейернинг ҳарорат режимида ишлашини ҳисобга олувчи коэффициент.

4.25-жадвал

R_2 қиймати

$t, ^\circ\text{C}$	125 гача	125	150	175	225	250
R_2	1,0	0,95	0,91	0,87	0,74	0,70

Конвейеримиз 175° гача бўлган ҳароратда ишлангани учун $R_2 = 1,2$ тенг деб оламиз.

Унда:

$$S_{\text{рух}} = 5000 \frac{0,45 \cdot 1,0}{1,2} = 1875 < S_{\text{жаз}} = 548,92 \text{ Н.}$$

Этакловчи юлдузчадаги тортувчи куч:

$$P = S_{\text{кел}} - S_{\text{кет}} + W_{\text{ст}} = 4776,8 - 1180,43 + 200 = 3796,37 \text{ Н,}$$

бунда $W_{\text{ст}}$ — этакловчи юлдузчадаги занжирнинг ҳаракат қаршилиги:

$$W_{\text{ст}} = (0,03 \div 0,5)(S_{\text{кел}} + S_{\text{кет}}) = (0,03 \div 0,5)(4776,8 + 1180,43) = 297,86 \div 178,7 \text{ Н;}$$

$W_{\text{ст}}$ ни 200 деб қабул қиламиз.

Электр моторнинг қуввати:

$$N = \frac{P \cdot K_2}{1000 \eta_m} = \frac{3796,57 \cdot 0,3 \cdot 1,2}{1000 \cdot 0,9} = 1,52 \text{ кВт.}$$

III.5.1.-жадвалдан қуввати $N=2,2$ кВт, айланишлар сони

$\Pi_{\text{мол}} = 950 \text{ мин}^{-1}$ бўлган $\frac{M_{\text{юр}}}{M_n} = 2,0$; $\frac{M_{\text{мин}}}{M_n} = 1,6$; $\frac{M_{\text{мах}}}{M_n} = 2,2$;

$J_p = 1,31 \cdot 10^{-2} \text{ кг.м}^2$ 4A110 L A6Y3 белгили электр моторни қабул қиламиз.

Конвейер юритмасининг узатишлар сонини танлаш. Юритмали юлдузчанинг айланишлар сони:

$$\Pi_{\text{юл}} = \frac{60 \cdot \phi}{\pi D_c} = \frac{60 \cdot 0,3}{3,14 \cdot 0,831} = 6,89 \text{ мин}^{-1}.$$

Редукторнинг узатишлар сони:

$$U_p = \frac{\Pi_{\text{мол}}}{\Pi_{\text{юл}}} = \frac{950}{6,89} = 137,88$$

5.25-жадвалдан умумий узатишлар сони $U=160$, тез айланувчи валдаги энг катта қуввати $N=2,8$ кВт бўлган КДВ—250 M1 белгидаги редукторни қабул қиламиз.

Занжирнинг ҳақиқий тезлиги:

$$\phi' = \frac{\pi D_0 \Pi_{\text{юл}}}{60} = \frac{3,14 \cdot 0,831 \cdot 6,89}{60} = 0,25 \text{ м/с,}$$

бунда $\Pi_{\text{юл}}$ — юлдузчанинг амалий айланишлар сони:

$$\Pi'_{\text{юл}} = \frac{\Pi_{\text{мот}}}{U_p} = \frac{950}{160} = 5,83 \text{ мин}^{-1}.$$

Тортувчи органик текшириш. Занжирга қўйилган рухсат этилган куч:

$$S_{\text{рух}} = \frac{S_{\text{гн}} \cdot K_{\text{г}}}{K_{\text{н}} \cdot K_{\text{к}}} \geq S_{\text{кел}},$$

бунда $K_{\text{г}}$ — занжир тайёрланган материал таркибини ҳисобга олувчи коэффицент. Унинг қиймати $K=0,6 \div 0,8$ деб олинади. $K_{\text{н}}$ — занжирнинг ташиш имконияти бўйича ҳисобий мустаҳкамлик эҳтиёт коэффиценти, якка қия конвейерлар учун: $K_{\text{н}}=3,5 \dots 6$; йўлли конвейерлар учун: $K_{\text{н}}=4 \dots 9$. $K_{\text{к}}$ — занжир ҳалқасининг кучланиш ҳолатини ҳисобга олувчи коэффицент: $K_{\text{к}}=1,5 \dots 5$. Агар звено эгилишга ҳисоб қилинмаса, унда $K_{\text{к}}=1$. Бунда:

$$S_{\text{рух}} = \frac{160000 \cdot 0,8}{4 \cdot 2} = 160000 > S_{\text{кел}} = 4776,86 \text{ Н}.$$

Шундай қилиб, занжирдаги мустаҳкамлик шарти бажарилди ва қабул қилинган Р2—100—160 ДАСТ 589—74 ажралувчи занжир тўғри танланган.

Тарангловчи қурилмадаги юкланиш:

$$S_{\text{г}} = \frac{1}{\eta} (S_1 + S_2 + W_{\text{АР}}) = \frac{1}{0,9} (711 + 750,14 + 335,35) = 1802,31 \text{ Н},$$

бунда $W_{\text{АР}}$ — тарангловчи араваçанинг ҳаракатлантириш қаршилиқ кучи:

$$W_{\text{ар}} = 0,1 \cdot m_{\text{ар}} \cdot g = 0,1 \cdot 350 \cdot 9,81 = 343,35 \text{ н}.$$

Ҳаракатланувчи йўл тармоғи, осма араваçа ва юкнинг умумий массаси ўрта ҳисобда $m_{\text{юк}}=350$ кг олинади.

Полиспасти таранглаш мосламаси учун тарангловчи юкнинг зарурий массаси:

$$m_{\text{юк}} = 1,1 S_{\text{г}} / g = \frac{1,1 \cdot 1802,31}{9,81} = \frac{1,1 \cdot 1802,31}{9,81} = 202,09 \text{ кг}.$$

Тормозловчи моментни аниқлаш. Етакчи юлдузча валидаги тормозловчи момент:

$$M'_T = K_T q_{\text{юк}} \cdot g = \frac{D_{\text{юл}}}{2} = 1,25 \cdot 87,13 \cdot 92,48 \cdot 9,81 \frac{0,831}{2} = 40819,36 \text{ Нм.}$$

Тез айланувчи валдаги тормоз моменти:

$$M_T = \frac{M'_T}{U_p} = \frac{40819,36}{160} = 255,12 \text{ Нм.}$$

Ушбу тормозловчи момент бўйича III.7.1-иловадан тормоз моменти $M_T=500$ Н.м., $D_{\text{ш}}=300$ мм бўлган ТКТ—300 турдаги тормозни қабул қиламиз.

Электр моторнинг nobарқарор ҳаракат давридаги кўрсаткичларини аниқлаш. Конвейернинг ўртача юргизиш моменти:

$$M_{\text{тп.кпр}} = 0,85^2 K_{\text{тп}} 9550 \frac{N_{\text{мот}}}{P_{\text{мот}}} = 0,85^2 \cdot 1,8 \cdot 9550 \frac{2,2}{950} = 33,57 \text{ Нм.}$$

Электр мотор валига келтирилган статик момент:

$$M_{\text{ст}} = \frac{P \cdot D_{\text{юл}}}{2 \cdot U_p \cdot \eta_{\text{ш}}} = \frac{3796,37 \cdot 0,831}{2 \cdot 160 \cdot 0,85} = 11,59 \text{ Нм.}$$

Электр моторнинг юргизиш вақти:

$$t_{\text{юр}} = \frac{1}{M_{\text{тп.кпр}} - M_{\text{ст}}} \left(\frac{\gamma J_{\text{ш}} P_{\text{мот}}}{9,55} + \frac{K}{38,2 \cdot U_p^2 \cdot \eta_{\text{ш}}} \right) = \frac{1}{33,57 - 11,59} \times \\ \times \left(\frac{1,2 \cdot 0,0306 \cdot 950}{9,55} + \frac{6094178,6}{38,2 \cdot 160^2 \cdot 0,85} \right) = 0,96 \text{ с,}$$

бунда

$$K = K_4 [(q_{\text{юк}} + 2q_3)L + K_c M_{\text{юл}}] D_{\text{юл}}^2 \cdot P_{\text{мот}} = \\ = 0,85 [(86,63 + 2 \cdot 38) 92,48 + \\ + 0,6 \cdot 120] \cdot 0,831^2 \cdot 950 = 6094178,6 \text{ Н.}$$

$J_{\text{ш}}$ — мотор ротори ва муфтанинг инерция моменти:

$$J_{\text{ш}} = J_p + J_{\text{ш}} = 0,0131 + 0,0175 = 0,0306 \text{ кг} \cdot \text{м}^2,$$

J_m — муфта инерция моментининг қиймати, шкив диаметри $D=170$ мм бўлган МУВП турдаги муфта учун $J_m=0,125$ кг.м.².

4.26-жадвал

КДМ—М1 турдаги редукторларнинг тафсилоти

Баҳари- лиши	Узатиш- лар сони	Тез айланувчи валдаги энг катта қувват, кВт					
		1500 мин ⁻¹ да			1000 мин ⁻¹ да		
		КДВ 200-М	КДВ 250-М1	КДВ 350М1	КДВ 200 М1	КДВ 250-М1	КДВ 350-М1
I	2124	0,13	0,32	0,80	0,09	0,22	0,54
II	1815	0,15	0,38	0,95	0,15	0,25	0,63
III	1382	0,20	0,50	0,23	0,13	0,33	0,82
IV	1052	0,26	0,65	1,62	0,17	0,43	1,08
V	801	0,34	0,85	2,14	0,23	0,57	1,42
VI	634	0,43	1,1	2,7	0,28	0,72	1,8
VII	501	0,55	1,4	3,5	0,36	0,90	0,27
VIII	397	0,69	1,7	4,34	0,46	1,15	2,87
IX	350	0,76	1,9	4,9	0,51	1,3	3,26
X	263	1,05	2,5	6,4	0,65	1,7	4,32
XI	703	1,32	3,3	8,44	0,87	2,2	4,32
XII	160	1,96	4,1	10,7	1,1	2,8	7,1

4.5. Лентали элеваторни ҳисоблаш

Берилган. Иш унумдорлиги $Q=20$ т/соат; кўтариш баландлиги $H=30$ м; ташилаётган материал — тупроқ; материал зичлиги $\rho=1,5$ т/м³. 4.26-жадвалдан тупроқ учун $v=1,5$ м/с ва тўлдириш коэффициенти $\psi=0,6$ қабул қиламиз.

Асосий кўрсаткичларни аниқлаш. Чўмичнинг ёйилган ҳажми:

$$\frac{q}{l} = \frac{Q}{3,6\rho\psi v} = \frac{20}{3,6 \cdot 1,5 \cdot 0,6 \cdot 1,5} = 4,11 \text{ л/м.}$$

4.27-жадвалдан чўмичнинг эни $B=250$ мм; қадами $l_1=400$ мм; ҳажми $\frac{q}{l}=5,0$ л/м бўлган чуқур чўмични танлаймиз. Лентанинг эни чўмич энидан 25...150 мм кенг

бўлиши керак. Лойиҳаланаётган элеватор учун лентанинг эини $B=400$ мм деб қабул қиламиз. 3.3-жадвалдан лента эни $B=400$ мм бўлган лента учун қистирмалар сони $i=3$; мустаҳкамлик чегараси 65 Н/мм бўлган қистирма газламаси БКНЛ—65 белгили резина газламали лентани қабул қиламиз. Танлаб олинган лента куйидагича белгиланади: 2—400—3—БКНЛ—65—4, 2—2—Б ДАСТ 20—76.

4.27-жадвал

Чўмичли элеватор турларини танлаш учун тахминий кўрсаткичлар

Материал тури	Элеватор тури	Ковшнинг тури	Тўлдирish коэффициент	Тезлик м/с	
				ленталар	занжирлар
Тупроқ, қум, химикатлар	Марказдан ҳочма туширилиш тез юрувчи	саёз	0,6	1+2	—
Арра тўпон, фрезерланган торф, майда кўмир, донали қотган тупроқ	—	чуқур	0,8	1,25+2,0	1,0+1,6
Цемент, фосфорит уни	—	чуқур	0,8	1,25+1,8	—
Тошкўмир, руда, тош, шлак шағал, чақич тош, кокс, кўмир	Ўзи йўналишида тушадиган секин юрувчи	Йўналирувчи бортли	0,6+0,8	—	0,4+0,63
Кўмир чанги	Ўзи бемалол тушадиган секин айланувчи	чуқур	0,85	—	0,6+0,8
Дон намлиги, 17% гача	Марказдан ҳочма туширилиш тез юрувчи	чуқур	0,7	3,9+4,0	—
Намлиги 17 фоиздан ортиқ бўлган дон ва омихта ем	—	чуқур	0,7+0,8	2,2+3,6	—
донали торф	—	чуқур	0,6+0,7	—	0,8+1,6

Элеватор чўмичларининг ўлчамлари (ДАСТ 2136—77).

Чўмич эни, В, мм	Чўмич			
	чуқур		саёз	
	чўмичнинг қадами, мм	ёйилган ҳажми, л/м	чўмичнинг қадами, мм	ёйилган ҳажми, л/м
125	320	1,3	320	0,66
160	320	2,0	320	1,17
200	400	3,24	400	1,87
250	400	5,0	400	3,5
320	500	8,0	500	5,4
400	500	12,6	500	8,4
500	630	19,0	0,63	10,8
650	630	26,6	0,63	18,2
800	—	—	—	—

Чўмич- нинг эни, В, мм	Чўмич				Девор қалин- лиги, мм	битта чўмич, массаси m , кг			
	йўналтирувчи бортли					чуқур	саёз	йўналтирувчи бортли	
	ўткир қиррали		ярим айлана тагли					ўткир қирра- ли	ярим айлана тагли
	чўмич қадами	ёйил- ган ҳажми	чўмич қадами	ёйил- ган ҳажми					
125	—	—	—	—	—	—	—	—	—
160	160	4,06	—	—	2	0,9	0,7	1,2	—
200	200	6,5	—	—	—	—	—	—	—
250	200	10,0	—	—	—	3,0	2,0	3,0	—
320	250	16,0	—	—	—	5,0	5,0	5,0	—
400	320	24,4	—	—	4	11,00	11,0	12,0	—
500	—	—	400	70	5	—	—	—	36,0
650	—	—	500	120	—	—	—	—	63,0
800	—	—	630	187	6	—	—	—	116,0

Лентанинг массасидан ёйилган куч 4.3-жадвалдан
БКНЛ—65 учун $q_d=7,3$ кг/м олинади.

Юк массасидан ёйилган куч:

$$q_{\text{ок}} = \frac{Q}{3,6 \cdot 6} = \frac{20}{3,6 \cdot 1,5} = 3,7 \text{ кг/м.}$$

Чўмичнинг массасидан ёйилган куч:

$$q_1 = \frac{m_1}{l} = \frac{3}{0,4} = 7,5 \text{ кг/м,}$$

бунда m_1 — чўмичнинг массаси. Унинг қийматини 4.28-жадвалдан $m_1=3,0$ оламыз.

Юкли тармоқдаги ёйилган куч:

$$q_0 = q_{\kappa} + q_{\text{ок}} + q = 7,5 + 3,7 + 7,3 = 18,5 \text{ кг/м.}$$

Тортувчи қисмининг таранглик кучини аниқлаш. Тортувчи куч контур нуқталар усули бўйича аниқланади. (4.12-расм).

Лентанинг энг кичик таранглиги:

$$S_{\min} = S_1 \geq 5 \cdot q_{\text{ок}} \cdot g = 5 \cdot 3,7 \cdot 9,81 = 181,48 \text{ Н.}$$

Одатда $S_{\min} = 500 \text{ Н}$ олинади. Кўрилатган элеватор учун $S_{\min} = S_1 = 500 \text{ Н}$ деб қабул қиламыз:

$$S_2 = S_1 + W_1 + W_6,$$

бунда W_6 — йўналтирувчи барабандан ўтаётган лентанинг букилишга қаршилиги. Ушбу қаршилиқ $S_{\text{ок}}$ қийматига боғлиқ, шунинг учун иккинчи нуқтанинг таранглик кучи S_2 ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$S_2 = S_1 \cdot a + W_1 = 500 \cdot 1,06 + 90,74 = 620,74 \text{ н,}$$


бунда a — йўналтирувчи барабан ишқаланиш ҳисобига кучни йўқотишини ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қиймати $a = 1,05 \div 1,1$ бўлади.

W_1 — чўмичлашдаги қаршилиқ кучи, н:

$$W_1 = K_1 \cdot q_{\text{ок}} \cdot g = 2,5 \cdot 3,7 \cdot 9,81 = 90,74 \text{ н,}$$

K_1 — чўмичлашдаги қаршилиқ коэффициенти, у 1 кг юкни чўмичлашда бажариладиган ишни ҳисобга олади, кг м/кг. Унинг қиймати $\theta = 1 \div 1,50 \text{ м/с}$ бўлганда порошоксимон ва майда донали юklar учун $K_1 = 1,0 \div 4$; ўрта ва катта донали юklar учун $K_1 = 2 \div 6$ бўлади. Кўрилатган элеваторнинг тезлиги 1,5 м/с бўлганлиги учун ва ташилатган юк майда тупроқ бўлганлиги учун $K_1 = 2,5$ деб оламыз:

$$S_{\text{кел}} = S_2 + W_{\text{ок}} = 620,74 + 5444,55 = 6065,29 \text{ Н.},$$



4.12- расм. Лентали элеваторнинг ҳисобий схемаси (а) ва лентанинг таранглик диаграммаси (б, в) ўткир қиррали: (г) ярим айлана тагли

бунда $W_{\text{кк}}$ — вертикал тармоқдаги юкли лентанинг қаршилиги:

$$W_{\text{кк}} = (q_a + q_0)gH = (7,3 + 11,2) \cdot 9,81 \cdot 30 = 5444,55 \text{ Н.}$$

Кетувчи тармоқдаги таранглик кучи:

$$S_{\text{кет}} = S_4 = S_1 + (q_a + q_k)gH = 500 + (7,3 + 7,5) \cdot 9,81 \cdot 30 = 4855,64 \text{ Н.}$$

Энг катта таранглик кучи бўйича лентадаги қабул қилинган қистирмалар сонини текшириб кўрамиз:

$$i = \frac{\Pi \cdot S_{\text{кел}}}{B \cdot K_p} = \frac{10 \cdot 6065,29}{500 \cdot 65} = 1,86 < 3.$$

бунда $S_{\text{кел}}$ — лентанинг келувчи тармоғидаги таранглик, n , Π — мустаҳкамлик эҳтиёт коэффициенти (лента кўп тортилиши учун $\Pi = 10$ қабул қилинади), K_p — битта қистирманинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги, газламаси БКНЛ—65 турли лента учун $K_p = 65$ н/мм деб қабул қилинади. Олдиндан қабул қилиб олинган $i = 3$ тўғри чиқди. Етакчи барабандаги тортувчи куч:

$$P_{\text{эл}} = (S_{\text{кел}} - S_{\text{кет}}) + W_6 = (6065,25 - 4855,64) + 72,57 = 1282,18 \text{ Н,}$$

бунда W_6 — етакчи барабандаги лента қаршилиги:

$$W_6 = 0,06(S_{\text{кел}} - S_{\text{кет}}) = 0,06(6065,25 - 4855,64) = 72,579 \text{ Н.}$$

Электр мотор қувватини аниқлаш. Электр моторнинг зарур қуввати:

$$N_{\text{мот}} = \frac{P_{\text{эл}} \cdot \eta \cdot K_2}{1000 \cdot \eta_m} = \frac{1282,18 \cdot 1,5 \cdot 1,2}{1000 \cdot 0,9} = 2,56 \text{ кВт,}$$

бунда K_2 — қувват бўйича эҳтиёт коэффициенти ва ҳисобга олинмаган сарфлар. Унинг қиймати $K_{\text{нук}} = 1,1 \div 1,2$. Энг кичик қиймат 50 кВт бўлган моторларда қабул қилинади. III.5.1.-иловадан қуввати $N_{\text{мот}} = 3,0$ кВт, $\Pi = 955$ мин⁻¹;

$$J_p = 1,75 \cdot 10^{-2} \text{ кг} \cdot \text{м}^2 \quad \frac{M_{\text{юр}}}{M_n} = 2,0, \quad \frac{M_{\text{мас}}}{M_{\text{ном}}} = 2,2; \quad \frac{M_{\text{мин}}}{M_{\text{ном}}} = 1,6 \text{ бўлган}$$

4А112 МА643 белгили электр моторни қабул қиламиз. Ҳаракатланувчи ва тарангловчи барабаннинг диаметри қистирмалар сони i бўйича аниқланади:

$$D_6 = K_1 \cdot K_2 \cdot i = 1,25 \cdot 100 \cdot 3 = 375 \text{ мм},$$

бунда K_1 — лента таркибини ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қиймати 4.10-жадвалдан олинади ($K_1=1,25$).

K_2 — лентадаги куч ва қамраш бурчагини ҳисобга олувчи коэффициент. Унинг қиймати 4.10-жадвалдан олинади ($K_2=100$). i — қистирмалар сони.

ДАСТ 22644—77 бўйича барабаннинг диаметри 160; 200; 250; 315; 400; 500; 630; 800; 1000; 1250; 1400; 1600; 2000; 2500 мм гача бўлади.

Тарангловчи барабаннинг диаметри $D_7=0,8 D_6=0,8 \times 400=320$ мм. ДАСТ 22644—77 бўйича юритмали барабанни $D_6=400$ мм ва йўналтирувчи барабанни $D_7=315$ мм деб қабул қиламиз.

Юритманинг узатишлар сонини аниқлаш. Юритманинг умумий узатишлар сони:

$$U_{\text{ум}} = \frac{P_{\text{мот}}}{P_6} = \frac{955}{71,65} = 13,32,$$

бунда P_6 — барабаннинг айланишлар сони:

$$P_6 = \frac{60 \cdot \gamma}{\pi D_6} = \frac{60 \cdot 1,5}{3,14 \cdot 0,4} = 71,65 \text{ мин}^{-1}$$

III.6.16-иловадан узатишлар сони $U=16,0$ бўлган, икки поғонали Ц2-250 белгили редукторни қабул қиламиз.

Лентанинг амалий тезлиги:

$$v' = \frac{\pi D_6 \cdot P_6}{60} = \frac{3,14 \cdot 0,4 \cdot 71,65}{60} = 1,5 \text{ м/с}.$$

Тормозловчи моментни аниқлаш. Юритмали барабаннинг валидаги тормозловчи момент:

$$M_r = K_r \cdot q_{\text{юк}} \cdot g \cdot H \cdot \frac{D_1}{2} = 1,25 \cdot 3,7 \cdot 9,81 \cdot 30 \cdot \frac{0,4}{2} = 272,22 \text{ Нм}.$$

Тез айланувчи валдаги тормоз momenti:

$$M_r = \frac{M_r \cdot \eta_{\text{м}}}{U_p} = \frac{272,22 \cdot 0,9}{16,0} = 15,31 \text{ Нм}.$$

Ушбу тормозловчи момент бўйича III.7.1.-иловадан тормоз momenti. $M_r=20$ Нм. $D_{\text{м}}=100$ мм бўлган ТКТ—100 турли тормозни қабул қиламиз.

Электр моторнинг nobарқарор ҳаракат давридаги кўрсаткичларини аниқлаш. Конвейернинг ўртача юргизиш моменти:

$$M_{\text{ур.юр}} = 0,85^2 \cdot K_{\text{ур}}; M_{\text{н}} = 0,85^2 \cdot 2,1 \cdot 9550 \cdot \frac{1}{955} = 45,51 \text{ Нм.}$$

Электр мотор валига келтирилган статик момент:

$$M_{\text{ст}} = \frac{P \cdot D_6}{2 U_p \cdot \eta_{\text{м}}} = \frac{1282,18 \cdot 0,4}{2 \cdot 16,0 \cdot 0,9} = 17,80 \text{ Нм.}$$

Электр моторни юргизиш вақти:

$$t_{\text{юр}} = \frac{1}{M_{\text{ур.юр}} - M_{\text{ст}}} \left[\frac{\gamma J_{\text{ум}} \cdot n_{\text{мот}}}{9,55} + \frac{K}{38,2 U_p^2 \eta_{\text{м}}} \right] = \frac{1}{45,51 - 17,80} \cdot \left[\frac{1,2 \cdot 0,145 \cdot 955}{9,55} + \frac{139794,4}{38,2 \cdot 16,0^2 \cdot 0,9} \right] = 0,85 \text{ с.}$$

$J_{\text{м}}$ — мотор ротори ва муфтанинг инерция моменти:

$$J_{\text{м}} = J_p + J_{\text{м}} = 1,75 \cdot 10^{-2} + 0,125 = 0,142 \text{ кг.м}^2,$$

$J_{\text{м}}$ — муфтанинг инерция моменти. Унинг қиймати III.9.1-иловадан $J_{\text{м}} = 0,125 \text{ кг.м}^2$ деб олинади.

$$K = K_v [q_{\text{юк}} + 2(q_d + q_k)H + K m_6] D_6^2 n_{\text{мот}} = 0,85 [3,7 + 2(7,3 + 7,5)30 + 0,6 \cdot 240] \cdot 0,4^2 \cdot 955 = 134516,71 \text{ Н.м.}$$

Юргизишда лентадаги энг катта динамик куч (тахминан):

$$S_{\text{дин}} = K_v (2q_d + q_{\text{юк}}) H D_6 \cdot \epsilon_{\text{мот}} \cdot \eta_{\text{м}} / 2 U_p = 0,85 (2 \cdot 7,3 + 7,5) 30 \cdot 0,4 \cdot 106,33 \cdot 0,85 / 2 \cdot 16,0 = 636,67 \text{ Н,}$$

бунда ϵ — етакчи барабаннинг бурчак тезланиши, $1/\text{с}^2$:

$$\epsilon = \frac{\omega}{t} = \frac{\pi \cdot n_{\text{мот}}}{30 \cdot t_{\text{юр}}} = \frac{3,14 \cdot 955}{30 \cdot 0,94} = 106,33 \text{ рад/с}^2.$$

Юргизиш пайтида лентадаги энг катта куч:

$$S_{\text{мах}} = S_3 + S_{\text{дин}} = 6065,25 + 636,67 = 6701,92 \text{ Н.}$$

Лентани ортиқча юклаш коэффициенти:

$$K_s = \frac{S_{\text{мах}}}{S_3} = \frac{6701,92}{6065,24} = 1,1.$$

Юргизиш пайтида ҳаракатлантириш қаршилиги (барабан билан лентанинг илашиши етарли):

$$W = P + S_{\text{ден}} = 1312,22 + 636,67 = 1948,09 \text{ н.}$$

Элеваторни юргизиш даврида келувчи тармоқнинг таранглиги:

$$S_{\text{эл.лин}} = \frac{W}{e^{f\beta} - 1} = \frac{1948,09}{1,87 - 1} = 2239,18 \text{ н.},$$

бунда f — лента билан пулат барабан орасидаги ишқаланиш коэффициентини; $f=0,2$;

$$\alpha = 180^\circ = 3,14 \text{ рад.}$$

Элеваторнинг таранглик қурилмаси 4.13-расмда кўрсатилган.

4.6. Занжирли элеваторни ҳисоблаш

Берилган: иш унумдорлиги $Q=50$ т/соат; кўтариш баландлиги $H=23$ мм; ташилаётган материал — шағал, шагалнинг солиштирма зичлиги $\gamma=1,7$ т/м³;

4.26-жадвалдан шағал учун тезликни $\vartheta=0,6$ м/с; тўлдириш коэффициентини $\psi=0,8$ деб қабул қиламиз.

Асосий кўрсаткичларни аниқлаш. Чўмичнинг ёйилган ҳажми:


$$\frac{V_0}{l} = \frac{Q}{3,6\gamma\psi} = \frac{50}{3,6 \cdot 0,6 \cdot 1,7 \cdot 0,8} = 17,02 \text{ л/м.}$$

4.28-жадвалдан чўмичнинг ёйилган ҳажми $\frac{V_0}{l}=24,4$ л/м:

қадами $t_3=320$ мм; чўмич эни $B=400$ мм бўлган ўткир қиррали йўналтирувчи ён деворли чўмични танлаймиз.

Тортувчи орган сифатида ДАСТ 581—81 (III.2.1.-илова)дан олдиндан занжир қадами $t_3=315$ мм; узувчи кучи $S=112000$ Н бўлган М112 турдаги пластинкали занжир танлаб оламиз (М 112—4—315—2 ДАСТ 588—81). Ушбу танлаб олинган пластинкали занжир учун ДАСТ 592—75 бўйича III.2.5-иловадан юлдузчанинг тишлар сони $z=8$ ва бўлувчи айлана диаметри $D_0=522,62$ мм деб қабул қилинади.

I м. узунликдаги занжирнинг массаси III.2.2-илова бўйича $q_3=9,28$ кг/м олинади.



4.13-расм. Тарангловчи қурилма

Чўмичнинг массасидан ёйилган куч:

$$q_4 = \frac{m_r \cdot K_r}{l} = \frac{12,1,05}{0,315} = 40,00 \text{ кг/м},$$

K_r — чўмичнинг маҳкамловчи деталлари массасини ҳисобга олувчи коэффицент $K_r = 1,0 \div 1,1$.

Юк массасидан ёйилган куч:

$$q_{\text{юк}} = \frac{Q}{3,6 \cdot v} = \frac{50}{3,6 \cdot 0,6} = 23,14 \text{ кг/м}.$$


Юкли тармоқдаги ёйилган куч:

$$q_{\text{юкл}} = q_3 + q_4 + q_{\text{юк}} = 9,28 + 23,14 + 40,00 = 72,42 \text{ кг/м}.$$

Юксиз тармоқдаги ёйилган куч:

$$q_{\text{юксс}} = q_3 + q_4 = 9,28 + 40,00 = 49,28 \text{ кг/м}.$$

Тортувчи қисмининг таранглик кучини аниқлаш. Тортувчи куч конвейер тармоқларининг тегишли нуқталаридаги тарангликни ҳисоблаш усули бўйича аниқланади.



4.14-расм. Занжирли элеваторнинг ҳисобий схемаси:
 а—занжирли элеваторнинг ҳисобий схемаси; б—занжирнинг таранглик диаграммаси

4.14-расмда энг кичик таранглик 1-нуқтада бўлади:

$$S_{\min} = S_1 \geq 5 \cdot q_{\text{кк}} \cdot g = 5 \cdot 23,14 \cdot 9,81 = 1135,01 \text{ н.}$$

Иккинчи нуқтадаги таранглик:

$$S_2 = S_1 + W_2 + W'_{\text{юл}},$$

бунда $W'_{\text{юл}}$ — чўмичлашдаги қаршилик:

$$W'_{\text{юл}} = K_q \cdot q_{\text{кк}} \cdot g = 4,5 \cdot 23,14 \cdot 9,81 = 1021,51 \text{ н,}$$

K_q — чўмичлашдаги қаршилик коэффиценти. Унинг қиймати $K_q = 4,5$ деб қабул қиламиз. $W_{\text{юл}}$ — йўналтирувчи юлдузчадаги ўтаётган занжирнинг букилишига қаршилиги. Бу қаршилик $S_{\text{юл}}$ нинг қийматига боғлиқ, шунинг учун иккинчи нуқтанинг таранглик кучи S_2 ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$S_2 = S_1 \cdot a + W_1 = 1135,01 \cdot 1,06 + 1021,51 = 2223,62 \text{ Н},$$

бунда $a = 1,06 \div 1,1$ — йўналтирувчи юлдузчада ҳосил бўладиган ишқаланиш кучининг занжир таранглигига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент:

$$S_{\text{юкл}} = S_3 = S_2 + W_{\text{юкл}} = 2223,62 + 16340,12 = 18563,74 \text{ Н},$$

бунда $W_{\text{юкл}}$ — юкли тармоқлардаги қаршилик:

$$W_{\text{юкл}} = q_{\text{юкл}} \cdot g \cdot q_{\text{юкл}} = 72,42 \cdot 9,81 \cdot 23 = 16340,12 \text{ Н}.$$

Тўртинчи нуқтадаги таранглик:

$$S_{\text{кет}} = S_4 = S_1 + W_{\text{юкс}} = 1135,01 + 11119,04 = 12254,05 \text{ Н},$$

бунда юксиз тармоқдаги қаршилик:

$$W_{\text{юкс}} = q_{\text{юкс}} \cdot g \cdot q_{\text{юкс}} = 49,28 \cdot 9,81 \cdot 23 = 11119,04 \text{ Н}.$$

Етакловчи юлдузчадаги тортувчи куч:

$$P = (S_{\text{юкл}} - S_{\text{кет}}) + W_{\text{юл}} = (18563,74 - 12254,05) + 378,58 = 6688,27 \text{ Н}.$$

бунда $W_{\text{юл}}$ — етакловчи юлдузча таянчларидаги ҳамда занжирнинг букилишига қаршилиги:

$$W_{\text{юл}} = (q - 1)(S_{\text{юкл}} - S_{\text{кет}}) = 0,06(18563,74 - 12254,05) = 378,58 \text{ Н}.$$

Электр мотор қувватини аниқлаш. Электр моторнинг керакли қуввати:

$$N_{\text{мот}} = \frac{P \cdot v \cdot K_2}{1000 \cdot \eta_M} = \frac{6688,27 \cdot 0,6 \cdot 1,2}{1000 \cdot 0,9} = 5,35 \text{ кВт}.$$

III.5.1-иловадан қуввати $N_{\text{мот}} = 5,5 \text{ кВт}$, $\Pi_{\text{мот}} = 965 \text{ мин}^{-1}$; $J_p = 0,04 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$;

$$\frac{M_{\text{юр}}}{M_{\text{исм}}} = 2,0; \quad \frac{M_{\text{мах}}}{M_{\text{н}}} = 2,2; \quad \frac{M_{\text{мин}}}{M_{\text{н}}} = 1,6 \text{ бўлган } 4\text{A}132 \text{ 6УЗ бел-}$$

гили электр моторни танлаб оламиз.


Тортувчи қисмини ҳисоблаш. Занжирдаги динамик куч:

$$S_{\text{дин}} = \frac{6 \pi m v}{z^2 \cdot t_3} = \frac{6 \cdot 3,14^2 \cdot 2134,99 \cdot 0,6^2}{8^2 \cdot 0,315} = 2253,17 \text{ Н}.$$

бунда $t_3 = 315 \text{ мм}$ — занжир қадами,

z — юлдузчадаги тишлар сони,

m — элеватор юриш қисми ва ташилаётган юкнинг массаси, кг:



4.15-расм. Куйма юлдузчанинг конструкцияси

